

Махмуд ТОИР

АҲЛИ МУҲАББАТ,
ҚАЙДАСИЗ

Шеърлар

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уюм
Тошкент – 2014

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

Т 61

Тоир, Маҳмуд.

Аҳли муҳаббат, қайдасиз: шеърлар /М.Тоир. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. — 220 б.

Яхши шеър ўз оҳанги билан яралади. Шундай шеърлардан яралган қушиқлар эса дилларни дилларга пайванд этади. Аввал шеър маъносидан, кейин соз сеҳридан, албатта хонанда овозидан ором топган тингловчи санъат асирига айланади. Шукурким, бугун узбек адабиётида, узбек санъатида элимиз ардоғига мушарраф булган асарлар талайгина.

Ўзбекистон Халқ шоири Маҳмуд Тоир қаламига мансуб юзлаб шеърлар эл ардоғидаги Халқ ҳофизлари, Халқ артистлари, шунингдек, эстрадамизнинг навқирон авлодлари томонидан куйлаб келинмоқда.

Кулингиздаги ушбу туплам барчамизнинг севимли шоиримиз Маҳмуд Тоирнинг оҳангларга кўчган, шунингдек, ўз оҳанги билан яралган янги шеърларидан тузилган. Ўйлаймизки, улар сизнинг кўнглингиз туридан жон олади

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

© Маҳмуд Тоир

© Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2014

ISBN 978-9943-03-569-0



СОҒИНТИРИБ ЯШАГИМ КЕЛАР

Юрагимга яқин одамлар,
Меҳри дилга чақин одамлар.
Соғинсам-да ўзим сизларни,
Соғинтириб яшагим келар.

Дидамга нур дийдорларингиз,
Менга беринг озорларингиз.
Тутса ҳамки хуморларингиз,
Соғинтириб яшагим келар.

Мен қадрни қатралаб топдим,
Бахтим. сизга бахт тилаб топдим.
Гарчи дўстнинг ортидан чопдим.
Соғинтириб яшагим келар.

Соғинганнинг садоқати бор,
Соғинтирса унга иззат ёр.
Насиб этсин бизга хуш дийдор,
Соғинтириб яшагим келар.

Сиз муҳаббат меҳридаги нур,
Соғинсам ҳам қиламан ҳузур.
Соғинтирса. Маҳмуддан узр,
Соғинтириб яшагим келар.



ОҚҚАН ДАРЁ ОҚАВЕРАДИ

Сен йўлимни тўсма, эй ғаним,
Янтоқ бўлиб ўсма, эй ғаним,
Сокин дарё бу кўнглим маним,
Ишқим гулхан ёқаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Мен қоқилсам ер кўтаргайдир,
Эрка бўлсам эл кўтаргайдир,
Ожиз аввал қўл кўтаргайдир,
Чаён зоти чақаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Сен ҳам бир бор юлдуз бўлиб кўр,
Тун бўлмагин, кундуз бўлиб кўр,
Бир майсага илдиз бўлиб кўр,
Кўклам чечак тақаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Ҳақ сўз жоним жаранги мени,
Шеърим дилимнинг ранги мени,
Тўкур ҳасаднинг занги сени,
Ҳавас чақмоқ чақаверади,
Оққан дарё оқаверади.

Сен кулмасанг кулмайди дунё,
Мен йиғласам йиғлайди дунё,
Бўйин бизга бўйлайди дунё,
Яхши элга ёқаверади,
Оққан дарё оқаверади.



АСРАЙ БИЛГИН

Қордан қадр сўрама, эриб кетар,
Хазон болиш бўлмайди, чириб кетар.
Ғаним уйдан қувончинг териб кетар,
Худо берган бахтингни асрай билгин.

Ҳақдан сўра, мушкулинг осон бўлсин,
Дарвозанг оч, уйингда меҳмон бўлсин.
Остонагда орият посбон бўлсин,
Худо берган тахтингни асрай билгин.

Бўлар-бўлмас одамга бўзлайверма.
Ҳар бир дилдан ҳақиқат излайверма,
Кўлинг етмас манзилни кўзлайверма.
Худо берган нақдингни асрай билгин.

Тошмеҳрдан тиланма, дил тўкилар.
Бевафонинг бағрида бахт ўкинар.
Оқилга ҳам одилга эл юкунар.
Эл ўғлисан, аҳдингни асрай билгин.

Асрай билгин осмонингни, асрай билгин,
Боғинг гўзал, боғбонингни асрай билгин,
Хуш ниятли ҳар миллат сиққан бу юрт,
Карвон бўлсанг сарбонингни асрай билгин.

Бу дунёнинг белига белбоғ етмас,
Биз кетамиз дунёдан, дунё кетмас.
Мудраб қолсанг отар тонг, сени кутмас,
Маҳмуд, сафда шаҳдингни асрай билгин,
Худо берган бахтингни асрай билгин.



МЕНДАН МЕНИ СЎРАМА

Мен тошларнинг тилиман.
Мен кўнгилнинг гулиман.
Бу дунёнинг гилиман,
Мендан мени сўрама.

Тиллоси йўқ бой надур.
Эгилмаса ёй надур,
Сув оқмаса сой надур,
Мендан мени сўрама.

Офтобга эргашмасанг,
Ер билан йиғлашмасанг,
Тиғ билан тиллашмасанг,
Мендан мени сўрама.

Сен етмаган йўлдаман,
Сув кирмаган чўлдаман.
Бир майсаман, дўлдаман,
Мендан мени сўрама.

Ҳар дарёнинг боши бор.
Ҳар кўзнинг ўз ёши бор,
Ҳам табибман, ҳам бемор.
Мендан мени сўрама.

Тўкилмасам, тўлмайман,
Қор қўйнида гуллайман,
Мен шунчаки ўлмайман,
Мендан мени сўрама.

Кундан тунни сўрама,
Қўрдан кулни сўрама,
Мендан дунё сўрайвер,
Мендан мени сўрама.

ЁМҒИР

Юрагимнинг ойнасига ёғар ёмғир,
Бир санамнинг сийнасига ёғар ёмғир.
Қуёш тутгил, нурдан чоғир, десам ҳамки,
Ёғар ёмғир, ёғар ёмғир, ёғар ёмғир.

Ёронларим, осмон менинг бошиммикин,
Ёронларим, ёмғирим кўз ёшиммикин,
Ёронларим, бағримда қуёшиммикин,
Овутолмам, йиғлаб-йиғлаб ёғар ёмғир.

Юрагимнинг ойнасига ёғар ёмғир,
Бир санамнинг сийнасига ёғар ёмғир,
Кипригимга, оҳ, ўзини остан соғинч,
Бирам оғир, бирам оғир, бирам оғир.

Ул санамнинг кўзларида ўзим ёмғир,
Селоб оққан юзларида кўзим ёмғир,
Бўғзида-ей, айтолмаган сўзим ёмғир,
Ишқнинг оташ оловида ёнмоқ оғир,
Овутолмам, йиғлаб-йиғлаб ёғар ёмғир.



КЎЗ НЕЧУН ДАРКОР ЭКАН

Игнадан ип ўтмаса,
Кўз нечун даркор экан.
Ноласи тош тешмаса,
Сўз нечун даркор экан.

Вой ака, урмангиз дўқ,
Чойингиз новвоти йўқ.
Тилда хуш булбулсиз-у,
Кўнгилда кўрмадик чўғ.

Жон учун бўлсанг жўра,
Жон ипин узма сира,
Лойқа сув ҳам яхшидир,
Бевафо ёрдан кўра.

Ой биздан анча узоқ,
Кун биздан қанча узоқ.
Ёнимда турибсиз-ку,
Кўнглимдан бунча узоқ.

Қадрга қалқон қани.
Меҳрга меҳмон қани.
Оҳ урган одам кўп-у,
Ишқимга султон қани?



ТИЛАБ-ТИЛАБ ОЛГАНИМ

(Халқ оҳангида)

Тилаб-тилаб олганим,
Тилакларим тўкилди.
Қирқта эмас бир жоним,
Қирқ чокидан сўкилди.

Яро-яро юракнинг,
Ярмини ким олгайдир.
Гуручдаги курмакни,
Ошига ким солгайдир.

Тўлқин-тўлқин дарёлар,
Тўлқинида оҳим бор.
Ўртамизда риёлар,
Менинг не гуноҳим бор?!

Қаро-қаро қошингни,
Қаролиги ёлғонми?
Суюб ичган ошингни
Тузин ағёр солғонми?

Тома-тома томчилаб,
Кўллар адо бўлгайдир.
Қон дилини қамчилаб,
Маҳмуд фидо бўлгайдир.



ДУНЁ ГЎЗАЛ

Орзу билан армоннинг
Орасида нима бор?
Кўринмайсиз, дилдорим.
Дилда жиндек гина бор.

Куз бизни кўзламасми,
Қиш бизни изламасми.
Гул очмай баҳоримиз
Бўтадек бўзламасми?

Чойнакка ҳам хуш ёқмас
Пиёланинг чегаси.
Сув сепилган ҳовлининг
Сувдек сулув эгаси.

Очилади дастурхон,
Ёпилади дастурхон.
Синдирилса совчилар
Топилади бир жуфт нон.

Бўйлашсак дунё гўзал,
Тўйлашсак дунё гўзал.
Сизга мендек яхши йўқ,
Менга ҳам сиздан афзал.



ЧИН НАДУР

Ҳилоли йўқ тун надур,
Қуёши йўқ кун надур,
Муҳаббат меҳробида
Ёлғон надур, чин надур.

Суйгани келганмидим,
Куйгани келганмидим,
Дунёсига мен жондан
Тўйгани келганмидим.

Жонимда бир чашма бор.
Унга қанча ташна бор.
Бу дунё бозорида
Мен вафога харидор.

Қаҳр гулни қаритгай,
Меҳр дардни аритгай,
Чин ошиқ жон жомида
Қуёш бўлиб қур тутгай.

Ой биздан узоқ кўнгил,
Кун биздан узоқ кўнгил.
Бу туннинг зулматида
Ким тутар чироқ кўнгил.



САДО БЎЛУР

Тошойнани тош йўлда
Ётганини ким кўрган?
Айт, вафони бозорда
Сотганини ким кўрган?

Кўнгил-а, куйган кўнгил,
Сув сепиб сўндирмагин.
Суймагани ёлбориб
Ёлғонга кўндирмагин.

Умр қисқа, йўл узун.
Тулпорлар ҳам толаркан.
Аламнинг алангаси
Юрагингда ёнаркан.

Кўз ярашса узукка,
Айтгин, ким гина қилар.
Қайрилма қош, қалам қош
Қайрилса нима қилар?

Кўнглимнинг кўчасидан,
Топганим озор бўлди.
Армон бағримда тикан,
Ҳижрон менга ёр бўлди.

Куйса-ю, куйдирмаса,
Ҳар кўнгил адо бўлур.
Бу дунёда, айт қачон
Тошлардан садо бўлур?!



МОМО ЕР

Шамолларнинг шокиласи дарахтларнинг бўйнидадир.
Тоғлар тошин дил изҳори ирмоқларнинг ўйнидадир.
Ошиқ булбул сир, хандаси ғунчаларнинг қўйнидадир.
Айтар сўзим сувратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Майсаларинг шивирлашди, тизлар чўкдим, қулоқ бердим.
Билмай босиб чумолини гуноҳимга сўроқ бердим.
Ватан не деб сўрганларга бир кафтгина тупроқ бердим.
Менга Ватан сийратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Турналарнинг туморлари яратганнинг ўзидадир.
Кимки поклик ахтарибдур — ҳалол топган тузидадир.
Гар гуноҳи, савоби бор бандасининг изидадир.
Покдомонлик журъатини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Қуёш кўкда сен деб яшар, ой бошингда ўргилади.
Кўрдим ҳар тун минг-минг юлдуз этагингга нур элади.
Чимдимгина лойинг билан қалдирғоч бешик белади.
Бу дунёнинг ҳайратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.

Сенда унган ҳар бир гиёҳ яратганга сано айтар.
Кўкка етган тераклар ҳам куни битса сенга қайтар.
Муҳаммадга уммат Маҳмуд кафти куйиб дуо айлар.
Ошиқликнинг қудратини, Момо ерим, ўзинг бердинг.



ҚОШМИДИ ЧИМРИЛГАНИ

Кўнглима қулоқ солса,
Бедору беморманам.
Ошиқман оламда йўқ,
Хумору хушторманам.

Ой десам ойдан узоқ,
Кун десам кундан узоқ.
Бу ғаним қандай ғаним,
Жонима қўйди тузоқ.

Қушмиди учирганим,
Тушмиди учирганим.
Кўксимни куйдиради
Кўнглимдан кечирганим.

Ўзимга бегонаман.
Тош тегмай тўлғонаман.
Бўйига бўйламайин,
Мен кимдан қизғонаман.

Тун умри азонгача,
Гул умри хазонгача.
Ел етиб боргаймикин,
Бевафо тўзонгача.

Қошмиди чимрилгани,
Чиндими қайрилгани.
Дунёга келганим йўқ
Мен ёрдан айрилгани.



ИЗЛАРИНГДАН ТЕРГАЙМАН

Мен жонимни жабборга
Бекорларга бермайман.
Кўзингдаги шабнамни
Кипригимда тергайман.

Бу дунё девонаси
Деб ўкситма дилимни.
Тун менга тумор тутса,
Ишқ ёритган йўлимни.

Мен бегона осмоннинг
Офтобини узмайман.
Чиройинг гул баргига
Тиконларда чизмайман.

Ошиқман деб дунёга
Жар солмоқдан на ҳожат?
Номинг нондай азизу
Ёдинг менга ибодат.

Мен жонимни жабборга
Бекорларга бермайман.
Жаннатда ҳам ифори
Изларингдан тергайман.



ҚАЙНОНА

(Ҳазил)

Бу қўшиқда ҳазил бор,
Қизлар етар манзил бор.
Жиндек зил ҳам йўқ эмас,
Ҳар кимда ҳам кўнгил бор.

Ёт уйда етимдайин
Ҳаётин бошлар келин.
Қайнона ёмон бўлса,
Кўзларин ёшлар келин.

Ойлар ўтар, йил ўтар.
Келин бирдан ўт олмас.
Қайнонасин қаҳрига
Кун келади, чидолмас.

Бошланар гап отишлар,
Бошланар гап сотишлар.
Ўртада сарсон куёв,
Тонггача терс ётишлар.

Қайнонажон, қайнона,
Келин сизга парвона.
Гар сиз қовоқ уйсангиз,
Етти олам вайрона.

Келин ҳам бир онанинг
Жондан чиққан чашмаси.
Ўнг кўз билан қаранг сиз,
Ёмон эмас ҳаммаси.

Ҳой келинчак, келинчак,
Жилмайиб кўринг жиндек.
Қайнона ҳам тош эмас,
Иккингишга жон керак.

Қайнонажон, қайнона,
Келин сизга парвона.
Гар сиз қовоқ уйсангиз,
Етти олам вайрона.

ҚАЙНОТА

(Ҳазил)

Қўшиқлар кўп дунёда,
Гоҳи тинглаб толгайсан.
Бир қўшиқ бор, келинчак,
Жон деб қулоқ солгайсан.

Қайнамаган қумғонни
Совуқ сувча қадри йўқ.
Чўрт кесишга келганда,
Қайнотадан марди йўқ.

Авлод учун ор ота,
Гоҳ меҳрингга зор ота.
Дуосида олтин бор.
Қайнота бу, қайнота.

Бир товуққа сув даркор,
Ҳам дон керак дейдилар.
Дамлаб қўйган ошга ҳам,
Вой, нон керак дейдилар

Қайнонанинг қозони
Ёғсиз қандоқ қайнайди.
Қалампирнинг аччиғи
Қайноталар чайнайди.

Очиқ қолган қозоннинг
Қопқоғини ким топар.
Ун бўлмаса супрада,
Ширмой нонни ким ёпар?

Қайноталар асрайди
Оилангиз орини.
Қайтиб келмас кетгани,
Асрай билинг борини.

ОВСИНЛАР

(Ҳазил)

Янгиликда бир-бирин
Хуш кўради овсинлар.
Болишларин балқитиб,
Туш кўради овсинлар.

Бир-бирини боласин
Ерга қўймай суюди.
Униси бунисига
Ўсма қўйиб қўяди.

Қадр-қиммат чироғин
Ёқиб турсин овсинлар.
Кўз тегмасин, туморлар
Тақиб юрсин овсинлар.

Ўй бошқа. ҳаёт бошқа,
Турмушнинг ташвиши бор.
Бу рўзғорнинг ғорида
Ҳар кимнинг юмуши бор.

Биттасининг эри-чи,
Хўп топармон чиқади.
Иккинчиси оқидан
Сал отармон чиқади.

Отганин ойимчаси
Чимчилайди тонггача.
Аччиқ-тизиқ гап билан
Қамчилайди тонггача.

Йўлга кирса болалар,
Тўпалоннинг тошидир.
Каттаси туриб ўтар.
Йиқилгани ёшидир.

Топилади баҳона,
Талашади овсинлар.
Дока рўмол қуримай,
Ярашади овсинлар.

Ким айтади ўзича,
Керилмайди овсинлар.
Ёмонлашдан бир-бирин
Эринмайди овсинлар.

Дейди, анув савилнинг
Сира кетмас хинаси.
Кичигига кирармиш
Каттасининг киннаси.

Янгиликда бир-бирин
Хуш кўради овсинлар.
Болишларин балқитиб,
Туш кўради овсинлар.





ОЛМА ОТСАНГ

Қарсиллаган қарс нима,
Кўнгилдаги дарз нима,
Йўлга чиққан йигитга,
Араз нима, арз нима?

Олма отсанг билиб от,
Аввал ўзинг илиб от.
Бахтли бўлган борми. айт,
Дунёсида солиб дод.

Офтобга арзандасан,
Моҳтобга пазандасан.
Худойимнинг олдида,
Битта ғариб бандасан.

Кўзга тушган чўп экан.
Бахтли бўлсанг хўп экан.
Бу оламга сен, мендек.
Келиб кетган кўп экан.

Чиройда чиммат бўлур,
Хуш сўзда ҳикмат бўлур.
Одам учун, айт, нима
Қадрдек қиммат бўлур.

Билиб севсанг бахтлисан,
Кўксингда тоғ, тахтлисан.
Юзингда юзта офтоб,
Эл олдида аҳдлисан.



ХАЛҚОНА

Қат-қатгина қатлама,
Қатларида ёғи кўп.
Ким севишни билмаса,
Юрагида доғи кўп.

Ошиқликдан ор қилган,
Оро йўлда оввора.
Муҳаббатни хор қилган,
Яна ар абад дилпора.

Қантак ўрик қанд эмас.
Чойга солиб бўлмайди.
Бевафонинг номини
Ёдга олиб бўлмайди.

Қўлни қўлга берсангиз,
Дукиллайди юраклар.
Ногоҳ қарсиллаб синар
Эгилмаган тераклар.

Пора-пора, дилпора.
Севолмаган бечора.
Тошга малҳам кор қилмас,
Бўлиб юрманг оввора.

Ишқдан ишрат изламанг,
Ишқ вафонинг меваси.
Кўзга тушган ямоқдир,
Чинниларнинг чегаси.



БАРМОҚЛАРИНГ БОДАСИ

Юздаги дона холинг,
Хаттотнинг хатиданми?
Лабдаги қизил олинг,
Фунчанинг қатиданми?

Қаро-қаро қошларинг
Қалдирғоч терганмиди.
Гулим, садаф тишларинг
Марварид берганмиди?

Сочларинг толим-толим,
Толасида додим бор.
Тилимдан томар болим,
Сендек паризодим бор.

Бармоқларинг бодаси,
Айлантирар бошимни.
Табассуминг шодаси,
Тўккайдир бардошимни.

Қароғингда қатра нур,
Қайрилсанг айлонайин.
Болишингга сочиб дур,
Қуёш бўлиб ёнайин.

Кўксингга ботиб жоним,
Жонингда қолиб кетай.
Йўқ-йўқ, Маҳмуд, жононим
Жонимда олиб кетай.



ЯХШИ

Тилаб олган ҳурматдан
Гадо топган нон яхши.
Сотқин қурган иззатдан
Чиқиб кетган жон яхши.
Юз йил йиғлаб юргандан
Саодатли он яхши.
Эй дуст, мендан сўрмагин
Ким ёмону ким яхши.
Бўм-бўш тилла кўзадан
Майга тула хум яхши.

Чумолини жонидан,
Кумурсқанинг қонидан,
Қарғанинг қумғонидан,
Ҳатто итнинг шонидан,
Таъма талаб каслардан
Бир чимдим райҳон яхши.
Эй дўст, мендан сўрмагин —
Алифми ё Нун яхши,
Кундуз қулдек юргандан
Озод юрган тун яхши.

Бурда нонни тутолсанг,
Фикрин қилиб яшасанг,
Қултум сувни ютолсанг,
Шукрин қилиб яшасанг.

Бир одамдек яшашга
Ҳақ берган имкон яхши.
Яхшилар куп дунёда,
Демасман ҳеч: мен – яхши,
Яхшиликлар ярашган.
Дўсти азиз, сен – яхши.

Қумғонинг кўрсиз қолса,
Юрагинг жўрсиз қолса,
Жон дегани кун келиб.
Тандан чиқиб тин олса,
Оҳ, ортингдан десалар.
Кетди бир инсон яхши!
Маҳмуд, зинҳор демагин.
Ўлганда ҳам шон яхши,
Руҳингга роҳат тилаб
Ўқилган Қуръон яхши.





ЯРИМИ БЎШ ЁСТИҚЛАР

Тунга тошлар отади,
Яримни бўш ёстиқлар.
Кимни қарғаб ётади,
Яримни буш ёстиқлар.

Остонада ой нури,
Кимни кутар уй тўри,
Куйган кунгилнинг жўри,
Яримни буш ёстиқлар.

Қувончга юз чаймайди,
Бу не ғамки сўнмайди.
Кўз ёшга ҳеч тўймайди,
Яримни бўш ёстиқлар.

Юлдузли тун, ой кўкда,
Сирлашишга тил йўқ-да,
Нечун куймайди чўғда,
Яримни бўш ёстиқлар.

Қаро тун қароғида,
Соғинч бор чироғида,
Титрар дил титроғида,
Яримни бўш ёстиқлар.

Худойим, банданг бедор,
Бир-бирига қилма зор,
Ўзидан этмасин ор,
Яримни бўш ёстиқлар.



АРАЗ

Халқ оҳангида

Ачинса алам қилсин,
Жаҳлин жиндек кам қилсин,
Қалампирни қошига
Билмасдан қалам қилсин.

Қабоғига ҳушим йўқ,
Баҳор келди, қишим йўқ,
Кўнгил отлиғ қафасдан,
Кўйворгувчи қушим йўқ.

Гиналари ўзига,
Парвойим йўқ сўзига,
Худойимга арз қилсам,
Сепкил тошар юзига.

Юрсам йўлга сизмайман,
Ахир қанлоқ юргайман,
Пешонамдан тўйдим мен,
Пешонамдан кўргайман.

Қайтсин ўзим биларман,
Бошидан қум эларман,
Сочларини супурги,
Қўлин касов қиларман.

Кўзларимга боқ мени,
Тоқатларим тоқ мени,
Ёнтоқ нима, ўрикнинг
Ўтинида ёқ мени.



КЎРГАН БОРМИ?

Ким учириб юборса
Қулидаги қушини.
Овчилардан орланмай,
Сувга айтсин тушини.
Йиғлаб келиб дунёга
Бўзлаб кетган зотлар кўп.
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.

Ўтиннинг умри қисқа,
Мўл юрса қаловгача.
Қўпчиб турган хамир ҳам
Боргайдир оловгача.
Омбир билан олдиран
Одам оғриқ тишини,
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.

Кўрган борми, айтинглар.
Ўз кўнглининг қулини.
Ким бошга ёстиқ қилар.
Виждон сотиб пулини.
Айб ундамас, ёронлар,
Шайтон олган хушини,
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.

Онам дейди: – Сенга ҳеч
Насиҳат кор қилмайди.
Онасин ерга қўйиб,
Бўзламаган билмайди.

Кеч очилган кўзингни,
Ким артади ёшини.
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.

Атиргулнинг тикони
Бекор тилмас қўлингни.
Гулзорга кирмоқ бўлсанг,
Поклаб олгин дилингни.
Парвоз олди оққушлар,
Сувга урар тўшини.
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.

Қайси дорбоз лангарсиз
Дор устида ўйнайди.
Қорин тўяр бир зумда,
Кўзлар нечун тўймайди.
Кимга сотар қассоблар
Ҳеч суяксиз гўштини.
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.

Худойимга қай кимса,
Кўз ёш қилса ёлғондан.
Омаднинг оқ тулпори
Тушиб келмас осмондан.
Қурт еркан азалдан
Дарахтнинг ҳам бўшини,
Чидаганга чиқарган
Бу дунёнинг ишини.



ЧИН ОШИҚ

Шодлигида шароб бор,
Кўзларида гулоб бор.
Сочларида тун бўлса,
Юзларида офтоб бор.

Бу қандай чашма экан,
Дил унга ташна экан.
Севмайин, севилмайин,
Ичишга шошма экан.

Гул тутар ифори йўқ,
Дилида дилдори йўқ.
Ҳар ошиқ Мажнун бўлса
Лайлининг бозори йўқ.

Садоқат шеваси хуш,
Муҳаббат меваси хуш.
Ошиқман деб оҳ урар,
Ёрни бир кўрганми туш?

Сеҳрда садо бўлмас,
Қуруқ сўз нидо бўлмас.
Чин ошиқ чиранмайди,
Бир оҳда адо бўлмас.



НЕЧУН

Кўйворган қушни кутманг,
Кўрмаган тушни тутманг.
Боқмаган бахтга ўхшаб
Гулим, бизни унутманг.

Гулсиз чаман қайда бор,
Ишқда қандай қоида бор?
Дунёдаги хуш нола
Кўксин ўйган найда бор.

Тош тошга кўшилмайди,
Бош бошга кўшилгайдир.
Кувонч кўш кўзда қалқса,
Ёш ёшга кўшилгайдир.

Бекорчи бемор эмас,
Вале у бедор эмас.
Чаманларда гуллар кўп,
Сиз каби хумор эмас.

Қалдирғочга қўл бердим.
Оҳуларга йўл бердим.
Қайтиб олсам кул қилиб,
Нечун сизга дил бердим?



АЙТИШУВ

Қиз: Белбоғликда бел бўлса,
Аҳли мардга эл бўлса,
Садоқатда султонун
Яна дарёдил бўлса.

Беклар билан беллашса,
Ёвлар билан тенглашса.
Булбулзабон бўлса-ей,
Кўклам билан кўклашса.

Йигит: Талабинг адо бўлгай,
Минг жоним фидо бўлгай.
Кўклам билан кўклашсам,
Сабодан садо бўлгай.

Қадрим сенга қалқондир,
Орим тоғдир, посбондир.
Сендек гўзал тоабод,
Жонимдаги жонондир.

Қиз: Ҳар дилнинг навоси бор,
Хуш сўзнинг хумоси бор.
Фарҳоддек фидоларнинг
Шириндек адоси бор.

Сўзига султон бегим,
Сиз кўкси осмон бегим.
Бахтимизнинг тахтида
Юргайсиз омон, бегим.

Йигит: Шунчаки хитобим йўқ,
Ёлғонга жавобим йўқ.
Дилимнинг осмонида
Сенингдек офтобим йўқ,
Мен кўкламнинг кўзиман,
Булбулларнинг сўзиман.
Беклар билан беллашсам,
Алломишнинг ўзиман.

Йигит: Менингдек фидо йўқдир
Сенингдек қаро кўзга.

Қиз: Мендайин адо йўқдир
Сиздайин ширин сўзга.





БИР СЕНУ БИР ХУДО

Ишқинг ишратидан,
Васлинг давлатидан,
Лутфинг зийнатидан
Беҳушман ҳайрона,
Май ичмай мастона.

Бол бердинг бўсангдан,
Жон олдим жуссангдан,
Асар йўқ ғуссамдан
Энтикдим, эландим,
Роҳатга беландим.

Ай, гулим, бедорим,
Тундаги туморим,
Тутгайми хуморим,
Менга ўхшаб бўлмас,
Сенсиз яшаб бўлмас.

Дунёнинг дурисан,
Қалбимнинг қўрисан,
Жонимнинг жўрисан,
Бегингман, бекамсан,
Эркангман, эркамсан.

Куйимда хуш садо,
Тилимда бир нидо,
Дунёда мен учун
Бир сену бир Худо.



НА ҚИЛСИН

Тошда тароқ на қилсин,
Зоғларда оқ на қилсин.
Севдим деган бир сўзла
Бизда гуноҳ на қилсин?

Йўл олис, йўлдош қани,
Қўл қисқа, қўлдош қани.
Жонимни чироқ қилсам,
Дил тортар дилдош қани?

Гул азиз гулзор аро,
Ёр. бунча қошинг қаро?
Табибим бир сўз демас,
Битгайми бизнинг яро?

Ой олислаб кетмасин,
Фироқ жондан ўтмасин.
Биз ҳам Аллоҳнинг қули,
Уволимиз тутмасин.





КУЛГИЧИНГ

Қатра кўз ёш қонимдан,
Бир оҳ чиқди жонимдан.
Шу гўзалнинг пойига
Туширдинг осмонимдан.

Мағрур эдим, сор эдим,
Чертилмаган тор эдим.
Худойимга йиғласам,
Хилватда хумор эдим.

Ай муҳаббат, муҳаббат,
Юзингдаги нурингдан.
Сен кулдинг, мен кул бўлдим
Кўзингдаги қўрингдан.

Офтоб қани, ой қани,
Кўрсин, кўрсатай сани.
Менсиз ерда юрганин,
Жисмимдаги жон мани.

Қабогингда қоринг йўқ,
Тикилсам туморинг йўқ.
Кулгичинг кундан гўзал,
Менингдек хушторинг йўқ.



ОФТОБ ЕРГА БОТМАЙДИ

Ай гул, хуш курдим сани,
Гулгун гулобинг қани?
Ишқ хати исён қилган,
Булбул, китобинг қани?

Гунчасан, хумор қилдинг,
Шабнамни тумор қилдинг.
Бир бевафо қўлида
Ўзни бунча хор қилдинг.

Тўкилган барг тўзонми,
Борар йўлинг хазонми.
Бу дунё бозорида.
Гулнинг нархи арзонми?

Рангинг бунча қон, гулим,
Берай сенга жон, гулим.
Ҳар кимда ҳам йўқ ахир
Инсофу иймон, гулим.

Ҳар тонг йиғлаб кўз очган,
Ифорин шамол сочган.
Гулим, қандай гул бўлдинг,
Жилмайса қувонч қочган.

Офтобга тош отмайди,
Офтоб ерга ботмайди,
Гулни гулдек асраган
Армонда тош қотмайди.



МУҲАББАТ МЕҲРОБИ

Ёлғон йиғи ёш бўлмас,
Курмак сира ош бўлмас.
Ошиқларнинг қўлида
Гул бўлади, тош бўлмас.

Қадримиз — қалқонимиз,
Тиғлар тортиб толгайсиз.
Қирқта эрур жонимиз,
Бирин базўр олгайсиз.

Сиз гулобни гулданмас
Ғунчадан тилайдирсиз.
Чўғ сўрса янтоқ ёқиб,
Кулини элайдирсиз.

Демангиз нодонлардан
Нон тилаб бўзлайдирмиз.
Биз муҳаббат боғидан
Чин булбул излайдирмиз.

Гўзаллар ҳуснин қули.
Деманг иши пардоздир.
Муҳаббат меҳробида
Жонимиз жойнамоzdир.



АЙ МУҲАББАТ

Кўнгил гоҳи гул бўлар,
Кўнгил гоҳи кул бўлар,
Кўнгил кўкларда учса,
Нур бўлар, булбул бўлар.

Осмон ерга кўп яқин,
Осмон ердан кўп узоқ.
Ай муҳаббат, муҳаббат,
Жонимга қўйдинг тузоқ.

Чашмасан тўйиб ичдим,
Ташнаман, айт, қайдасан.
Бошинг омонми, жоним,
Тошлар ётган сойдасан.

Тонг отди, кулиб чиққин.
Кун ботди, тўлиб чиққин.
Жисмимга чирмашиб ол,
Жонимни юлиб чиққин.

Ай муҳаббат, муҳаббат,
Бу дунё бозор экан.
Ошиқларнинг олгани
Бозордан озор экан.

Дилим дарё, дилим хуш,
Кеча сени кўрдим туш.
Ётар эдинг ёнимда,
Мен беҳуш, ўзинг беҳуш.



АРМОН

Армонга алишдим кўнглимни,
Арзонга алишдим кўнглимни.
Мен жоду кўзингга термилиб,
Ёлғонга алишдим кўнглимни.

Сочларинг солланса тўкилдим,
Гар бир кун кўрмасам укиндим.
Севгининг кўчаси куйсин-а,
Мен телба, айт, кимга юкундим.

Тошларман тиллашиб юргандим,
Ой билан сирлашиб юргандим.
Шабнамга шивирлаб дард айтиб,
Пойингга бошимни ургандим.

Қоқилдим. турмоғим гумондир,
Ёлғондир. бу дунё ёлғондир,
Муҳаббат бор деган ширин сўз
Мажнуннинг оҳидан қолғондир.

Армонга алишдим кўнглимни,
Арзонга алишдим кўнглимни.
Мен жоду кўзингга термилиб,
Ёлғонга алишдим кўнглимни.



ГУЛИМ

Кўнгилга сиғмас қилни
Мен қирққа ёргим келар.
Қалдирғоч қанотида
Қошингга боргим келар.

Йўллар мени етаклар,
Етолмасман ёнингга.
Жонимни қўшиб қуйгум,
Гулим, сенинг жонинга.

Дўлонани дўл урса,
Тоғлар боши ёрилмас.
Қайрилиб камон бўлдим,
Бевафо ёр қайрилмас.

Қўлларингни бўйнимга,
Кел, бир бора сол, жоним,
Майли кейин бу жоним
Остонагда ол, жоним!



ИЗТИРОБ

Миллатнинг дардига дармон шоирим,
Энди ўз халқига армон шоирим,
Йўқ, сенинг ўлганинг ёлғон, шоирим,
Наҳот ажал йўлин бўлмайди тўсиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?

Балқиб турган бахтнинг жарангидай хуш,
Шеър ўқиб элингни қилардинг сархуш,
Ай, булбулзабоним, қайтиб келмас қуш,
Онани йўлларингга тургандир чиқиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?

Демагин сен билан битта жон кетди,
Қанча ёзилмаган шеър, дoston кетди,
Тангри сенга берган зўр имкон кетди,
Ноламдан тиконлар чиқмоқда ўсиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?

Ҳар нафас кўзларим ўнгидадирсан,
Меҳринг билан меҳрим рангидадирсан,
Оҳ, энди оҳларнинг оҳангидасан,
Қизларинг туришар сочлари тўзиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?

Юлдуз йўлга чиқди сени ахтариб,
Фуломжон, Фиёслар ғарибдан ғариб,
Ҳофизлар бир кунда қолдилар қариб,
Наҳот сени бошқа кўрмаслар қайтиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?

Муҳаммади билан бахтли Андижон,
Муҳаммадсиз қолди аҳли Андижон,
Йиғласанг арзийди, йиғла, Андижон,
Бобур ҳам Афғонда ётибди ўксиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?

Беҳишт болиш берсин, булбул шоирим,
Изингда интизор минг гул, шоирим,
Йўқ, сен ўлганинг йўқ буткул, шоирим,
Ўзбек олиб юрар жонига қўшиб,
Қандоқ кетиб қолдинг, Муҳаммад Юсуф?





ИЗҲОР

Ор қилсанг орларингдан,
Зор қилсанг зорларингдан,
Кокили дорларингдан
Туморлар қилгим келар.

Кулсанг қуёш ҳасратда,
Ой осмонда кулфатда.
Бир сен билан улфатда,
Хуморлар қилгим келар.

Ёлғони ярашмаган,
Кокилинг тарашмаган,
Ағёр йўқ алдашмаган
Тилини тилгим келар.

Хазонларни суймайман,
Оловларда куймайман,
Сенга қараб тўймайман.
Сирини билгим келар.

Қайта яшай олмасман,
Минг бор айтиб толмасман,
Ётни севиб қолмасман.
Бағрингда ўлгим келар.



БИЗЛАР ЭМАС

Бизлар эмас, дунё девона,
Бизга еру осмон бегона.
Қарғаларнинг қаҳри сочилгай,
Биз сиғмаган кенг бу жаҳона.

Дунё кезиб тилло топганлар,
Уч сўм пулла мулло топганлар,
Дўппингизни отиб яшангиз,
Бир бор севмай ялло топганлар.

Биз оловни ичиб яшаймиз,
Биз оловни қучиб яшаймиз,
Турналарнинг қўшиқларида,
Бошингизда учиб яшаймиз.

Биз бир ширин эртак бўламиз,
Сиз бор жойда бешак бўламиз,
Ишқ боғига йўлингиз тушса,
Гул бўламиз, чечак бўламиз.

Ким айтибди, бизлар ўламиз,
Ҳур бўламиз, малак бўламиз,
Тангри суйган, тангри алқаган,
Тиловатли тилак бўламиз.



МУҲАББАТ

Соғинч менинг кўзларим тилар,
Орзу алдаб сочларим силар,
Юрак эса висолинг тилар,
Сен қайдасан, исиз муҳаббат?

Гулни курсам кўзим куяди,
Дилим ширин дардин туяди.
Ўзга наҳот мендек суяди,
Сен қайдасан, исиз муҳаббат?

Менинг дилим ғамдин яродир,
Севмоқ ўзи жонга балодир,
Сенсиз куним тундек қародир,
Сен қайдасан, исиз муҳаббат?

Булбул куйган гулзордамисан,
Мажнун чеккан оҳ-зордамисан,
Сен ҳам мендек озордамисан,
Сен қайдасан, исиз муҳаббат?



ЖУМБОҚ

Узун тунлар эртагин
Ойга сўйлатганмисан?
Оқшом кўкка термилиб,
Юлдуз йиғлатганмисан?

Лола терсанг илдизин
Эркалаб қўйганмисан?
Райҳонзорлар ичинда
Ифорга туйганмисан?

Боларини бир бора
Бармоғин ушладингми?
Тонглар хушвақт турганда,
Худони хушладингми?

Кетдим деб керилганда
Қайтишни билурмисан?
Тошларга ҳам бир қўшиқ
Айтишни билурмисан?

Айт, кўнгилни рангидан
Қайси бир ранг зиёда?
Тиловатдан тотлироқ
Оҳанг борми дунёда?

Маҳмуд, айтар сўзингни
Фикрини қилганмисан.
Шеър берганнинг шаънига
Шукрини қилганмисан.



НИМА БОР БИЗГА?

Қуёш куйиб кул бўлмас экан,
Ой узилиб гул бўлмас экан,
Бу юлдузлар тил билмас экан,
Осмонида нима бор бизга?

Йўлга чорлар ишқдан узоқлар,
Булбулман дер гулдан йироқлар,
Кўз очмаса янги булоқлар,
Карвонида нима бор бизга?

Йиқилмаган йигитдек сархуш,
Кекса полвон кўриб ётар туш,
Бир белбоғсиз буюрса юмуш,
Майдонида нима бор бизга?

Меҳмон кўрмай ўтган нокаснинг
Қалби кўрсиз, тутун нафаснинг.
Қалдирғочнинг қувган ул каснинг
Айвонида нима бор бизга?

Оғир юкнинг ороми қайда,
Енгилдан бормикан фойда,
Бир ҳовуч буғдойи йўқ жойда,
Сомонида нима бор бизга?

Бекорчига боқмас бу дунё,
Ёлғончига ёқмас бу дунё,
Маҳмуд, агар ёр бўлса Худо,
Армонида нима бор сизга?



ХУШ ТИЛАК

Яхшимисан, ёмон дуст,
Бугдой қани, сомон дуст,
Сен ерга туш, осмон дуст,
Эрта бир кун кеч булар.

Шакар тутсанг туз булса,
Сени кўрса гул сўлса,
Тилагингда муз бўлса,
Туғишган ҳам ҳеч бўлар.

Дардинг қумдай сочилса,
Жон чокидан сўкилса,
Қошингда Жаббор кулса,
Сенинг учун ким ўлар?

Бурунгидан қолғон дўст,
Тош ҳам айтиб толғон дўст,
Яхши бўлмас ёмон дўст,
Хом данаклар пуч бўлар.

Жон жамоли жондадир,
Марднинг қадри қондадир,
Бугдой шони нондадир,
Хуш тилак ҳам куч бўлар.



КЎЗГУ

Кўзгу бизнинг кўзимиз,
Кўзгудаги ўзимиз.
Шу кўзгуга доғ бўлиб
Тўкилмасин сўзимиз.

Кўзгу бизнинг юзимиз,
Кўзгудаги ўзимиз.
Кўзгу қўлдан тушмайди
Ёруғ бўлса юзимиз.

Кўзгунинг ҳам кўзи бор,
Кўзгунинг ҳам юзи бор.
Шоир бўлсанг тиллашгин,
Кўзгунинг ҳам сўзи бор.

Кўзгудаги кўзимиз,
Кўзгудаги юзимиз.
Ўпкаламанг сиз ундан,
Кўзгудаги ўзимиз.





ҲИКМАТ ЙЎҚДИР ЁЛҒОНДА

Орзу учар осмонда,
Ҳикмат йўқдир ёлғонда,
Қалқони йўқ қўрғонда
Яйраб яшолмагайсан.

Булутни бўзлатмасанг,
Тошларни сўзлатмасанг,
Ёвингни тизлатмасанг,
Ошинг ошолмагайсан.

Гадо сира гул сотмас,
Оч одамга тонг отмас,
Талпинмаган бол тотмас,
Қаддинг ростлолмагайсан.

Олисдаги ой бўлма,
Ёв қўлида ёй бўлма,
Юртдан йироқ бой бўлма,
Кўкдан тушолмагайсан.

Куш қадри қушга аён,
Нон қадри тишга аён,
Кўксингдан кетса иймон,
Кундек кулолмагайсан,
Бахтли бўлолмагайсан.



БЎЛМАЙДИ

Тоғлар боши қор бўлса,
Қаторингда нор бўлса,
Эр йигитда ор бўлса,
Осмон узоқ бўлмайди.

Кўзлар тийрак боқсалар,
Жонни жонда ёқсалар.
Диллар сувдек оқсалар.
Ишқда тузоқ бўлмайди.

Хуш дуога қўлинг оч,
Йўл юрмасанг йўлдан қоч.
Ҳамроҳ бўлмас кўзи оч,
Тешик кўза тўлмайди.

Иш билмаган гапдан маст,
Ожизликдан қилма қасд.
Ойдин йўл ойдан тушмас,
Кепак бўза бўлмайди.

Қадринг қонда оққан сув,
Иймон жонда оққан сув,
Сувинг қурир бўлсанг қув.
Маҳмуд. бахтинг кулмайди



ЖИЙДА ГУЛИ

Тиллога ранг берган рангингдан ўпай.
Жонимдан суйганим жийданинг гули.
Кафтимга тўкилгин, пойингга чўкай,
Жонимдан суйганим жийданинг гули.

Ирмоқларда оққан алёрларингдан,
Олам энтикади ифорларингдан,
Гулим, мен ғариб ҳам хушторларингдан,
Жонимдан суйганим жийданинг гули.

Шохларингда шода маржонлар тутиб,
Интизор турибсан, айт, кимни кутиб,
Жилмайган баргингни қўяй бир упиб,
Жонимдан суйганим жийданинг гули.

Тиллога ранг берган рангингдан сенинг,
Нонга айлангувчи гулимсан менинг,
Тошлар ҳам гуллайди гуллаган кунинг,
Жонимдан суйганим жийданинг гули.

Боғларда баҳорлар байрами бу кун,
Гулим, сен гулларнинг санами бу кун,
Қошингда Маҳмуднинг хуш дами бу кун,
Жонимдан суйганим жийданинг гули.



МОМОЛАР

Сумалакни сузишни
Хумор қилган момолар.
Бойчечакни бойлашиб,
Тумор қилган момолар.

Наврўзнинг навосига
Юрагини тор қилган.
Қозоннинг қулоғига
Чертишиб алер қилган.

Териб солган тошлари
Сумалак-ла сирлашган.
Саксондаю ёшлари,
Кулгусида гуллашган.

Коса тутган набира,
Чевара жондан азиз.
Чолларин ҳам унутмас,
Кушликда умр лазиз.

Дуосидан томчилаб,
Асаллар томиб турган.
Шайтонларни қамчилаб,
Момолар қандин урган.

Баҳорнинг боғларида
Майсадек мулойимдир.
Уларни қароғида
Асраган Худойимдир.



ЙИҒЛАЙДИ

Сўлган гул гулдонда йиғлайди,
Ўчган чўғ кулдонда йиғлайди.
Беайб қул зиндонда йиғлайди.
Менинг ҳам гоҳ йиғлагим келар.

Кўзга суртиб боболар хокин,
Унутилган қабрдай сокин,
Бир-бир сўкиб юракнинг чокин,
Менинг ҳам гоҳ йиғлагим келар.

Ёғолмаган булутдек гирён.
Тошда унган майсадек нолон,
Ўзлимни ахтариб ҳайрон.
Менинг ҳам гоҳ йиғлагим келар.

Ёр сочидан тушган толадек,
Қирда қолган ёлғиз лоладек,
Онасини топган боладек,
Менинг ҳам гоҳ йиғлагим келар.

Кўзларимдан маржонлар тўкиб.
Юрагимга райҳонлар экиб.
Онажоним пойига чўкиб,
Менинг ҳам гоҳ йиғлагим келар.

Тошни тилиб жамолин кўриб,
Бир майсанинг камолин кўриб,
Ўтган умрим уволин кўриб,
Менинг ҳам гоҳ йиғлагим келар.



ОТА УЙ

Абдусалом Дилкашга

Ота уйнинг файзи бўлак,
Ҳар қаричда нури бор.
Онанг кутиб олмаса ҳам,
Дуоларнинг дури бор.

Ота уйнинг файзи бўлак,
Қадам босиб тўймайсан.
Онанг кутиб олмас, аммо
Ўлганига қўнмайсан.

Ота уйнинг файзи бўлак,
Отанг каби улуғ уй.
Онанг кутиб олмаса ҳам,
Вафоларга тўлиқ уй.

Ота уйнинг файзи бўлак,
Гувалақдан қилма ор.
Онанг кутиб олмаса ҳам,
Ўғил-қизинг бошлаб бор.

Ота уйнинг файзи бўлак,
Бўлмаса ҳам кошона.
Онанг кутиб олмас, вале,
Руҳи бўлар парвона.

Ота уйнинг файзи бўлак,
Болаликнинг танчаси.
Ота уйни қўмсар юрак,
У Ватаннинг парчаси.



ЁЛҒИЗЛИК

Мен худодан ўтиндим бу кеч,
Юлдузларга юкундим бу кеч,
Ёмғир бўлиб тўкилдим бу кеч,
Ёлғиз яшаб йиғлама, аёл!

Совутмагин сузган ошингни,
Бахт силасин илло бошингни,
Қувонч артсин кўздан ёшингни,
Ёлғиз яшаб йиғлама, аёл!

Болишингга баҳор гул сочсин,
Эшигингни бир булбул очсин,
Бешигингга тангри дур сочсин,
Ёлғиз яшаб йиғлама, аёл!

Сен покликнинг исмидаги нур,
Сен чиройнинг жисмидаги нур,
Сенсиз дунё бўлолмайди ҳур,
Ёлғиз яшаб йиғлама, аёл!

Тилагимга талпиниб яша,
Эл меҳрига елпиниб яша,
Сен дардлардан силкиниб яша,
Ёлғиз яшаб йиғлама, аёл!



АЙТСИН

Гунча қувонч ичсин булбул комидан,
Бизлар май ичамиз сукут жомидан,
Эй дил, бўзлайверма элнинг номидан,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Қўшиқ кўнғироғин очлар чалмагай,
Ўздан ортмаганлар дуо олмагай,
Сарбон йўлин билса карвон толмагай,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Демишлар қарғага тарона ёқмас,
Ношуд нолийверар, замона ёқмас,
Ўчган чироғингни бегона ёқмас,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Шамол шовқинига тоғлар қалқимас,
Боғбонсиз боғларда гуллар балқимас,
Нокасинг кафтидан савоб силқимас,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Куймаган кўнгиллар куртак урмагай,
Дарё оқиб турса кўлмак турмагай,
Элнинг элагидан курмак турмагай,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Гунча қувонч ичсин булбул комидан,
Бизлар май ичамиз сукут жомидан,
Маҳмуд, бўзлайверма элнинг номидан,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.



ЖОНГА ЧЕРТАСИЗМИ?

Томиримга туртди гўзаллик,
Жонимга бир чертди гўзаллик,
Бир сўз топдим битга ғазаллик.
Айтсак арзирмикин, маликам?

Дарёга талпинган ирмоқдек,
Тўлқинин соғинган қирғоқдек.
Парвонасиз қолган чироқдек.
Қайтсак қарайсизми, маликам?

Баҳорнинг гулдаги олини,
Кузнинг тилла ранг хаёлини,
Ёзнинг ёндиргувчи болини,
Тутсак тотасизми, маликам?

Оҳ урсак тутилган офтобдек,
Тиз чўксак балқиган меҳробдек.
Куйсалар гуллаган гулобдек.
Жонга чертасизми, маликам?

Қуш бўлсак шубҳасиз осмонсиз,
Ким жангдан чиқибди қурбонсиз,
Маҳмудга сиз жонсиз, жононсиз,
Додга етасизми, маликам?



АЖАБ...

Хаёли хур, ўзи қуллар бор,
Тувагидан тушмас гуллар бор.
Ким нимадан қилар ифтихор,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Бахтдек ширин, гулдек бокира,
Дейсан унга ҳавас қил, жўра,
У қилмаган гуноҳ йўқ сира,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Ҳеч ким демас тўнка гуллабди,
Имонини тўнка пуллабди,
Айб ундамас, шайтон имлабди,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Топганингдан йўқотганинг кўп,
Гул тутгандан тош отганинг кўп,
Токай кўзга соладурсан чўп,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Кутган одам кутаверади,
Бахт ёнидан ўтаверади,
Қўлин чўзиб кетаверади,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Юзи тиниқ, кўнгли қаролар,
Садоқатдан қилиб садолар,
Олқишлардан кияр сарполар,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

Кимга елсан, кимга тўзонсан,
Бунча қиммат, бунча арзонсан,
Пешонамга нима ёзгансан,
Дунё, сенга тушуниб бўлмас.

ЭЙ ҚОРА КҮЗ

Сен оловда гуллаган бир гул,
Мен оташда куйлаган булбул,
Бизсиз дунё нени кўрибди,
Эй қора кўз, эй сочи сунбул.

Гуноҳимиз гувоҳи Аллоҳ,
Ошиқ аҳлин паноҳи Аллоҳ.
Поклик бизнинг йўлдошимиз, ёр,
Жаннат эрур биз борар даргоҳ.

Йўлимиздан шайтонлар қочар,
Фаришталар гул, райҳон сочар,
Севишганлар султони эгам,
Иккимизга албат юз очар.

Сен оловда гуллаган бир гул,
Мен оташда куйлаган булбул.
Сен гуллаб ўт, мен куйлаб утай,
Эй қора кўз, эй сочи сунбул.





ЎХШАМАС

Қош қабоқсиз қошга ўхшамас,
Кесак сира тошга ўхшамас,
Ҳар томчи сув ёшга ўхшамас,
Ўшатмасдан учратмас экан.

Офтоб ойдан олдин юради,
Дарё сойдан олдин юради,
Тулпор тойдан олдин юради,
Ўзани йўқ сув оқмас экан.

Ҳар юкунган буюк бўлолмас,
Султон суйса, суюк бўлолмас,
Олмос тутган балки бахт олмас,
Гоҳ бандага бахт боқмас экан.

Болта тутса жаллод демагин,
Кўз ёш кўрсанг фарёд демагин,
Кўринганни қанот демагин,
Сотқин сотмай тонг отмас экан.

Фарзанд ота тузин оқласа,
Ҳар бир банда ўзин оқласа,
Биз бахтлимиз Худо хоҳласа,
Вале ҳеч ким бахт сотмас экан.

Ёғ тилама ёққан ёмғирдан,
Тош ҳам титрар сўзи оғирдан,
Маҳмуд тўйган минғир-минғирдан,
Майда гапни мард айтмас экан.



КУЛИБ ЯШАСИН

Йиғлоқи йигитга тулпор на керак,
Қайтиб қад ростламас эгилган терак.
Куз кулар, дил кулар кулса бир куртак,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Ҳасад ерда ётган хазонга ўхшар,
Иғво чанг қупчиган тўзонга ўхшар.
Яхшилар дуодан ёшариб яшар,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Чехрангга чиройдир кўнгил чироғи,
Изингдаги ибрат элнинг ардоғи.
Кувонч – юрак чертган бахт кўнғироғи,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Вафо ваъдалардан илдиэ олмайди,
Дарёдил савобдан сира толмайди.
Ҳам яна кулгуни қарзга олмайди,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Кўлларга кўр берар саломдаги нур,
Дунёга дур берар каломдаги нур.
Шодликнинг шаклидир Ватан бўлса хур,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.

Тонг отса ҳар кимга офтоб яхшидир,
Тунда Маҳмудга ҳам моҳтоб яхшидир,
Кувонч қадаҳ бўлса шароб яхшидир,
Дунёда одамлар кулиб яшасин.



ЁЛҒИЗЛИК ЁМОН

Қадим халқ қадридек азиз бу ҳикмат,
Энг аввал ёлғизга қилгин мурувват,
Балки у ожиза, майли девкелбат,
Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик ёмон.

Қондошсиз, қардошсиз ким буюк бўлар,
Ёлғиз от қоқилса, ерга юк бўлар,
Гул кутган одамга гул суюк бўлар,
Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик ёмон.

Бир бошга ўн болиш бўлса ботгайдир,
Кун ботар, ёлғизнинг тонги отмайдир,
Лаззат табоғидан таом тотмайдир,
Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик ёмон.

Соғинч саҳросида сарғайган гулдек,
Хожаси қаҳридан қақшаган қулдек,
Қафасда қартайган бахтсиз булбулдек,
Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик ёмон.

Етимлар тикилган йўллар йиғлайди,
Гадолар чўзгувчи қўллар йиғлайди,
Йиғласа тонггача туллар йиғлайди,
Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик ёмон.

Яратган жон берса, жуфт яратмишдир,
Қуёш ҳам ер учун нур таратмишдир,
Маҳмуд, бахти борлар бадавлатмишдир,
Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик ёмон.



ГИНА

Ёнган чироқ ўчмасми,
Кувончни ғам кучмасми,
Кўрганларим тушмасми,
Хуш кўрдик. хушрўйгинам.

Болишимиз тошмиди,
Кўзимизда ёшмиди,
Фанимлар сирдошмиди,
Хуш кўрдик. хушрўйгинам.

Офтоб ерга тушдими,
Жоним кўрга тушдими,
Бахт бизга тўн бичдими,
Хуш кўрдик. хушрўйгинам.

Додимга етгандайсиз,
Келибсиз кетмагайсиз,
Бағримиз бутлагайсиз,
Хуш кўрдик. хушрўйгинам.

Сизда жиндек гина бор,
Бизда жиндек гина бор,
Дийдордан хуш нима бор,
Хуш кўрдик. хушрўйгинам.



ЖАВОБ

Ёлғонингдан кеч аввал,
Осмонингдан туш аввал.
Агар бугдой бўлсанг сен,
Сомонингдан туш аввал.

Кўнгил деган кенг бўлсин,
Гулга булбул тенг бўлсин.
Икки жилға жилмайиб,
Кўшилса кўнгил тўлсин.

Май ичарга жоми йўқ,
На Алиф, на Ломи йўқ.
Изҳори дил этарга
Бир ширин каломи йўқ.

Ифор райҳонда бўлур,
Ошиқлик қонда бўлур.
Қадрингни қалқон қилсанг
Жонон ҳам жонда бўлур.

Кўрмагани кўргани —
Зоғни боғда тургани.
Ҳар ёлғончи ошиқни
Калтак керак ургани.

Янтоқни ёқмоқ савоб,
Тўнкани ёрмоқ савоб.
Юзта ёлғон саволга
Битта рост бўлсин жавоб!



АҲЛИ МУҲАББАТ, ҚАЙДАСИЗ?

Кулманг сиз сўрсам агар,
Пойгаклами ё ойдасиз.
Бир соғинч бор, сарғайтирар,
Аҳли муҳаббат, қайдасиз?

Тош кунгил ҳам тош истамас,
Йиғлаб тўйган ёш истамас,
Қайси дил дилдош истамас,
Аҳли муҳаббат, қайдасиз?

Бир оҳида минг бир алам,
Бир розида юз минг малҳам,
Тили куркам, дили куркам,
Аҳли муҳаббат, қайдасиз?

Қанотсиз учган қушлар,
Майсиз ҳам кўнгли хушлар,
Булбуллар қайда қишлар,
Аҳли муҳаббат, қайдасиз?

Кўз билан кўкка етган,
Дил билан чўққа етган,
Ҳақ дебон Ҳаққа етган,
Аҳли муҳаббат, қайдасиз?

Жоним-а, елдек елур,
Кўзима раҳмим келур,
Кўрмасам ваҳмим келур,
Аҳли муҳаббат, қайдасиз?



МЕН ОФТОБГА АЛИШМАГАН АЁЛЛАР

Томиримни тирнар кўҳна саволлар,
Юрагимда гуллар ширин хаёллар,
Эй, сиз ўзбекойим, офтобжамоллар,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Миллатнинг эртаси, миллатнинг насли,
Сиз атир нафасли, сиз райҳон исли,
Кетмас бўлиб келган баҳорсиз асли,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Ўзбакий оҳанг бор кулгуларида,
Дурни талпинтирар ёғдуларида,
Ором ороланар туйғуларида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Сизлар борсиз, сўзимизда садо бор,
Сизлар борсиз, ишқ аҳлида гадо бор,
Сизлар борсиз, минг бир дардга даво бор,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Офтоб ожиз асли онам олдида,
Бибихоним юрагимнинг ёдида,
Сиз яшайсиз Моҳларойим додида,
Мен офтобга алишмаган аёллар.

Гул узсам тутгунча қўлим гуллайди,
Мен сизга етгунча йўлим гуллайди,
Пойингизда ўлсам ўлим гуллайди,
Мен офтобга алишмаган аёллар.



БЕДОРЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

Тунлар ойдай тўлай десангиз,
Дилдорларга беринг дунёни.
Тонглар кулиб турай десангиз,
Бедорларга беринг дунёни.

Бек бўлади болам десангиз,
Юз ювмасин жолам десангиз,
Дуогўйим онам десангиз,
Бедорларга беринг дунёни.

Нафсин қули – улфатдан қўрқинг,
Ногоҳ келган кулфатдан қўрқинг,
Гар қўрқсангиз, ғафлатдан қўрқинг,
Бедорларга беринг дунёни.

Деманг, биздан қоладир дунё,
Узилмаган лоладир дунё,
Бешикдаги боладир дунё,
Бедорларга беринг дунёни.

Бу оламга ранг берар баҳор,
Ҳар оҳангнинг ўз эгаси бор,
Бедорларга Аллоҳ ўзи ёр,
Бедорларга беринг дунёни.

Баҳор бахти куртакда бўлар,
Юртнинг меҳри юракда бўлар,
Маҳмуд ёруғ тилакда бўлар,
Бедорларга беринг дунёни.



АЙ ДУНЁ...

Ай дунё, томошанг тугамас сира,
Қозондек қорасан, гулдек боқира.
Кўчангдан утгувчи бир йўловчиман,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай дарё, қошингда ўйга толаман,
Чанқадим, бир ҳовуч сувинг оламан.
Демагин мен абад мангу қоламан,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай тоғлар, тошлар ҳам мангу эмасмиш,
Ажабки, ҳеч жонзот тошни эмасмиш.
Лек қиёмат қаҳри бу тоғ демасмиш,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай осмон, юзингда сон мингта юлдуз,
Вале, қуёш билан бу олам кундуз,
Кел, қайтар дунёда сен ҳам қарзинг уз,
Умрингни тиладим, умримни тила.

Ай кўнглим, кўчангга кўп бора кирдим,
Мен сени юзингдан ҳасад сидирдим.
Мен сени изингдан ҳикмат қидирдим,
Умрингни тиладим, умримни тила.



БИР КУНДА...

Дўстим Миркомилга

Худо умрин берса, яшайверса тўқ,
Айтгин, кимнинг юз йил яшагиси йўқ.
Лек кўнгил тубида юз очар бир чўғ,
Бир кунда бир соат дўст учун яша.

Қафасга сизмайди орзулар қуши,
Жонингни чимчилар рўзғор ташвиши,
Айт, поён топганми бу дунё иши,
Бир кунда бир соат дўст учун яша.

Дастурхон тўлдирма, топганингни қуй,
Майли қадаҳ тутма, дийдорига тўй,
Остонагда кулиб кўрсатганда бўй.
Бир кунда бир соат дўст учун яша.

Гарчи узоқдасан, лек кутиб яша,
Соғинчинг дасталаб гул тутиб яша.
Обрўнгни, шонингни унутиб яша.
Бир кунда бир соат дўст учун яша.

Отангни ардоқла, онангни асра,
Жонингни чироғи – болангни асра,
Бетобсан, ичга ют, нолангни асра,
Бир кунда бир соат дўст учун яша.

Кимдир пул учун, ким гул учун яшар,
Қуёш кўкда куйиб нур учун яшар.
Маҳмуд дийдор тўккан дур учун яшар,
Бир кунда бир соат дўст учун яша.



ДИЛ

Мен ёғдуни юрагимдан оламан,
Оқ нурларни тилагимдан оламан,
Гулни кўнглим – гўдагимдан оламан,
Жон сувига чайиб сизга тутаман,
Деманг ўзим туйиб сизга тутаман.

Ёлғон дунё бизни ростга етаклар,
Баҳор кутиб дилда яшар куртаклар,
Мен дарёман, бегонадир қўлмаклар,
Сув соғинган саҳролардан ўтаман,
Дил соғинган наволардан тутаман.

Ишқ аҳлини кутгани найдин наво,
Қаҳри қаттиқ дардига куз ёш даво,
Сачратиб тургаймикин сатрим садо,
Шоириман, элдан дуо кутаман,
Олсам, албат дусту ёрга тутаман.

Кунглинг бўлса кўзгусин кўриб турса,
Юрак бўлса юракдек уриб турса,
Изларингдан бир авлод юриб турса,
Хуш тилакка хуш бир омин кутаман,
Дилим шабнам, ҳовучимда тутаман.

Оташ қалбнинг осмонида қуёш бор,
Ошиқ кўнгил қуёшида кўз ёш бор,
Сизга, эй дўст, Маҳмуд каби дилдош бор,
Чанқаб турган гулга гулоб тутаман,
Сева билган дилга шароб тутаман.



КАРАМ

Дунё менинг дунёим,
Сенга вафо қилмагай,
Кўнглим менинг зиёим,
Сенга жафо қилмагай.

Қалдирғочни хуш курсам,
Сен ҳам кўриб қувонгин,
Жаннатларни туш кўрсам,
Сен ҳам Аллоҳ деб ёнгин.

Қуёш нурли қўлида
Сенинг ҳам бошинг силар.
Ой осмоннинг йўлида
Менинг ҳам умрим тилар.

Тулпорларнинг тишида
Майса қиқирлаб кулар,
Номард пинҳон ишида
Мардлар ошкора ўлар.

Ирмоқларнинг тушига
Дарё кирса не ажаб,
Кетар келмай ҳушига,
Хазонлар кузни қарғаб.

Кел, кетайлик бизлар ҳам,
Аввал ўзлардан рози,
Бир-бирга қилсак карам,
Аллоҳ бизлардан рози.



ОЛОВ МЕНИНГ ЧАМАНИМ

Дарё менинг саманим,
Тўлқинига мингайман.
Олов менинг чаманим,
Ёлқинида унгайман.

Кўзимдаги куртаклар
Дилингизда очилгай.
Нурдан нурли тилаклар
Йўлингизга сочилгай.

Офтобнинг армонлари
Ой юзида доғ бўлгай.
Дунёнинг нодонлари
Ошиқ ҳолидан кулгай.

Ёлғонга этаклашиб
Ёрига ёт бўлганлар.
Вафога этаклашиб
Уйи обод бўлганлар.

Кўксим нурда тилвориб,
Юрагимни ўпгим бор.
Яратганга ёлвориб,
Ювгайман дилдан ғубор.

Кунгли-ла гурунглашиб,
Юрган битта шоирман.
Ўзбекнинг Паркентида
Ўсган Маҳмуд Тоирман.



НОЛА

Сиз келтириб дунёга
Нима кўрдим, отажон?!
Жонни тутиб жафога
Гина кўрдим, отажон!

Бир қиз бўлиб силкиниб,
Ерда яйраб юрмадим.
Меҳрингизга елпиниб.
Оёғимда турмадим.

Сиз ҳам, биз ҳам омонат,
Ой осмонда боқийдир.
Қилмас сира хиёнат,
Қуёш нурга соқийдир.

Қорда қолган қушмасман,
Дон керакмас, отажон!
Гўшт кўрмаган тишмасман,
Нон керакмас, отажон!

Қизим деган шонимни
Қидириб яшаяпман.
Мен жисмимдан жонимни
Сидириб яшаяпман.

Кўчангиздан тобутда
Юлдуз бўлиб ўтарман!
Отасидан ор қилган
Бир қиз бўлиб ўтарман!



КЕЛ, КЕТАЙЛИК ДУНЁЛАРИДАН

Кўзларингда армон жоласи,
Кўзларимда ҳижрон ноласи,
Бўйнимда дор сочинг толаси,
Кел, кетайлик дунёларидан.

Сени кўриб қалдирғоч йиғлар,
Менга боқиб хушнуддир зоғлар,
Шу зоғларга қолсин бу боғлар,
Кел, кетайлик дунёларидан.

Хуш кўрмаган ёр сочин силаб,
Яшар бўлсак жонга ўт қалаб,
Юракларни қийма-қиймалаб,
Кел, кетайлик дунёларидан.

Қўлларингдан ушламадим ҳам,
Пешонангдан ўпмади онам,
Мен бир ғариб, сен бир Шоҳсанам,
Кел, кетайлик дунёларидан.

Юр. қирларга қонимиз сочиб,
Турналарга жонимиз сочиб,
Жаннатларнинг эшигин очиб,
Кел, кетайлик дунёларидан.



ЕРНИ КҮР

Шамолга етмайсан югурган билан,
Бошинг кўкка етмас керилган билан.
Қуш тўймас, қўлдан ризқ берилган билан,
Ерни кўр, насибанг ердадир, болам!

Умр деганлари асли бир кундир,
Кўз юмсанг бу олам зулматдир, тундир.
Кетарди шоҳ, гадо бирдек юпундир,
Иймон бу қалбдаги кўрдадир, болам!

Қачон тошдан узук ясабди заргар,
Аллоҳга йиғласанг кўз ёшинг гавҳар.
Нури бор, қаро тун шоҳидир қамар,
Оқилнинг руҳи ҳам тўрдадир, болам!

Меҳнат бу жисмингдан тўкилган зиё,
Зиёдан яралган фаришта ҳатто.
Бир ниҳолга умр этолсанг ато,
Роҳатинг юз очган гулдадир, болам!

Қўлинг қадоғини жоним силасин,
Яратган бошингдан дуо эласин,
Аёлинг мардларга бешик беласин,
Ерга боқ, кетганлар ердадир, болам!



МУҲТОЖ БЎЛМАЙСАН

Тирноқ тирнаш учун қулингда эмас,
Белбоғ безак учун белингда эмас,
Агарки юрт ишқи дилингда эмас,
Эл ичра эланма, яхши бўлмайсан,
Юз йил соз тутганда бахши бўлмайсан.

Ширин тилаклардан шаробинг бўлса,
Булбул дарс олгувчи китобинг бўлса,
Эр йигит эргашар шитобинг бўлса,
Майли, юрт бошида гар тож бўлмайсан,
Номарднинг нонига муҳтож бўлмайсан.

Бир баргда дарахтнинг қанча умри бор,
Бу зоғлар ичинда қанча қумри бор,
Қуён қувмоқликни қилма ихтиёр,
Ногоҳ шер дуч келса афгор бўлгайсан,
Мажнунтолсифатсан, чинор бўлмайсан.

Сойнинг суронида баҳор қувончи,
Орида гуллайди йигит ишончи.
Яхши отга тегса йиғлайди қамчи,
Қаторда юрмасанг ҳеч нор бўлмайсан,
Кўксингни ўймаса дутор бўлмайсан.

Орзу яшар ушалмаган армонда,
Сен ерда яшайсан, руҳинг осмонда.
Тандирнинг чиройи узилган нонда,
Агарчи, ҳасаддан йироқ бўлмайсан,
Маҳмуд, ҳеч бир дилга чироқ бўлмайсан.



ЭЪТИРОЗ

Осмоннинг охири, ернинг таги йўқ,
Қуёш Ҳақ саломин тутиб турган чўғ,
Эй беш кунлик меҳмон, ураверма дўқ,
Мен кетиб сен абад қолмассан ахир,
Қуръондаги Алиф, Золмассан ахир!

Ҳар кўнгил кўшкига ўзи султондир,
Ҳар танда талпинган занжирбанд жондир,
Кимга кулги, кимга йиғи армондир,
Кулсанг, йиғлаганни хорлама ахир,
Ғамгинни кулгуга чорлама ахир!

Бўйласанг наздингда бу олам тордир,
Офтобнинг кўксида ойга жой бордир,
Дарёлар бағрида сойга жой бордир,
Аналҳақ эмассан, менлама ахир,
Сени сийлаганни сенлама ахир!

Биз ҳам бу дунёдан ўксиб ўтмаймиз,
Бирга келмаганмиз, бирга кетмаймиз,
Қўлни бер, сен каби тикон тутмаймиз,
Дунёнинг дунёда қолгайдир ахир,
Маҳмуд яхшиликдан толмайди ахир!



ШАМОЛЛАР

Шоҳи рўмол бошингда,
Энтикади шамоллар.
Нечун сенга мендан кўп
Кўз тикади шамоллар.

Шамолларнинг шаробин
Мен сенга ичирмайман.
Гулим, гулнинг гулобин
Тутганни кечирмайман.

Лолага ранг излатиб,
Юзинг бунча қизарди.
Юрагимни йиғлатиб,
Рашкнинг ранги бўзарди.

Райҳонларнинг қошида
Жоним тўшаб, тиз чўксам.
Райҳон тутган қўлингни
Майлими битта ўпсам.

Сувлар сепгин ҳовлингга,
Эшигингни катта оч.
Уйингга совчиликка
Кетаяпти қалдирғоч.

Агар отанг терс боқса,
Шундай совчи юзига.
Уйланганим бўлсин, ёр,
Қалдирғочнинг қизига.



БИЛМАСАНГ

Савоб асли самодан тушмас,
Тилло ерга гадодан тушмас,
Кўкда учган ҳар жонзот қушмас,
Ерда юргин уча билмасанг,
Тутун тутма еча билмасанг.

Мезбон итин бўшатиб қуимас,
Ош берган зот ошатиб қуймас,
Ҳасад аҳли тош отиб тўймас,
Чаён бўлма чақа билмасанг,
Кир тутмагин ёқа бўлмасанг.

Етим етган остона бўлгин,
Онанг ўпган пешона бўлгин,
Гул шохида бир шона бўлгин,
Қўл чўзмагин уза билмасанг,
Балиқ бўлма суза билмасанг.

Тун берган зот чироқ ҳам берган,
Ёвинг бўлса яроқ ҳам берган,
Охиратдан сабоқ ҳам берган,
Ўқиш нечун уқа билмасанг,
Қўлмак бўлгунг оқа билмасанг.

Тангри сенга дил берган, эй дўст,
Шукри учун тил берган, эй дўст,
Неки берса чин берган, эй дўст,
Маҳмуд, тек тур сўзлай билмасанг,
Булбул бўлма бўзлай билмасанг.



КЎРГИМ КЕЛСА

Юрагимда ниш урган оҳим,
Қўл урмаган гулдай гуноҳим,
Соғинсам сабодек сархушман,
Кўргим келса кўрининг, моҳим.

Сиз севгининг садоси асли,
Мен бир моҳнинг гадоси асли,
Юз очмоқда муҳаббат фасли,
Кўргим келса кўрининг, моҳим.

Сиз самога сизмаган қушсиз,
Болишимни балқитган тушсиз,
Атиргулнинг атридай хушсиз,
Кўргим келса кўрининг, моҳим.

Дилда ишқнинг зуваласи бор,
Лутфингизнинг хуш бодаси бор,
Шеърлар битсак шалоласи бор,
Кўргим келса кўрининг, моҳим.

Бу юраклар шунчалар яқин,
Ўзи сўкар бир-бирин чокин,
Кўзингизда оташми, чақин,
Кўргим келса кўрининг, моҳим.

Боғингизда адашган булбул,
Кўчангизни қаритган бир қул,
Мен ўша қул, мен ўша булбул,
Кўргим келса кўрининг, моҳим.



ОҚИНЛАР

Мендан йироқ, менга яқинлар,
Кўкси куйган, сўзи чақинлар,
Сиз дуога қўл очиб қўйинг,
Омон бўлсин элда оқинлар.

Сўзга султон, сўзга гадолар,
Ташдан гўзал, ичдан адолар.
Хуш нафаси дардга даволар,
Омон бўлсин элда оқинлар.

Оҳангида ороми борлар,
Ширин-шакар каломи борлар,
Юрт ичинда хуш номи борлар,
Омон бўлсин элда оқинлар.

Ҳар ошиқни бир зори кутар,
Хуш қўшиқнинг хумори тутар.
Табибини бемори кутар,
Омон бўлсин элда оқинлар.

Кўшиқлар бор малҳами жондир,
Кўшиқлар бор эл учун шондир,
Кўшиқларсиз яшаш ёлғондир,
Омон бўлсин элда оқинлар.



МОҲИМ

Армон – сочларимда оқарган оҳим,
Тавба – яратгандан сўрар гуноҳим,
Булутлар ортида қолдингми, моҳим,
Мен ғариб сен ойни кўргони келдим.

Соғинч деган гулга айланди кўзим,
Жон билан турибди бўғзимда сўзим,
Қоқилган тулпордек шувутдир юзим,
Кечирсанг узлар сўргони келдим.

Тирноғим тагига санчилган тикан,
Дурдай тишларингга илинса экан,
Табибим, беморман пойингга чўккан,
Дардим давосини сўргони келдим.

Гадо қўл чўзганда қулфлар тўкилгай.
Соҳиби карамли дуо ўқилгай.
Табассум қил, жонга туморлар қилай,
Абад остонангда турғони келдим.



ЯШАШ ШИРИН

Яшаш қийин, дўстинг кулиб,
Ёвинг ёғин ялаб турса,
Ётлар эмас, туғишганлар
Етти пуштинг талаб турса.

Яшаш қийин, ит итлигин
Даства гулга ўраб турса.
Тонгда эшик очган қўшнинг
Қоқилишинг сўраб турса.

Яшаш ширин, бир ғунчанинг
Гул бўлганин кўриб турсанг.
Оломонга инсоф бериб,
Эл бўлганин кўриб турсанг.

Яшаш ширин, бир беморга
Доридан хуш дармон бўлсанг.
Бахтдан тўйган бахтиёрга
Олдда турган армон бўлсанг.

Яшаш яхши, бошинг етмай
Тупроқ тутган болишларга,
Нуқта қўйиб улгуролсанг
Бу дунёдан нолишларга.



ЯШАДИНГМИ ЁЗИНГ УЧУН

Мен туғилдим, ғоз-ғоз юрдим.
Жонинг тикдинг сўзим учун.
Кеч сўрарман, она, узр,
Яшадингми ёзинг учун?!

Булут кўкда, сув сойладур,
Қаро тунда кўз ойдадур,
Жоним онам, жон қайдадир.
Яшадингми ёзинг учун?!

Юк кўтардинг, йиғламадинг,
Жонимизни тигламадинг.
Ўтган умринг илғамдинг,
Яшадингми ёзинг учун?!

Бемехрмас фарзанд аҳли.
Кеч кираркан фақат ақли,
Айтгин, она, дилим доғли.
Яшадингми ёзинг учун?!

Сочларингни қори билан,
Жафоли жон зори билан,
Сен мамнунсан бори билан,
Яшадингми ёзинг учун?!

Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам.
Армонларга дил тўлса ҳам,
Яша энди, жоним онам,
Қолган умринг ёзинг учун.



РАЪНО

Юзларингдан нур ёғилади,
Сен кулганда дур ёғилади,
Гўё кўкдан ҳур ёғилади,
Ҳурлар ичра ҳурмисан, Раъно,
Дурлар ичра дурмисан, Раъно?!

Сени кўриб ўзимдан тондим,
Ишқ йўқ деган сўзимдан тондим,
Ётга боқмас кўзимдан тондим,
Суймаганлар на билсин, Раъно,
Куймаганлар на билсин, Раъно?!

Киприкларинг ҳаё элайди,
Изларингда ибo гуллайди,
Кўнгил қурғур қайга имлайди,
Бир ўт ёнар жонимда, Раъно,
Сени кўрган онимда, Раъно.

Ошиқларнинг йўллари тошли,
Кўпни кўрдим кўзлари ёшли,
Ўйламагин Маҳмуд бардошли,
Сўнгги жоним бўғзимда, Раъно,
Айтар сўнгги сўзимда, Раъно!



КУЛГУЛАРИНГДАН

Нетай ахир хуш курсам сени,
Кўзим юсам туш курсам сени,
Оташларга ташлама мени,
Бир бўса бер кулгуларингдан.

Қошларингда камон, ёй кўрдим,
Ёноғингда ёнар ой кўрдим,
Мен ўзимни бир гадоёй кўрдим,
Бир бўса бер кулгуларингдан.

Узилганда кузги япроқлар,
Бўзлаб қолар банди дудоқлар,
Қайлардасан, жоним сўроқлар,
Бир бўса бер кулгуларингдан.

Ойнинг бахти тун қаролиғи,
Ошиқлик бу дил яролиғи,
Бўлса ҳамки гар хатолиғи,
Бир бўса бер кулгуларингдан.



АЙЛОНАЙИН

Ёр, қошингни қаросидан айлонайин,
Кулгуларинг садосидан айлонайин,
Изларингга тўкилади жоним менинг,
Қирқ кокилинг биттасига бойлонайин.

Ўлим йўқдир, йўқ, элчиларга ўлим йўқ,
Момом айтар, йўқ, сончиларга ўлим йўқ,
Йўқ, менинг ошиқ юрагимга тиним йўқ,
Тароқ бўлиб зулфингга мен жойлонайин.

Истамадим, лек жафони кўпдан топдим,
Излаганим бир вафони сендан топдим,
Атиргулнинг баргларидан рўмол ёпдим,
Ўраб олсанг ой ҳам айтар уёлайин.

Ёр, қошингнинг қаросидан айлонайин,
Кўлларингнинг хиносидан айлонайин,
Юрагимда отлар чопар, билмагайсан,
Йўлимни тўс, юрагингга бойлонайин.



ЧИРОҚ БЎЛИНГ

Гумондан йироқ бўлинг,
Армонга чироқ бўлинг,
Қадри йўқ дийдор эмас,
Қадри бор фироқ бўлинг.

Гул бўлинг, гулзор бўлинг,
Дил бўлинг, дилдор бўлинг.
Шунчаки оғриманг ҳеч,
Булбулдек бемор бўлинг.

Севганга савоб бисёр,
Сўроққа жавоб бисёр.
Кўз юмиб кўролсангиз
Кўнгилда офтоб бисёр.

Умрида босганми чўғ,
Таманно тошларда йўқ,
Ишқ оҳин селоблари
Ёлғончи ёшларда йўқ.

Бахт бўлманг, бозори бор.
Тахт бўлманг, озори бор.
Тиз чўкинг тиловатга,
Мажнуннинг мозори бор.

Тилингиз тишлаб севинг,
Ишқ майин нўшлаб севинг.
Маҳмуднинг муроди шу,
Худони хушлаб севинг.



ҚАРОЛАР

Қаро-қаро қаролар-а,
Қаролигин қилдилар ёр.
Қалбимизни яролаб-а,
Яроларни тилдилар ёр.

Мен қўл чўзсам юлдуз бўлдинг,
Сен интилсанг мен бир сароб,
Айтгин, тонглар қандоқ кулдинг,
Оқшом бўзлаб ботган офтоб.

Дарё тўкдинг кўзларингдан,
Тоҳир бўлиб оқолмадим.
Еллар ўпди юзларингдан,
Мен бир тўйиб боқолмадим.

Гулим, энди оҳимиз ҳам
Осмонларда чирмашгайдир.
Жаннатларда сени қучсам,
Ҳавас билан қарашгайдир.

Қаро-қаро қаролар-а,
Қаролигин қилдилар ёр.
Қалбимизни яролаб-а,
Яроларни тилдилар ёр.



МОМОЖОН

Қантақ ўрик қандмиди,
Еганингиз пандмиди.
Сарсон бўлди совчилар,
Бу қиз боши бандмиди?

Ёмғирдек тўкилдим мен,
Қирқ чокдан сўкилдим мен.
Юз ёлвориб етмасам,
Ваҳ, кимдан ўкиндим мен.

Жаҳлнинг туби вулқон,
Қаҳрга нима қалқон?
Синаманг синдиргунча,
Жисмимда биттадир жон.

Моможоним, жон момо,
Кўксим тўла хуш наво.
Куйласам куилдирадиди,
Бу дардга борми даво?

Гуллар уздим, кўп сўлди,
Кўзим йўлда тўрт бўлди.
Кўнглингизни топмаган
Совчиларим мўрт бўлди.

Мен йўқдан бор қилмайман,
Ошиқман, ор қилмайман.
Сизни айтиб, моможон,
Худойимга йиғлайман.



БИЗ НЕЧУН УЧРАШДИК?

Гулим, айт, гуноҳлар мендами ёлғиз,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?
Тушларимда йиғлар узун соч бир қиз,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?

Қалбда туйғу сўниб, ақл тошганда,
Жонни қирсиллатган ҳислар қочганда,
Бағрингда булоқлар кўзин очганда,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?

Дерлар, муҳаббат ёш танламас эмиш,
Лайлимидинг, Зухроми, балки сен Кумуш,
Қўлимга бир кўнмай учиб кетган қуш,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?

Юраклар бир-бирга талпинар, зордир.
Ўртада йиғлаган диёнат, ордир,
Бўзлаб яратгандан сўрорим бордир.
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?

Алпомишга ўзим бермаган чоғда?
Барчин бўлиб излабмидинг фироқда,
Бу дунёдан ўтар бўлдик қийноқда,
Биз нечун учрашдик қирқдан ошганда?



ҚАҲРИНГИЗНИ ҚАРИТТУМ

Саболар сочган сирлар
Самолардан сочилур.
Муҳаббат меҳробида
Кўнгил кўзи очилур.

Сиз осмондан келсангиз
Кушлардан қанот сўранг.
Гул ҳуснин хирожига
Булбулдан баёт сўранг.

Майсаларнинг муқоми
Елларга малол келмас.
Ошиқларнинг оҳидан
Дилларга савол келмас.

Садоқатнинг сўроғи
Сабрга салом бўлур.
Томчи тўхтамай томса
Тошлардан калом бўлур.

Қабоғингиз қорини
Эритсак нима дейсиз?
Қаҳрингизни қирқ йилга
Қаритсак нима дейсиз?

Бу олам ороланар
Осмоний офтоб билан.
Жомингиз жилмайтирай
Мен шеърый шароб билан.



КЎЗ ТЕГМАСИН

Ёмон кўзлар ётларга боқсин,
Кўз тегмасин. кўзлар тегмасин.
Бизнинг санам туморлар тақсин,
Кўз тегмасин, кўзлар тегмасин.

Ағёр кўзга солари чўпдир,
Суқлар тушар сулувлар кўпдир,
Улар ичра сизга тенг йўқдир,
Кўз тегмасин. кўзлар тегмасин.

Сиз юрсангиз йўлларда ифор,
Сувлар мавжи тошларда дугор.
Биз ғарибда битта ўтинч бор,
Кўз тегмасин. кўзлар тегмасин.

Гулим, нур бор қароғингизда,
Ғунча кўрдим дудоғингизда,
Маҳмуд ўтар фироғингизда,
Кўз тегмасин. кўзлар тегмасин.





БУ ЙЎЛЛАР

Дили бўлак одамларнинг йўли бўлак.
Кимга обрў, кимга бойлик, мансаб керак.

Турфа йўлда турфа одам кетиб борар,
Ўз дардида бу йўллардан ўтиб борар.

Оҳ, қайғуси кўп демангиз бу баётнинг.
Оғриқ, оғриқ нуқталари кўп ҳаётнинг.

Бу йўллардан олиб кетмас кўп олган ҳам,
Бу йўлларда қолиб кетмас оч қолган ҳам.

Бу йўлларга чиқмоқ бўлсанг покланиб ол,
Оқ фотиҳа оғушида оқланиб ол.

Ниятинг хуш, бу йўлларнинг офтоби бор.
Уқмоқ бўлсанг ўқилмаган китоби бор.

Бу йўлларга ётлар ўтар бу йўллардан,
Эл соғинган зотлар ўтар бу йўллардан.

Орзу ўтар, армон ўтар тизилишиб,
Тобут тутиб ўтадилар эзилишиб.

Бу йўлларнинг борар сўнгги манзили бор,
Ўзинг уни ёруғ айла, Парвардигор.



КЎҲНА ҚЎШИҚ

Меҳмон келса қадамига
Тўкилгани ҳавас бўлсин.
Дуо олсанг дуоғўйинг
Гулдек тоза нафас бўлсин.

Отам дегин, онам дегин,
Тилинг ширин сухан бўлсин.
Фарзанд кўрсанг йиғисида,
Кулгусида Ватан бўлсин.

Доғи бор деб битта ойнинг
Юзига чанг солаверма,
Бир янглишган бечорадан
Ўчим бор, деб олаверма.

Қотган ноннинг қатларида
Очнинг қўнгли гул очармиш.
Нодон итин тувагига
Обрў учун пул сочармиш.

Худо берган насибангни.
Қўлинг бор-ку, ушатиб ол.
Йиғи келса юрагингга,
Йиғиб қўйма, бўшатиб ол.

Олчи турса отаверма,
Маҳмуд, омад ошиғини.
Сенгача ҳам куйлаганлар
Кўҳна дунё қўшиғини.



БАХТИНГИЗ БОЛИШИДА

Кўлингиздан тошойна тушиб кетмасайди, ёр,
Менинг кўнглим кўзимдан тошиб кетмасайди, ёр.
Жонда чаҳ-чаҳ урган қуш, кулбамда кулган соғинч,
Келса минг ноз, кетишга шошиб кетмасайди, ёр.

Беназир гўзалликка илоҳий вафо ёрдир,
Меҳрингиз оташида минг битта шифо бордир,
Болари бодасидек бир бўса сўрадим мен,
Тиланган тилларимда тош ёрар садо бордир.

Оразингиз ортидан лолалар гулхан ёқар,
Билмадим, ул қуёшга бу кўзлар қандай боқар,
Гулим, сизсиз бу кулбам зиндон ичра зиндондир,
Кетсангиз дийдамыздан ғам сели линҳон оқар.

Остона ошиёндир, сиз келсангиз, мен кутсам,
Жонимнинг чашмасидан бир пиёла май тутсам,
Тўкилган дилим, Маҳмуд, кўксингиз узра тўкиб,
Бахтингиз болишида бу дунёни унутсам.





ДУЎСТНИНГ ҚАДРИ ҚАДАҲДА ЭМАС

Туннинг қадри чироқда эмас,
Қоқилибсан, айб чоҳда эмас,
Висол қадри балки фиरोқда,
Дўстнинг қадри қадаҳда эмас.

Қўл кўксингда, бугун мезбонсан.
Насибанг бут, эрта меҳмонсан.
Бу ҳикматга, дўстим, ишон сан.
Дўстнинг қадри қадаҳда эмас.

Кўк юзига юлдуз ярашар,
Дастурхонга нон-туз ярашар.
Ҳар даврага ҳақ сўз ярашар.
Дўстнинг қадри қадаҳда эмас.

Ўтирганда иззатинг бўлсин,
Суҳбатингда ҳикматинг бўлсин,
Шаробсиз ҳам журъатинг бўлсин,
Дўстнинг қадри қадаҳда эмас.

Ким май ичур сохта чапакка,
Қадаҳ тимсол тоза тилакка.
Сўз жарангин етказ юракка.
Дўстнинг қадри қадаҳда эмас.

Айт, нима бор дийдордан ширин,
Кафтда туғиб юракнинг қўрин,
Ичгим келар дийдорнинг нурин,
Дўстнинг қадри қадаҳда эмас.



ОЙ НЕЧУН ОВВОРАДИР

Ой нечун овворадир,
Тунда қайга борадир?
Офтобим курдингми деб
Менга куп ёлворадир.

Тошмеҳр тошга яқин,
Кўзингда борми чақин,
Мен учун йўлга чиққан
Келмайин менга яқин.

Кул бўлмай куйдим дема,
Жон бермай суйдим дема.
Ярашмаган ёлгонни
Сен чинга йўйдим дема.

Кувончим қайга кетди,
Ишончим қайга кетди.
Муҳаббат маккор экан,
Кул етмас жойга кетди.

Ой нечун овворадир,
Тунда қайга борадир?
Офтобим кўрдингми деб
Менга кўп ёлворадир.



ЙЎЛГА ЧИҚҚАНМАН

Айт, дийдорнинг дудоғи қайда,
Соддаликнинг сабоғи қайда,
Яхшиликнинг яроғи қайда,
Шуни излаб йўлга чиққанман.

Кўп экан-ку мендан яхшилар,
Борми, айтинг, сиздан яхшилар,
Кўринмайди Комил бахшилар,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Отдан тушган кўп экан бунча,
Отга минмоқ осонми шунча,
Ким туради дунё тургунча,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Сўзни сўзга тўти ҳам қўшар,
Гоҳи булбул зоғга пар тўшар,
Сукут ичра ким селдек жўшар,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Боқий бахтнинг булоғи қайда,
Айт, жаннатнинг чироғи қайда,
Ёмонликнинг адоғи қайда,
Шуни излаб йўлга чиққанман.



САЛОМ БОР

Кўнгилда кўнгилнинг доди бор,
Кўнгилда ваҳ кимнинг ёди бор.
Жилғанинг жарангос тилида
Унгувчи майсанинг оти бор.

Дарёнинг тубида дарди бор,
Юрт борки, эл ичра марди бор.
Тегирмон тошида эзилган
Буғдойнинг оҳлари – гарди бор.

Дунё бор, булажак, мудом бор.
Ҳар дилда бир янги калом бор.
Баҳорга етганлар, қувонинг,
Сизларга гуллардан салом бор!





БЕЛБОҒ

Бобомиз белида бўлган шу белбоғ,
Момомиз кўксини қилган эди тоғ,
Ана у қозиқда жовдирар бу чоқ,
Белингда шу белбоғ бўлсин, ўғлоним.

Белбоғ ҳар йигитга орият эди,
Сулувлар дилида хуш ният эди.
Белбоғлик бобонгни юрти боғ эди,
Белингда шу белбоғ бўлсин, ўғлоним.

Навой бобонг ҳам суйиб боғлаган,
Бобур айриликда куйиб боғлаган.
Оҳ, Темур бобонгни жангга чоғлаган,
Белингда шу белбоғ бўлсин, ўғлоним.

Белбоғсиз ҳеч полвон майдонга тушмас,
Уфқни кўзламаган бургут бургутмас.
Эр йигит ўзлигин, элин унутмас,
Белингда шу белбоғ бўлсин, ўғлоним.

Белбоғ – бу белингда ўзлигинг бўлсин,
Ҳақдан қайтмағувчи сўзлигинг бўлсин.
Кўзлари очилган ўзбегинг бўлсин,
Белингда шу белбоғ бўлсин, ўғлоним.



НОЛА

Момо Ҳаво, Моможоним, сен онамни асрагин,
Мен дўлворни чироқ билган парвонамни асрагин,
Етмиш икки томиримда нохуш туйғу титрагай.
Момо Ҳаво, Моможоним, сен онамни асрагин.

Жавдираган юлдузлар-ей, хаёлларим олгайдир,
Наҳот онам бир кун келиб юлдуз бўлиб қолгайдир,
Кўргузмаган меҳрим менинг юрак-бағрим ўртайдир,
Момо Ҳаво, Моможоним, сен онамни асрагин.

Сочининг ҳар толасида минг бир азоб қартайди,
Тонгда онам сочин эмас, азобларин тарайди,
Кеч кирган бу ақлим армон бўлиб унсиз инграйди,
Момо Ҳаво, Моможоним, сен онамни асрагин.

Виждон тунлар уйқу бермас, армон чақар мени ҳам,
Юрагимдан кўзларимга меҳр қалқар мени ҳам,
Ёмон демас, ҳар кун юз бор онам алқар мени ҳам,
Момо Ҳаво, Моможоним, сен онамни асрагин.

Шеърга сиғмас Абдулланинг соғинч қалбин тиглайдир,
Бу дунёнинг ишларидан Ўткир оғам йиғлайдир,
Маҳмуд қилган нола, момо, қулоғингга етгайдир,
Момо Ҳаво, Моможоним, сен онамни асрагин.



ҚИРҚ КОКИЛ

Елкангдаги қирқ кокил қирқта жонингми сенинг?
Қурбони бўлсам арзир битта жонингни сенинг,
Ёр, ўзингга етмади оҳларим, додим менинг.
Елкангдаги қирқ кокил қирқта фарёдим менинг.

Тонгда туриб булбулнинг келар тилин тишлагим,
Муҳаббат шевасида булбулларни хушлагум,
Қирқ кокилинг биттасин, айтгин, қачон ушлагум,
Бармоқларим бўзлайди, эсласам ёдинг сенинг.

Бу дунёдан умидвор яратганнинг бандаси.
Севса-ю, севилмаса оламнинг шармандаси.
Қирқ кокилинг қирқ занжир, бўлдим анинг бандаси,
Елкангдаги қирқ кокил қирқта жаллодим менинг.

Қирқ кокилли қиз туққан умр тилаб онангга,
Юрган йўлим куяди, жисму жоним аланга.
Ўлсам, кулим тўкилсин, ёр, энди остонангга.
Яратганга етмади оҳ, Маҳмуд, додим менинг.





СЕНГА ЁЛВОРАМАН

Кулгувчи кўзларда ҳаё кўрмасам,
Ойдайин юзларда ибо кўрмасам,
Бол каби сўзларда вафо кўрмасам,
Кимга ёлвораман, ё Расулulloҳ,
Сенга ёлвораман, ё қодир Аллоҳ!

Одамлар бозорда иймон сотсалар,
Билиб, кўриб туриб виждон сотсалар,
Гуноҳкор бандалар тўлиб ётсалар,
Кимга ёлвораман, ё Расулulloҳ,
Сенга ёлвораман, ё қодир Аллоҳ!

Ифвогар қўлида гул ҳам кўланса,
Орият, ҳамият, инсоф топталса,
Яхшини ёмонлаб, ёмон мақталса,
Кимга ёлвораман, ё Расулulloҳ,
Сенга ёлвораман, ё қодир Аллоҳ!

Тунда ҳаёсиздан ой ҳам йиғласа,
Мажнунтол соч ёйиб, сой ҳам йиғласа,
Фарзанд ота-она қадрин билмаса,
Кимга ёлвораман, ё Расулulloҳ,
Сенга ёлвораман, ё қодир Аллоҳ!

Одамнинг бир бахти инсоф, чиройда,
Айтингиз, инсофнинг макони қайда,
Наҳотки, бўлса у сиз ётар жойда,
Кимга ёлвораман, ё Расулulloҳ,
Сенга ёлвораман, ё қодир Аллоҳ!



БОЛАЛИК

Сен қайдасан. жонинг омонми,
Пойингда ер, бошда осмонми,
Қайтмаслигинг айтгин, ёлгонми,
Мени ташлаб кетган болалик.

Кўкрагимда кўкарган лолам,
Кипригимга тош осган жолам,
Оппоқ гулим, ай ширин нолам,
Мени ташлаб кетган болалик.

Юзи офтоб. кўзи мунчоғим,
Жонимдаги мендан йироғим,
Қайлардасан хуш овунчоғим,
Мени ташлаб кетган болалик.

Қирга чиқсак қирлар хуш-хандон,
Кўкка боқсак куларди осмон,
Бугун дилда улғаяр армон,
Мени ташлаб кетган болалик.

Сен кўргандек кенгмас бу дунё,
О, барчага тенгмас бу дунё,
Кимдан мерос қабоҳат. риё,
Мени ташлаб кетган болалик.

Эртақларда эланган жоним,
Мардга мадад тиланган жоним,
Товонимдан олган тиконим,
Мени ташлаб кетган болалик.

Ортга боқмай кетган ирмоғим,
Эй, ёдимда ёнган чироғим,
Соғинчлардан куяр қароғим,
Мени ташлаб кетган болалик.

ЙИҒЛАР

Қулоғимни ерга тутсам, қулоғимда армон йиғлар,
Қароғимни кўкка тиксам, қабоғимда осмон йиғлар,
Қиёматдан қўрқмас бу кун Муҳаммаднинг умматлари,
Бу дунёда мусулмон кўл, лекин сағир иймон йиғлар.

Кўнгли тошлар ичра бошим ургани бир тош топмадим,
Йиғлайдилар оҳлар уриб, дийдасидан ёш топмадим,
На қилай ўздан бўлак кўнглимга сирдош топмадим,
Сабр тилаб кўнглим мани бўғзимни тилиб жон йиғлар.

Мен ҳам суйсам эдим, ёраб, кўриб куйсам эдим, ёраб,
Туним тонгга улай девдим, ойдек жамолига қараб,
Бир пари ўлтирса эрди зулфи билан жоним тараб,
Ёр сочини силар қўлим, лабларимда ёлғон йиғлар.

Толганинг ўзга буюрсин, ортса сўнг қавмингга бер,
Дўсти нодондан, абад, душмани зийрак яхшидир,
Аллоҳ сенинг ёдингдадир, гар пешонангдан томса тер,
Маҳмуд, миннат ошин есанг, қозонингда ёвғон йиғлар.



ИШҚ ГУЛОБИ

Шамолнинг шитобидан
Бир чимдим тутиб олсам.
Қизил гул гулобидан
Бир қултум ютиб олсам.

Кейин кўзингга боқсам,
Кейин юзингга боқсам.
Оразинг оташида
Жонимни лов-лов ёқсам.

Юлдузларнинг юзидан
Дурларин тилаб олсам.
Ойнинг ойдин рўмолин
Зулфини силаб олсам.

Бирин кафтингга солсам,
Бирин кифтингга солсам.
Меҳрингни болиш қилсанг,
Бағрингда бахтдан толсам.

Мажнуннинг қайғусидан,
Тўкилган тиловатдек.
Лайлининг ёғдусидан
Топилган ҳаловатдек.

Қувончни шароб қилсак,
Қайғуни кабоб қилсак,
Висолда қоврилдик деб,
Оламга хитоб қилсак.



ОЛДИМ

Ойнинг ўроғин олдим,
Офтоб чироғин олдим.
Кўксингни чимдим тилиб,
Дилиннга ёғду солдим.

Гулнинг гуноҳин олдим,
Булбулнинг оҳин олдим.
Куйлаб кул қилолмайсан,
Тилиннга жоду солдим.

Камалак рангин олдим,
Чақмоқ жарангин олдим.
Кўнглинг кўклами бўлиб,
Юзиннга кўзгу солдим.

Тонгнинг дуосин олдим,
Шабнам шифосин олдим.
Муродбахш майсалардек
Қалбиннга орзу солдим.

Қабоғинг қорин олдим,
Қароғинг зорин олдим.
Кўксингни очиб қара,
Толиқмас туйғу солдим.



КЕЛМАДИНГ

Юракка нолишлар ботди, келмадинг,
Бошимга болишлар ботди, келмадинг,
Бағритошим, ё назарга илмадинг,
Бошимга болишлар ботди, келмадинг.

Сайёддан хуркиган оҳудек чўчиб,
Келмассан, ётурман, дардимни қучиб,
Қанийди боролсам қошингга учиб,
Бошимга болишлар ботди, келмадинг.

Мажнунман, саҳрода имкон топмадим,
Дардманд бу жонимга дармон топмадим,
Кулбамга сен каби меҳмон топмадим,
Бошимга болишлар ботди, келмадинг.

Чиқмаган бу жондан умидларим бор,
Соғинчим йулингга гулдай сочай, ёр,
Ошиққа азалдан Аллоҳ ўзи ёр,
Бошимга болишлар ботди, келмадинг,
Юракка нолишлар ботди, келмадинг.





СУВЛАР


Мажнунтолнинг хаёллари оққан сувлар.
Кўзгу бўлиб санамларга ёққан сувлар.
Биз ғарибни илонлари чаққан сувлар.
Билмайсизми, бағрим тилим-тилим менинг,
Тўлқинингиз тўлиб турган дилим менинг.

Мажнунтолнинг сочларини тарайсизми,
Минг бор сўрсак ортга бир бор қарайсизми,
Ошиқ аҳлин корига ҳеч ярайсизми.
Кўз ёшларга ҳовуз бўлди ҳовчим менинг,
Ул малакка бўлмайсизми совчим менинг.

Тубингизда ётган тошлар қаҳри қаттиқ,
Гул таратган хуш насимлар кимга тортиқ,
Ўшал қизни ким севибди биздан ортиқ,
Оҳлар уриб оқиб кетди орим менинг,
Қирғоғингиз қақшатади зорим менинг.

Қошингизда қонлар ютиб турорим бор,
Дунё эмас, сиздан вафо сўрорим бор.
Ул санамни улгунча бир кўрорим бор,
Совчи сувлар, етказингиз сўзим менинг,
Бир кўрмайин юмилмагай кўзим менинг.

Мажнунтолнинг хаёллари оққан сувлар.
Кўзгу бўлиб санамларга ёққан сувлар.
Биз ғарибни илонлари чаққан сувлар.
Мажнунтолмас, Маҳмуд қадди долим менинг,
Бу оламга кулгу бўлди ҳолим менинг.



МЕНИ ТОШЛАР ТИНГЛАШАДИ...

Мени тошлар тинглашади, дили борга ўхшайди,
Еллар сочим силашади, қўли борга ўхшайди,
Аё дўстлар, майсаларнинг тили борга ўхшайди,
Мен дилимни хушлаб тургим, ирмоқлар куйлашганда,
Мен тилимни тишлаб тургим, япроқлар сўйлашганда.

Тиконимни тирнаманг деб янтоқ йиғлаб ўсармиш,
Илдизларнинг табассуми куртагида кўкармиш.
Булбул бўлсанг, бедор бўл, пойингга гул чўкармиш.
Юрагимни ушлаб тургим, юлдузлар бўзлашганда,
Мен тилимни тишлаб тургим, турналар тиллашганда.

Шабнам тонгнинг шаробидир, тангри қуёшга тутгай,
Лаб очган гул боларини интизор қиздек кутгай,
Икки ошиқ топишганда бу дунёни унутгай,
Мен дилимни хушлаб тургим, ғунчалар гуллашганда,
Мен тилимни тишлаб тургим, ошиқлар сирлашганда.

Сукунатнинг хуш созини сармаст саболар бузгай,
Айтишурлар қиз нозини ақли адолар бузгай,
Айтгим келар, дил торини ишқда гадолар узгай,
Мен дилимни тушовлагум, дилдорлар нозлашганда,
Мен жисмимдан жон овлагум, гадолар юзлашганда.

Мени тошлар тинглашади, дили борга ўхшайди,
Еллар сочим силашади, қўли борга ўхшайди,
Аё Маҳмуд, майсаларнинг тили борга ўхшайди,
Мен дилимни хушлаб тургим, майсалар тиллашганда,
Бу дунё ифрдан хуш жийдалар гуллашганда.



ЛОЛА

Баҳор куксидаги қуёшсан, лола,
Баҳор кўзидаги кўз ёшсан, лола,
Қорларнинг изига сочилган қоним,
Баҳор бағридаги бардошсан, лола.

Қизарган қувончдан ранг олган гулим,
Гоҳ ўз жамолидан танг қолган гулим,
Бунчалар гўзалсан. бунчалар сўлим,
Дилпора дилларга дилдошсан, лола.

Келишинг қувончдир. кетишинг нола,
Оҳ, бунча қисқадир умримиз, лола.
Кўзимга суртайин, кўксимга босай,
Қайта кўришгунча лолажон, лола.

Ёдимда гуллайсан кетганинг билан,
Додимда гуллайсан кетганинг билан,
Мен сени соғиниб йўқдайвераман,
Қонинг атиргулга тутганинг билан.





ДИЛДОШ БЎЛАЙ

Келаётган қувончнинг йўлида юлдуз бўлай,
Гуллаётган ишончнинг пойида илдиз бўлай,
Зулмат ситамин ситиб, тонг бўлай, кундуз бўлай,
Йўл юринг, йўлдош бўлай, қўл беринг, қўлдош бўлай,
Тангридан тилаганим мен сизга дилдош бўлай.

Қаноти қайрилган қуш осмонга қараб тўймас,
Йўл ахтарган бўз бола қоқилмай қадам қўймас,
Қафасда булбул тутган гул уволига куймас,
Ёмонга инсоф сўранг, кўксингизда зор бўлай,
Яхшилар умрин тиланг, ёнингизда бор бўлай.

Тилакки тоза эмас, тиғ дунёни тутмагай,
Юракки тоза эмас, кўнгилда гул битмагай,
Дилингда гумонинг бор, кўчангдан пир ўтмагай,
Хиёнат хитобини ютгувчи уммон бўлай,
Адолат тарозисин тутсангиз дармон бўлай.

Кўнглингиз гавҳарида кўз бўлгим келар мени,
Кўзингиз дафтарыда сўз бўлгим келар мени,
Ҳар ҳалол луқмангизга туз бўлгим келар мени,
Маҳмуднинг муроди шу, боғ қилинг, боғбон бўлай,
Сизга ногоҳ ел эсмасин, гар келса қалқон бўлай.



АЛАНГАНГДА УНДИ УМИДИМ

Бармоғимда юз очди офтоб,
Сочларингга етганда қўлим.
Кўзларингдан ичдим майи ноб,
Кўксинг узра тўкилиб дилим.

Болишимда балқиб ётган ой,
Оғушингда нурга чўмилдим.
Тун қўйнида жаннатий чирой —
Алангангда унди умидим.

Бахтим баҳор гулларидек мул,
Юлдуз қилиб сочдим самога.
Капалакка узатгандим қўл,
Қанотларин ёзди дуога.

Кел, тилайлик, тонгги саболар
Кўксимизга туморлар тақсин.
Кўзимизда кулган вафолар
Бошимизда қуёшдек балқсин.



МУҲАББАТ

Кўзларимдан сачраган учқун – муҳаббат,
Кўксимда бир булбул – тутқун муҳаббат.
Болишига ботиб йиғлаётган қиз,
Севгига ишонмас, сотқин – муҳаббат.

Мажнуннинг оҳидан саҳролар куйса,
Лайлининг васлига жайронлар тўйса,
Армоннинг юзини кўз ёшлар чайса,
Кўнгил дарёсида тўлқин – муҳаббат.

Найнинг наволари дилинга кўчса,
Қалдирғоч қошида хаёлинг учса,
Ошиқ висол отлиғ қувончни кучса,
Қаро тун қўйнида чақин – муҳаббат.

Йиғлаб етолмаган ёрлар кўп ҳали,
Ошиқлар аҳлига дорлар кўп ҳали,
Маҳмуддек васлига зорлар кўп ҳали,
Айтилмаган қўшиқ, оқин – муҳаббат.



ЖОНИМНИ ҚАЛАМ ҚИЛДИМ

Тонг отса жилолари жилвагар юзингизда,
Атиргул атри анқир, маликам, изингизда.
Моможон, жоним кетди сизнинг шу қизингизда,
Таққан туморларингиз дуолари ёр бўлгай.

Сиз кўзимдан тўкилган дуримсиз, ганҳаримсиз,
Турнадан тилаб олган парирўй дилбаримсиз,
Лайлидек лобаримсиз, Шириндек шакаримсиз,
Таққан туморларингиз дуолари ёр бўлгай.

Қиёсингиз ахтариб дафтарим қаро бўлди,
Жонимни қалам қилдим, минг жойи яро бўлди,
Изингиздан эргашдим, дедилар гадо бўлди,
Малагим, шу гадонинг дуолари ёр бўлгай.

Айтинг, офтоб аламин ойдан сира олганми,
Айтсам, кулолнинг қўли лойдан сира толганми,
Кипригингиз ўқ бўлса, кўксим ёйдан тонганми,
Гулим, сизга Маҳмуднинг вафолари ёр булгай,
Таққан туморларингиз дуолари ёр бўлгай.



ТИЛМОЧ КЕРАКМАС

Кўзингизни уққани тилмоч керакмас,
Бир қалбга гул эккани ооч керакмас,
Қозонингиз куймасин, қирмоч керакмас,
Ошиғингиз куйгани етмайдими, ёр.

Олов билан ўйнашиб оввора бўлманг,
Куйиб-куйиб биз каби дилпора бўлманг,
Севиб-севиб кул бўлдик, куйгандан кулманг,
Жафолар жароҳати битмайдими, ёр.

Элига ўғил бўлмас дулдул кўрмаган,
Фунчанинг ғуборини булбул кўрмаган,
Кулбангиз менинг каби бир кул кўрмаган,
Маҳшарда уволимиз тутмайдими, ёр.

Қуёш тоғлар ортида нур дасталайди,
Қул Маҳмуд сизга ҳар тонг гул дасталайди,
Куйган дил кўридан куй басталайди,
Оҳимиз дилингни чертмайдими, ёр!



ҒАНИМ

Кўкардим, кўрмадинг, босиб ўтдинг сен,
Куёшга юз тутсам тўсиб ўтдинг сен,
Қаҳрингдан дор ясаб осиб ўтдинг сен,
Гулга умр берса сўлдиролмайсан,
Аллоҳ жон олмаса ўлдиролмайсан.

Элнинг эъзозидан баландроқ тоғ йўқ,
Меҳр кўрғонидан гўзалроқ боғ йўқ,
Оқибат юзидан ёруғ чироқ йўқ,
Минг йил яша, йўқни йўндиролмайсан,
Бу дунё камини тўлдиролмайсан.

Куймаган кўнгилда ўт ёқиб бўлмас,
Ниятинг нохушдир, тик боқиб бўлмас,
Чоҳни чамаласанг хуш оқиб бўлмас,
Ситам-ла сабримни синдиролмайсан,
Сойнинг суронини тиндиролмайсан.

Булбул дилим қафасларга сиғмаган,
Онам мени қул қилиб ҳам туғмаган,
Мендан нари юрсин мени уқмаган,
Менга чирмандангни чалдиролмайсан,
Аллоҳ жон олмаса ўлдиролмайсан.



БОБО ДЕҲҚОНИМ

Кўҳна дунё кўксидаги
Ер айланар, чир айланар.
Деҳқон бобо теграсида
Хизр отлиғ пир айланар.

Шамол қувган булутлардек
Йиллар йилни йўқламас.
Деҳқон бобо, билганим шу.
Сенга ҳеч ким ўхшамас.

Пешонасин терларини
Қадоқ қўлда сидирган.
Момо Ердан насибамни
Ўзингмасми ундирган.

Куклам курки азал-абал,
Кўзларга ҳеч сиғмаган.
Наҳот сени онанг ахир.
Байрам учун туғмаган.

Наврўз сенинг байрамингдир,
Баҳор сенинг байраминг.
Менинг бобо деҳқоним.
Қутлаб келди кўкларинг.

Ўтирсанг хўп ярашасан,
Қўрлар тўкиб тўрларда.
Шу ерда ҳам бир хаёлинг
Пахтанг, дала, қирларда.

Етти куннинг бирида сен
Яшамадинг шон учун.
Етти кунда етмиш минг бор.
Эгилдинг бир дон учун.

Деҳқон бобо шоҳу гадо,
Ким тотмаган тузингдан.
Толмагин ҳеч, толиқмагин,
Минг ўргилай ўзингдан.





ЯРАШМАС ЭНДИ

Куёш бизга кўшилса керак,
Ой арқондек эшилса керак,
Нега юм-юм йиғлайсан, юрак,
Куз ёш бизга ярашмас энди.

Қорсиз тоғлар қора тош экан,
Тилло ҳам бир сара тош экан,
Иккимизда кўнгил ёш экан,
Куз ёш бизга ярашмас энди.

Тунни кўрмай чироқ ёқмаймиз,
Биров берган бахтга боқмаймиз,
Биз ёқмасак зоғга ёқмаймиз,
Куз ёш бизга ярашмас энди.

Гул ҳақида куйлаганлар кўп,
Кул ҳақида куйлаймизми, хуб?
Кўзимизга солсалар ҳам чўп,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Бу дунёнинг беки бўламиз,
Бинафшанинг кеки бўламиз,
Ўлдирсалар Ҳақ деб ўламиз,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Умиди бор увол кетмасин,
Дили борга завол етмасин.
Биз булбулмиз, гул унутмасин,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.



САБР

Бўғзимга тиқилган ул тошларни ютолмадим,
Кўзимга сиғмаган ул ёшларни ютолмадим,
Миннатга дамлланган ул ошларни ютолмадим,
Демангиз, мен ўзимга билиб жабр тиладим,
Тиласам гар Аллоҳдан фақат сабр тиладим.

Тухматчининг тилагин тарози тортмас экан,
Орият осмонининг қуёши ботмас экан,
Қадрини қалқон билган пойгакда ётмас экан,
Бандаман, гоҳ-гоҳида манам надир тиладим,
Тилагимнинг сўнгида қўрқдим, сабр тиладим.

Гул истаб гулзор ичра тиконни тилаб олдим,
Нафсимнинг надоматин гоҳида кўйга солдим,
Кўз нечун тўйдим демас, қандайин кўйга қолдим,
Кўнглимнинг осмонига наҳот абр тиладим,
Тонгда уялдим нурдан. яна сабр тиладим.

Нафсининг қули бўлди қилганда илк бор хато,
Жаннатнинг чаманидан қувилди Одам Ато,
Бу қандай дард эрурки, бандаси топмас даво,
Демагин, қодир Эгам, сендан қаҳр тиладим,
Ожизман остонангда, қулман. сабр тиладим.

Шайтони лаин қонда жилмаяди алдамчи,
Муҳаммад Мустафодек ким солур унга қамчи,
Жойнамоз жамолида кўз ёшим томчи-томчи,
Маҳмуд ошиқи дилга савти садр тиладим,
Умри жонга барака, Ҳақдан сабр тиладим.



КЎРМАЙ ҚОЛСАМ

Кўриб туриб соғинаман мен,
Кўрмай қолсам сиғинаман мен.
Сиз дардимсиз, оҳимсиз менинг,
Бағримдаги моҳимсиз менинг.

Сочларингиз силаб севаман,
Умрингизни тилаб севаман.
Мажнунда йўқ бу оҳим менинг,
Гулдек гўзал гуноҳим менинг.

Кўйинг, энди йиғламанг, гўзал,
Йиғласангиз сиз ундан гўзал.
О, лаблари лоларанг, гулим.
Кўзларимга бир қаранг, гулим.

Ким у тунни қоронғу деган,
Ошиқ оқшом қуёши экан.
Ой ҳам рашкдан қолди қартайиб,
Юлдузлар ҳам ғарибдан ғариб.

Сочларингиз бунча сочилди,
Туннинг кўзи мошдек очилди.
О, бағримда юз очган баҳор,
Бағрингизда қолиб кетгим бор.

Кўриб туриб соғинаман мен,
Кўрмай қолсам сиғинаман мен



ЭЛНИНГ АРДОҒИ

Фахриддин Умаровга

Тупроқда ётса ҳам тилло тиллодир,
Ўзни мақтаганлар чала муллодир,
Сизни ардоқлаган қодир Худодир,
Ўзбекнинг фахрисиз, Фахриддин оға.

Соз эмас. дилларни чертган ҳофизим,
Юрагин кафтада тутган ҳофизим,
Аламин ичига ютган ҳофизим,
Ўзбекнинг фахрисиз, Фахриддин оға.

Қўшиқ бу кўнгилдан чиққан оташдир,
Баҳорнинг булбули сиздек дилкашдир,
Санъатда султонлар сизга туташдир,
Ўзбекнинг фахрисиз, Фахриддин оға.

Ким айтар кесакдан чиқмиш чақинлар,
Ҳаёт бор. яшаркан сафда сотқинлар,
Элнинг ардоғида сиздек оқинлар,
Ўзбекнинг фахрисиз, Фахриддин оға.

Турон ҳузурдадир созингиз тинглаб,
Эрка оҳуларни юринг эркалаб,
Бизлар дуодамиз умрингиз тилаб,
Ўзбекнинг фахрисиз, Фахриддин оға.



БОБОЛАРИМ

Шермухаммадбек хотирасига бағишлайман

Тоғлар тоши бошингизга болиш бўлиб,
Сиз ётибсиз қай мозорда хомуш бўлиб,
Қошингизда қуёш йиғлар Кумуш бўлиб,
Эрким дея, тоғда қолган садоларим,
«Босмачи» деб ном олгансиз, боболарим!

Сўқир эдик, номингиздан ор қилдик биз,
Эрким деган бек зотини хор қилдик биз,
Белбоғингиз бўйнингизга дор қилдик биз,
Дор остида лод солганда момоларим,
Нени ўйлаб жон бердингиз, боболарим!

Бексиз қолган аргумоқлар ер тепади,
Кўзларидан қабрингизга сув сепади,
Эр йигитга тулпорлар ҳам тиз чўкади,
Турон бағрин тилиб ётган жафоларим,
Сиз қулликдан ҳазар қилган боболарим!

Турк элида тобути елкама-елка,
Тўнин барин тутқазмай кетган ўзбекка,
Дунё таҳсин ўқир Шермухаммадбекка,
Рухингизга бахш айладим дуоларим,
Мадаминбек, Иброҳимбек боболарим!

Юлдузлар самога қадалган армон,
Тунлар сизни соғиниб йиғларми Чўлпон,
Ахир Худо бандалари хур яралғон,

Ёт элларда сиз кўзлари жолаларим,
Истикдолни кўрмай кетган боболарим!

Тоғлар тоши бошингизга болиш бўлиб,
Сиз ётибсиз қай мазорда хомуш бўлиб,
Қошингизда қуёш йиғлар Кумуш бўлиб,
Соғинч бўлиб юртда эсан саболарим,
Жаннатмакон менинг азиз боболарим!





ЮРАГИМДА ЁНГАН ЎТ

Юрагимда ёнган ўт, ўзимни ёқ, ўзимни,
Нокасдан нон сўрасам сўзимни ёқ. сўзимни.
Номардга тиз чўкканда тизимни ёқ, тизимни,
Юрагимда ёнган ўт, ўзимни ёқ, ўзимни.

Ўт ичра омон қолган шайтонга ошно қилма,
Ҳақни ҳимоя қилмас кўзимни рўшно қилма,
Ё раб. ўзинг паноҳим, юзимни қаро қилма,
Агар юзим қародир, юзимни ёқ, юзимни.

Тирикман, эл ичраман, насибам. ноним бордир.
Юрагимда ёнган ўт, чўғингда жоним бордир.
Ватан. Онам. яғонам, туғингда қоним бордир.
Тупроғингда қолмаса, изимни ёқ, изимни.

Суякни суяб юрган ичидаги илиқдир,
Чироқни чироқ қилган кул бўлгувчи пиликдир.
Яхшиларнинг яроғи ёмонга яхшиликдир,
Ҳаром бўлса тузликдаги тузимни ёқ, тузимни.

Пешонанг сажда кўрмас, бошинг кўкка етмагай,
Тилингда тошинг бордир, ёнингдан дўст ўтмагай,
Маҳмуд, курмакка қулсан, ғалвиринг дон тутмагай,
Юрагимда ёнган ўт, ўзимни ёқ, ўзимни,
Номардга тиз чўкканда тизимни ёқ, тизимни.




БУ ДУНЁ

Бу дунё томошагоҳ – ўйинчиси кўп экан,
Айтилган ҳар ёлгоннинг суюнчиси кўп экан.
Куйиб-куйиб сўзласанг кулиб-кулиб тинглашар,
Гоҳида одам зоти тепилгувчи тўп экан.

Қоқилсанг қабоғидан қор тўкар қариндошинг,
Нокас ёдига тушар тўйида еган ошинг.
Осмоннинг уввосими, ерни саваган ёмғир,
Маломат бозорида талашарлар кўз ёшинг.

Девона дардига ҳеч девона малҳам топмас,
Гадоларнинг юзига оқиллар эшик ёпмас,
Яхшисан вале ёмон, дилинг ўзингга айтур,
Шайтоннинг чорловига Раҳмоннинг кўнгли чопмас.

Тилингда ҳикматинг бор, юрагингда қўр бўлгай,
Дунёда дунёси кўп дема, сендан зўр бўлгай.
Осмонга устун истаб овора бўлма, Маҳмуд,
«Ла илаҳа иллоллоҳ», десанг олам жўр бўлгай.





ҚУМРИМИЗ БОР

Билмаймиз билгувчи бор,
Қанчалар умримиз бор,
Кўксимизни куйдирган
Бир нолон қумримиз бор.

Ёнсак ёнаверамиз,
Куймаганни куйдириб,
Жонни жаранглатамиз
Суймаганни суйдириб.

Бир майсанинг бардоши
Теракка тиргак булур,
Билмадик атиргулга
Тикан на керак булур.

Кесакка кесатсангиз,
Гезарар олов бўлмас,
Сайёдлар сушт кетганда,
Камон йиғлар, ов бўлмас.

Жонингизнинг жамоли,
Кўнглимиз кўзгусида,
Қанот кўриб қувондик,
Тулпорлар орзусида.

Қонда қатра ишқ бордир,
Тошни ҳам эритгайсан,
Ошиқсан, агар Маҳмуд,
Дунёни қаритгайсан.



МЕН КҮРМАҒАН ГУЛ

Юрагимда мен кўрмаган гул бор экан,
Кўлим чўзсам қон қалқиди дарёсида.
Шу дамгача ошиқлигим бекор экан,
Кўр эдимми булбулларнинг дунёсида.

Чертиб айтдим, ҳеч бир гўзал эврилмади,
Туртиб айтдим, тошлар жойдан сурилмади,
Бўртиб айтдим, юзларга қон урилмади.
Тил айланмас дилсизларнинг дунёсида.

Қатра қалқиб дарё бўлмас, тоғ бўлмаса,
Ёвғон билан қозон кулмас, ёғ бўлмаса,
Бойқушларга бозор обод, боғ бўлмаса,
Булбул афғор гулсизларнинг дунёсида.

Оққушгинам, оромингиз бузиб қўйдим,
Чиройингиз кўзларимга чизиб қўйдим,
Сизга гулмас, юрагимни узиб қўйдим,
Офтобимсиз нурсизларнинг дунёсида.

Юрагимда мен кўрмаган гул бор экан,
Кўлим чўзсам қон қалқиди дарёсида.
Шу дамгача ошиқлигим бекор экан,
Кўр эдимми булбулларнинг дунёсида.



КУЛГУ ТИЛАНДИМ

Мен тонглардан туйғу тиландим,
Куртаклардан кулгу тиландим.
Тиз чўksam ялпизга эландим,
Баҳорнинг боғига борайлик, гулим,
Мажнунтол сочини тарайлик, гулим.

Қарагин, қалдирғоч эл суйган косиб,
Кўшкини айвонга қўйибди осиб,
Ҳар жуфтга бир янги кўшиқ муносиб,
Баҳорнинг боғида куйлайлик, гулим,
Юракни ишқ билан ийлайлик, гулим.

Севмаган билмайди султонлик сирин,
Бу бир гадоликким, болдаин ширин,
Яшаб бўлармикин ўздан яширин,
Баҳорнинг умрини тилайлик, гулим,
Биз ҳам кўнглимизда гуллайлик, гулим.

Ой ҳам ойлигини тунда эслатур,
Қуёш кулиб чиқиб кунда эслатур.
Дунё гўзаллигин гулда эслатур,
Дунёни баҳорга берайлик, гулим,
Гул терсак кўзлардан терайлик, гулим.



МАЛҲАМ

Юрак япроғида титраган инжу,
Кўзингиз дунёга бўлолгай кўзгу,
Вужудимда вулқон бир тотли туйғу,
Табиб дармон бўлар куйиб қолганга,
Бир малҳам бормикин суюб қолганга.

Бир қошиқ қонимдан кечингиз, моҳим,
Қаҳрингиз либосин ечингиз, моҳим,
Меҳримдан қултум май ичингиз, моҳим,
Беҳишт бедарбоза кўнгил олганга,
Бир малҳам бормикин суюб қолганга.

Майли қие боқманг, кўриб турайин,
Сизни суқ нафасдан кўриб турайин,
Босган изингизга бошим урайин,
Булбул бегонамиш куйлаб толганга,
Бир малҳам бормикин суюб қолганга.

Кўнгилни кўзига тўр тутиб бўлмас,
Севмайин қўл билан кўр титиб бўлмас,
Маҳмуддек ошиқни унутиб бўлмас,
Жонни чўғдан олиб ўтга солганга,
Моҳим, малҳам бўлинг суйиб қолганга.



ҚЎШИҚ ҚАРИТМАЙДИ

Кўзларга сиғмайди курки бор дунё,
Жаннатга ўшаркан эрки бор дунё.
Йиғлоқи одамдан асрасин Худо,
Бўй берса яхшига бўйлаб яшайлик,
Қўшиқ қаритмайди. куйлаб яшайлик.

Онам деб яшагин, болам деб яша,
Яланг оёқ юрган далам деб яша,
Армоним, азобим, нолам деб яша,
Инсонмиз, инсондек ўйлаб яшайлик,
Қўшиқ қаритмайди. куйлаб яшайлик.

Чоғга тушмоқ осон, чиқмоқ кўп қийин,
Ўқимоқ осону уқмоқ кўп қийин,
Беш кунлик дунёда кўрсатма ўйин,
Тинч ўтган ҳар кунни сийлаб яшайлик,
Қўшиқ қаритмайди. куйлаб яшайлик.

Тақдир бўз кийдирса кимхоб қайдадир,
Кўнглим-а, кимхоблар борма, бойдадир,
Худодан ўзгаси майда-майдадир,
Кўнгилни ишқ ичра ийлаб яшайлик,
Қўшиқ қаритмайди куйлаб яшайлик.



УСТОЗЛАР!

Айтсам, баҳор яшар экан куз учун,
Яшаяпсиз болдек ширин сўз учун,
Навойи ҳам отдан тушган сиз учун,
Миллатимиз қароғисиз, устозлар,
Маърифатнинг чироғисиз, устозлар.

Ҳар боланинг кулгусидан яйраган,
Ҳур булбулсиз, ўзбек бўлиб сайраган,
Меҳр-булоқ қалбингизда қайнаган,
Садоқатнинг сўроғисиз, устозлар,
Яхшилиқнинг ёноғисиз, устозлар.

Бўз кийиб ҳам бўзламаган инсонсиз,
Нақшбандий боғларига боғбонсиз,
Амир Темур таъзим қилган сарбонсиз,
Зиё мулкин байроғисиз, устозлар,
Кўнгилларнинг ардоғисиз, устозлар.

Бир кўзгусиз юзларида доғи йўқ,
Шогирдларнинг сиздан юксак тоғи йўқ,
Олов ўчса келиб сиздан сўрар чўғ,
Тафаккурнинг ўчоғисиз, устозлар,
Қадру қиммат бармоғисиз, устозлар.

Онам берган тилни бурро қилган зот,
Ватан сўзин дилга имло қилган зот,
Авлодларга жонин фидо қилган зот,
Сиз рост сўзнинг салмоғисиз, устозлар,
Сиз офтобнинг қучоғисиз, устозлар.



ЯХШИЛИККА КЕЛГАНМАН

Оқил одам аждодин ёдин сира унутмас,
Авлодини ўйлаган бешиқларин бўш тутмас.
Эшик очиб бахтини, айтинг, ахир қим қутмас,
Ўйламангки оламга бахшиликка келганман,
Ниятларим аввали яхшиликка келганман.

Бир майсага бўй бўлсам, бир ниҳолга томчи сув,
Кафтларимга қуш қўнса, ёдига келмай қўрқув,
Ёмон кўрганам ғафлат, ёмон кўрганам уйқу,
Уйғотгувчи насимдек мен ҳам тонглар елганман.
Бу дунёга аё. дўст, яхшиликка келганман.

Тиниқ осмон кўрмадим, Ватаним самосидек,
Ҳар сўз мени балқитмас онамининг дуосидек,
Ҳеч сўз дилим тилолмас ҳикматнинг зиёсидек,
Навоий навосидан тугёнларга тўлганман,
Шеъримда шарбат тутиб яхшиликка келганман.

Атиргул армонини тикон тиғида тутар,
Шайтонфёъл ёлғонини сохта йиғида тутар,
Мардлар элнинг шонини кўкда туғида тутар,
Тақдир отган тошига кўп бор тикка келганман,
Асрагувчи Ҳақ бўлсин, яхшиликка келганман.

Менинг ҳам орзуларим кўксимда гуллаб ётар,
Менинг ҳам армонларим бағримга тошдек ботар,
Тирик одам талпинса умидли тонглар отар,
Йўлимдаги янтоқдек ёмонликни юлганман,
Маҳмуд, баҳри булоқдек яхшиликка келганман.



АВВАЛ ВАТАН...

Бир сўз бор гулдек гўзал,
Дилиннга тақиб юргин.
Бир сўз бор нурдек азал,
Чирокдек ёқиб юргин.

Аввал Ватан — кейин жон,
Аввал Ватан — кейин нон.

Кўзинг оч, тегрангга боқ,
Ҳикмат бор ҳурлигингда.
Юртдошим, кел, яқинроқ,
Айтайлик жўрлигингда.

Аввал Ватан — кейин жон,
Аввал Ватан — кейин нон.

Қоқилсанг ўз ерингда,
Миннати тизга ботмас.
Элда йигитман деган,
Ватанда ватан сотмас.

Аввал Ватан — кейин жон,
Аввал Ватан — кейин нон.

Бандага Худосидан,
Бобонгга бобосидан.
Шу Ватан қолган ахир,
Момонгга момосидан.

Аввал Ватан — кейин жон,
Аввал Ватан — кейин нон.

Ҳар дилда бир сўз бўлсин,
Ҳар тилда бир сўз бўлсин.
Дунёдан ўтарда ҳам,
Бўғзингда бир бўз бўлсин.

Аввал Ватан – кейин жон,
Аввал Ватан – кейин нон.





ОМОНЛИК ТИЛАЙЛИК

Кун утар аслида бурда нон бўлса,
Эл ичра қаддинг тик чимдим шон бўлса,
Барчаси топилгай бош омон бўлса,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Кулиб кўришсангиз, кўзлар еришгай,
Юз йил умр тиланг, юзлар ёришгай,
Хун ниёт янграса, сўзлар еришгай,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Бахтим боқий, деган беклар кетдилар,
Эгилиш билмаган тиклар кетдилар,
Чиройда дунёга қурқлар кетдилар,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Сувга ташина одам булоқ топгандек,
Тунда адашганлар чироқ топгандек,
Мезбон меҳмонига зар тун ёпгандек,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Яхшилик ярашар ёмонларга ҳам,
Омонлик ярашар осмонларга ҳам,
Хуш боқинг кун ботган томонларга ҳам,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Бахт излаб келганмиз асли дунёга,
Бахт тилаб кетайлик биз ҳам дунёга,
Маҳмуд таваллолар қилиб Худога,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.



БЕКОР

Ойга эргашсангу ерни кўрмасанг,
Манглайдан оққувчи терни кўрмасанг,
Элдан олиб турсанг, элга бермасанг,
Юртнинг боласиман, деганинг бекор.

Отанг обрўсига кўксингни кериб,
Юрсанг ҳар юлдузни бенарвон уриб,
Ногоҳ қоқилсангу кетмасанг туриб,
Марднинг боласиман, деганинг бекор.

Бир чимдим аламга қаддингни буксанг,
Номард пойин ўпиб, унга тиз чўксанг,
Қизғалдоқ мисоли баргингни тўксанг,
Тоғнинг лоласиман, деганинг бекор.

Боланг бўзлаб турса, кўзга илмасанг,
Онанг мотамида йиғлай билмасанг,
Дарёлар тўлса-ю, сен бир тўлмасанг,
Қалбнинг ноласиман, деганинг бекор.

Кўкдаги ҳар булут жола тўколмас,
Марднинг боласини номард буколмас,
Маҳмуд, агар сени элинг тан олмас,
Элнинг боласиман, деганинг бекор.



ВАТАН АСЛИ

Мен кўшиқда Ватан курдим,
Ватан кўрдим аллаларда.
Қизғалдоқлар қирга олов
Ташлаган хуш паллаларда.

Ватан бордир, аё дўстлар,
Юрт соғинчин сабосида.
Ўлмайдиган ўзбек яшар
Маъмуржонлар навосида.

Ватан асли вафога эш,
Кўшиқ кўнгил вафосида.
Жонга малҳам кўшиқ бордир
Онажонлар дуосида.

Кўшиқ қилсам кўшилиб ён,
Ошиқларнинг жафосини.
Саҳролар ҳам соғингайдир
Комилжонлар садосини.

Ватан сўзин ёзгин, Маҳмуд,
Вафо деган имло билан.
Мардларининг номини эл
Тилга олур вафо билан.



ВАТАН

Ўйласам ўйимдан боллар томади,
Боғлари баҳорни соғинган диёр.
Меҳрим бешигида куй тўлғонади,
Менинг ҳам айтажак қўшиқларим бор.

Кўрдим, кўзларидан соғинчлар оққан,
Осмонингни ўпиб келар турналар.
Заминда ям-яшил аланга ёққан,
Чақмоқлар сасидан олам уйғонар.

Мудроқ нигоҳларнинг болишларига
Ялпизларнинг иси томганда чак-чак.
Қалдирғочнинг тонгги хонишларига
Наздимда тошлар ҳам уйғонса керак.

Онам дуосида тинчлигинг тилар.
Фарзандим юзида кулгичинг кўрдим.
Бағрингга ботганда темир тобутлар.
Сойларнинг тошига бошимни урдим.

Армонлар бағридан олган эркингни
Ютоқиб боламдек бағримга босдим.
Дунё пештоқига қадалди туғинг.
Ватаним, болангман. дунёча ўсдим.

Истиқлол кўзлардан тўкилган алёр.
Қувончим шаршара, оқади дилим,
Темур юрагида юз очган диёр,
Сени Темур руҳи қўлласин, элим!



ВАТАН ДЕБ, БИЗ БУЮК БИР ХАЛҚ БЎЛАМИЗ

Айтсам, нондек ширин суз бор дунёда,
Айтсам, жондек ширин сўз бор дунёда,
Ватан деб, шивирлаб айтиб кўринг сиз,
Ватан деб, кўнгилга қайтиб кўринг сиз?
Чехрангиз балқийди, қуёш бўласиз,
Қалбингиз қалқийди кўз ёш бўласиз.

Онажон, деганда энтиккан дилдек,
Озодсан, деганда яйраган қулдек,
Ватан деб, энтикиб, эланиб айтинг,
Ватан деб, вафога беланиб айтинг.
Жон ичра юз очган бир жон бўласиз,
Сиз ерга сиғмаган осмон бўласиз.

Ватан узиб бўлмас гулга ўхшайди,
Ватан — Машраб очган дилга ўхшайди,
Аждоди авваллар ётмишдир унда,
Бизни чўбин отда кўтарган кунда,
Демангиз дунёдан ўтиб борамиз,
Ватан деб, Ватанга кетиб борамиз.

Болангиз қувончи тўкилган тупроқ,
Қуёш бир кўрмаса ўкинган тупроқ,
Жаннатдай муқаддас чаман бўлади,
Аё дўст, у бизга Ватан бўлади,
Ватан денг, кўнгилнинг кўзи очилсин,
Ватан денг, соғинчнинг юзи очилсин.

Ватан ала берган оромдек ширин,
Ватан халқ кўрсатган икромдек ширин,
Ватан денг, Худога юкуниб айтинг,
Асра денг, тиз чўкинг, утиниб айтинг,
Ватан деб, биз буюк бир халқ бўламиз,
Ватан деб, иймонда барҳақ бўламиз.





БИЗГА ИШОНГИН, ВАТАН

Туморлар тиладим сенга Тангридан,
Энди қайғу кўрма, қувонгин, Ватан.
Юзинг ёруғ чиқди хурлик жангидан,
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Тупроғингда унган гиёҳлар ҳаққи,
Аждодларим ёққан чироқлар ҳаққи.
Шу кунларни кутган фироқлар ҳаққи,
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Қоқилдик, йиқилдик ўзни тутгунча,
Қон ютдик озодлик, сенга етгунча,
Биз сени асраймиз ўла-ўлгунча.
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Осмондан тушмади сотқинларинг ҳам,
Озодлик қадрига етмаган одам.
Одаммас, эл шоҳид, йўқ бунга шубҳам,
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Туркиймиз, қадиммиз, қардошимиз бор,
Боболардан мерос бардошимиз бор,
Юрт юкин кутарган юртбошимиз бор.
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Ёруғ манзилларга йўл олдинг, шодмиз,
Келажак олдида масъул авлодмиз,
Фарзандмиз, она юрт, сенга нажотмиз,
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.

Қучоғимга сиғсанг, қучолсам қани,
Бахт бўлиб бошингда учолсам қани,
Бизга ишонсанг бас, асраймиз сани,
Фақат бизга ишон, ишонгин, Ватан.



ВАТАН ДИЙДОРИ

Қизғалдоқнинг армонини қўшиқ қилдим,
Қалдирғочнинг ошёнини қўшиқ қилдим.
Битта баргнинг узилгани минг дард экан,
Мен шу дарднинг дармонини қўшиқ қилдим.

Ер соғинди, кўкдан тушинг, бургутларим,
Майсаларнинг мироблари булутларим,
Кўз ёшимда кўлоблатиб суғорайин,
Хазон бўлманг хаёллардан унутларим.

Олиб келинг ошиқларнинг беморини,
Териб олсин райҳонларин ифорини,
Соғинганлар кўрманасин бериб кўрсин,
Онамдек хуш бу Ватаннинг дийдорини.

Булоқларим, юзи тиниқ кўзгуларим,
Оппоқ-оппоқ гуллайверинг орзуларим.
Мен хурликнинг меҳробига тизлар чўксам,
Оятдайин оқар тоза туйғуларим.

Мен қадрнинг қалқонини қўшиқ қилдим,
Эл орини, эл шонини қўшиқ қилдим.
Тинчлик тилаб ой-қуёши қулиб турсин,
Момо ернинг осмонини қўшиқ қилдим.



ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

Дилларида минг орзу. яшаяпти одамлар,
Териб топган ризқини ошаяпти одамлар,
Кимлар қўлда тош билан, кимлар миллат чироғи,
Аллоҳ тутган кўзгуга тушаяпти одамлар.

Яшасак бу дунёда Ватан учун яшайлик,
Ўзбекистон аталмиш чаман учун яшайлик.

Отамиз очган эшик, онамиз қучган бешик,
Қай биримиз кул сочдик. қай биримиз гул экдик,
Кўзингни оч. эй инсон, Ватан мезбон, биз меҳмон,
Ватансиз валийлар ҳам яшаган кўнгли кемтик.

Яшасак бу дунёда Ватан учун яшайлик,
Ўзбекистон аталмиш чаман учун яшайлик.

Тинчликнинг тонги тотли, офтоби оразингда,
Дўстмисан ёнимга кел, ёвсан – ён ғаразингда,
Ватанга вафо керак, дунёси тупроғида,
Оқибат оғир келсин ҳар кун тарозингда.

Яшасак бу дунёда Ватан учун яшайлик,
Ўзбекистон аталмиш чаман учун яшайлик.

Бу кунларга бир ҳатлаб етганимиз йўқ, ахир,
Дўст бағрига тош бўлиб ботганимиз йўқ, ахир,
Қора сочлар оқарди, бердик ҳатто қурбонлар,
Шукурким, миннат ошин тотганимиз йўқ, ахир.

Яшасак бу дунёда Ватан учун яшайлик,
Ўзбекистон аталмиш чаман учун яшайлик.

Умр берса худойим, балки юздан ошармиз,
Тинчлик деган оққушнинг баётида яшармиз.
Ватан борки, сен борсан, Ватан бордир. мен борман,
Юрт юкини кўтарсак, юрт ёдида яшармиз.

Яшасак бу дунёда Ватан учун яшайлик,
Ўзбекистон аталмиш чаман учун яшайлик.





ВАТАННИ АСЛИДА ВАТАН ҚИЛГАНЛАР

Ватанни аслида Ватан қилганлар,
Эрк учун жонларин гулхан қилганлар.
Тилларин кессалар, кўзларин ўйса,
Бир-бирга дил билан суҳан қилганлар,
Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Эргашса, офтобга эргашиб юрган,
Тунлари хобига озодлик кирган,
Маърифат боғининг боғбони бўлиб,
Ҳар фарзанд қошида жилмайиб турган,
Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Тиз чўккан тизларин ўзи синдирган,
Ўғли элдан чиқса, қизи синдирган,
Ватан вафо ичра очилган гул деб,
Ҳар кўнгил кўзида ҳайрат ундирган,
Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Ёвнинг яхшиси йўқ, деган ҳам улар,
Зоғнинг бахшиси йўқ, деган ҳам улар,
Миллатнинг кўксида бўй чўзган чинор,
Ҳар дилда кўкламдек кўкариб келар,
Ватанни аслида Ватан қилганлар.

Мақтов малҳам бўлмас, бил, қурбонларга,
Оятда ором бор шаҳид жонларга,
Қўлларинг дуога катта оч, элим,
Шукрона жоиздир эркили онларга,
Ватанни аслида Ватан қилганлар,
Эрк учун жонларин гулхан қилганлар.



РАЙҲОНЛАР ИСЛАРИН БУЛОҒИ ВАТАН

Шабнамга майсанинг ёноғи Ватан,
Кўз ёшга инсоннинг қароғи Ватан,
Не ажаб, жон бериб пойига тушса,
Парвонага ҳар уй чироғи Ватан.

Онам алласида оҳангин туюб,
Болам кулгусида жарангин суюб,
Райҳонлар пойига бошимни қўйиб,
Англадим, исларин булоғи Ватан.

Юлдуз учса, осмон ерга ташламас,
Оққушлар ҳам ёт тўлқинга тўшламас,
Чўқар бўлсанг хас қўлингдан ушламас,
Тўлқинга дарёнинг қирроғи Ватан.

Султон суягини хўрлабди қачон?
Инсонмас, вақт эрур замонга султон,
Тандирни тўлдириб кулиб турса нон,
Кўзимга шу ноннинг увоғи Ватан.

Чопгим келар ирмоқларнинг ортидан,
Ўпгим келар Момо Ернинг бетидан,
Ким ажратгай тирноғини этидан,
Энтиккан юракнинг титроғи Ватан.

Меҳнатнинг сурати чумоли изи,
Қаро тунга ойна тўлин ой юзи,
Бир пишган олмадек тўкилса ўзи,
Маҳмудга шу тупроқ кучоғи Ватан.



ЭЗГУЛИККА ЭҲТИРОМ

Бахтнинг бошидаги офтоби бўлиб,
Элда ҳақиқатнинг хитоби бўлиб,
Озодлик майдони меҳроби бўлиб,
Юртнинг юрагига ўйилди ҳайкал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Бағрига босгани Ватан боласи,
Замин фарзанли у, шодлик шонаси,
Ўзбек онасидир унинг онаси,
Пойига бошингни эгиб келгин сал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Булбуллар мудраган гулни уйғотар,
Хотира уйғонса, дилни уйғотар,
Дарёдил сарбонлар элни уйғотар,
Миллатнинг меҳридан берилиб сайқал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Ҳар ким бир келмоқни ихтиёр этсин,
Келсин-у ўзини бахтиёр этсин,
Ҳам яна Ватандан ифтихор этсин,
Қувонч кўз ёшига чайилди ҳайкал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!

Эзгулик пойига тиз чўксанг арзир,
Ҳар фарзанд онадан тоабад қарздир,
Ватанга жон тикмоқ сен, менга фарздир,
Кўп келгин, ўзингни поклаб кел ҳар гал,
Миллат онасига қўйилди ҳайкал!



БАХТ

Чироқ қадрини сўрсанг қоронғу кечалардан,
Бу кўҳна ҳақиқатни сўраб кўр нечалардан,
Ким уйидан бахт топмай, топганмиш кўчалардан,
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Бахтингизни изламанг ўзга юрт, кошонадан,
Ватан ҳам бошланғуси дегайлар остонадан,
Ҳар бир сўзнинг аввали сўранг мушфиқ онадан,
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Тиниқ бўлса, тинмаса изингдаги ирмоғинг,
«Болам», десанг, куйдирса, қўрлар тўкса дудоғинг,
Ёноғингдан ўт олиб, ёниб турса чироғинг,
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Тонгларда кўзларингда вафо кулиб уйғонса,
Оқшомлар болишингда садоқат гулдек ёнса,
Қадам боссанг, остонанг меҳр бўлиб тўлғонса,
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.

Кетаяпман, хуш қолинг, келаяпман, ассалом,
Сиздан дунё сўрмаймиз, биргина ширин калом,
Шу кўҳна ҳақиқатни Маҳмуд такрорлар мудом,
Уйида бахти борлар ҳар ерда бахтиёрдир.



ВАФО

Очгим келган китобдай, кўргим келган офтобдай,
Бир мискинга миннатсиз қилинган хуш савобдай,
Дилда роҳат нурланур, қалқимаган гулобдай,
Хур халқинг бирга айтар навоси бўлсин экан,
Ватани бор одамнинг вафоси бўлсин экан.

Яшаш ўзи курашдир, айт кимга осон бўлган,
Бобурдек шоҳларга ҳам юрт ёди армон бўлган,
Ватансиз минг йил яша, яшашинг ёлғон бўлган,
Соғинчдек ширин дарднинг давоси бўлсин экан,
Ватани бор одамнинг вафоси бўлсин экан.

Қуш кўрмайин утгайсан қўлдаги тошлар билан,
Кўзингга кулгу сиғмас, чимрилган қошлар билан,
Қул одам саналмайди эгилган бошлар билан,
Хурликнинг кўксинг тўла ҳавоси бўлсин экан,
Ватани бор одамнинг вафоси бўлсин экан.

Юрт йўлин яхши билсанг, олдиндан чиқмайди чоҳ,
Аслингни кўргинг келса, синмаган кўзгуга боқ,
Сен огоҳсан, мен огоҳ, сену биз билан Аллоҳ,
Банданинг юкунгучи Худоси бўлсин экан,
Ватани бор одамнинг вафоси бўлсин экан.



ШУКРОНА

Меҳр отлиғ майсанинг юзин очди кўкламой,
Гул бўлсин деб куртақлар кўзин очди кўкламой,
Бошимиздан булбулнинг сўзин сочди кўкламой,
Дилларнинг хуш дуога тўлганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Сизиб чиқар кўзлардан тўкилмаган туйғулар,
Эриб кетган қор каби қочиб кетди қайғулар,
Дийдалардан дур тўкиб, хуш келдингиз кулгулар,
Саболарни соз чалиб елганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Ой экан, офтоб экан осмоннинг ишонгани,
Дунёга келсанг арзир бир гулни тушунгани,
Бойчечак кулгусига бир нафас бойланг мани,
Ҳовучларим ёмғирга тўлганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Ўтган кунинг – кетган қуш, қанотини кўрсатмас,
Пойингдаги майса ҳам фарёдини кўрсатмас,
Қалдирғочлар ҳеч қачон ҳеч кимсани қақшатмас,
Айвонларинг шу қушга тўлганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.

Қутлуғ куннинг қадрини қутлаганлар билгайлар,
Бир мискиннинг бағрини бутлаганлар билгайлар,
Кўклам юзин кўрганлар куртақлардек кулгайлар,
Толемиз ҳур элда кулганига шукрона,
Бизлар етган кўкламнинг келганига шукрона.



ВАФО БИЛАН

Кел куилаймиз жўр овозда,
Озод, эркин, хур овозда.
Ватан сўзин вафо билан,
Кўҳна оҳанг, кўҳна созда.

Бобом айтган ялласини,
Момом айтган алласини.
Бугдойзорлар кафтига дон
Ташлаган хуш палласини.

Офтобдайин кунга содиқ,
Меҳробдайин тунга содиқ.
Эл шонини қўшиқ қилдим,
Булбулдайин субҳи содиқ.

Шодлик шароб қўлимизда,
Ишонч чироқ йўлимизда.
Ҳурлигимиз мангу бўлсин,
Яхшилик ёр дилимизда.

Озод юртнинг ороми хуш,
Обод юртнинг ороми хуш.
Бобом айтар, момом айтар,
Озод инсон каломи хуш.



ШАФТОЛИ СОЧГАН КУЛГУ

Шафтоли шохидан сочилар кулгу,
Ўриклар оқ рангда очилган туйғу,
Илойим, куртаклар кўрмагай қайғу,
Тегрангда хуш ёқар насим елганда,
Сени қутлаб қўяй баҳор келганда.

Кўзларинг шундоқ ҳам мастона эди,
Юзинг лолаларга афсона эди,
Баҳор сени кўриб, «баҳорим», деди,
Бахт тилаб бошингда куёш кулганда,
Сени қутлаб қўяй баҳор келганда.

Қайтиб очилгайдир балки бу гуллар,
Қайтиб сайрайверар хушхон булбуллар,
Қайтиб келмайди-да, ахир бу кунлар,
Шеърдан шарбат тутиб дилим тўлганда,
Сени қутлаб қўяй баҳор келганда.





ТУШИНГИЗГА КИРГИМ КЕЛАР

Билармисиз, билмассиз, билгингиз келмайдими,
Изингизга бош уриб оҳим елар, малагим.
Билиб кўзга илмассиз, кўнглингиз тўлмайдими,
Тушингизга бир бора киргим келар. малагим.

Баҳор боғларни безар, болишимдан гул узар.
Олинг дейман, олмайсиз, нолишим дилни эзар,
Сиз парвойи фалаксиз, бу ғариб кўнглим сезар,
Тушингизга бир бора киргим келар, малагим.

Кўзим кошонангизда, орим остонангизда,
Кўчангизни куйдирган мен бир девонангиз-да,
Гулим, менинг ишим йўқ сизнинг дутонангизда,
Тушингизга бир бора киргим келар. малагим.

Тошиб кетган дарёлар, шошиб кетган дарёлар.
Қирғоғига риёлар ташиб кетган дарёлар,
Ортига бир қайрилса қилмишидан уёлар,
Тушингизга бир бора киргим келар. малагим.

Айтиблар куйдирасиз, изимни ойдан олсин.
Тўкилган дилим. Маҳмуд, тўзимни қайдан олсин,
Айтинг, қалбим сувратин навогар найдан олсин,
Тушингизга бир бора киргим келар. малагим.



КАПАЛАК

Изларингдан ўпай, капалак,
Кўзларингдан ўпай, капалак,
Фунчаларнинг лабидан томган
Сўзларингдан ўпай, капалак.

Бир жонимга минг битта жафо,
Гоҳи шоҳман, гоҳида гадо,
Сени гулдан, мени дилдордан
Айирмасин меҳрибон Худо.

Гулзор ичра изингдан чопдим,
Капалагим, сендан меҳр топдим.
Сен-ку, гулинг топдинг, мен нетай,
Ўз дилимдан ўтли дод топдим.

Гулдай гўзал гулим, капалак,
Сенга етмас қўлим, капалак.
Термиламан ортингдан маҳзун.
Кел, жонимга қўнгил, капалак...





БАҲОРИМ

Кўз очган куртаклар кўзимга чирой,
Булбуллар баёти сўзимга чирой.
Тоғда қолган қорлар. энди хуш қолинг,
Келдингми, мунисам, онам, кўкламой.
Биз сени соғиндик, эй хокисорим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?

Сенингсиз ёзни ҳам ёзлиги ёлғон,
Кузнинг этагига тўкилмас хазон,
Қишнинг эртагини ким ҳам тингларди,
Бағрида баҳорни кўрмаса омон.
Орази офтобим, кўзи хуморим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?

Ёмғирларинг бошқа, чақмоғинг бошқа,
Булутлар ярашган қабоғинг бошқа,
Чехрангдан айланай жоним, Момо Ер,
Ялпизлар ярашган ёноғинг бошқа.
Кўзларга сиғмаган гулим, гулзорим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?

Майсанинг, чечакнинг, гулнинг эгаси,
Ошиқлар ахтарган бахтнинг бекаси,
Мен сени ҳаммадан кўпроқ соғиндим,
Тўрт фасл ичинда кўнглим эркаси.
Топилган туморим, атрим, ифорим,
Сен ҳам бизни соғиндингми, баҳорим?



КЎКАРГАН КЎНГИЛ

Юрагим, йиғласанг ёшингни кўрай,
Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.
Қалдирғоч, кела қол, қошингни кўрай,
Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.

Энди ялпизларнинг япроғи ўсар.
Энди тиконларнинг тирноғи ўсар.
Дарёсини йўқлаб қирғоғи ўсар,
Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.

Ҳар дарахт бошини барглар силайди,
Дарди бор кўнгилни дардлар силайди.
Майсалар бешикка шабнам белаёди,
Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.

Ёмғирлар йиғлашиб шароб тутади,
Фунчалар булбулга гулоб тутади,
Онамни айвонда офтоб кутади,
Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.

Худойим, бандангман, бедор қил мени,
Болари бўлайин, дастёр қил мени,
Оятдай оромли ашъор қил мени,
Кўкарган кўнгилнинг кўклами келди.



СОҒИНДИМ

Кўз очган куртаклар ишонч тоғидир,
Эрта юз очажак Эрам боғидир,
Муҳаббат қалбимнинг бир чироғидир,
Соғиндим, баҳорим, соғиндим сени!..

Болари тушига гул кирган кеча,
Бўғотларни ёқиб йиғлар мусича,
Мен сени сўроқлаб ётдим тонггача,
Соғиндим, баҳорим, соғиндим сени!..

Ором қорлар билан эриблар кетди,
У қувнаб жилғанинг этагин тутди,
Ҳижрон ошиқларнинг жонидан ўтди,
Соғиндим, баҳорим, соғиндим сени!..

Тоғлар бағрига ҳам музлар ботади,
Келмасанг тошларни ким уйғотади?
Гул истаб, гул умрим маҳзун ўтади,
Соғиндим, баҳорим, соғиндим сени!..

Баҳорни соғинган андалиб гирён,
Андалиблар бир ён, мен ўзим бир ён,
Маликам, сен фақат Маҳмудга инон,
Соғиндим, баҳорим, соғиндим сени!..



БИЗ КУТГАН БАҲОР

Орзиқиб кутганим – кўкламим келди,
Кимни соғинтирмас, айтинг, бу баҳор.
Мен сизни, ўзимни қутлагим келди,
Ҳам тилда, ҳам дилда айтайлик такрор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Бол сўрар баҳордан боғи бор одам,
Ошиқдир дилида оҳи бор одам,
Паст кетмас кўксида тоғи бор одам,
Куртақлар кулгуси топмасин озор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Жомларга сиғмайди шодлик шароби,
Баҳор қўлларида гулнинг гулоби,
Хуш келдинг бошларга ором офтоби,
Қайси остонага ярашмас гулзор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.

Ҳар майса Худонинг ерга саломи,
Қайтган қалдирғочлар кўклам каломи,
Яшашга чорлайди яхшилар номи,
Хуш ният хуш ёқар айтсанг ҳам юз бор,
Бизга бахт келтирсин биз кутган баҳор.



БАҲОРГА ЕТГАНЛАР ОМОН БЎЛСИНЛАР


Куртаклар кулгусин сочади баҳор.
Кўнгиллар кўзини очади баҳор.
Қишнинг белбоғини ечади баҳор,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Орзиққан дилларнинг оразидек хуш,
Ғунчалар жилмаяр, булбуллар беҳуш,
Соғинчларин сочиб турналар сархуш,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Шафтоли гулласа уялган қиздай,
Лолалар латифдир ул анор юздай,
Ай гулим, дунёда ошиқ йўқ биздай,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Булутлар ортидан мўралаган ой,
Баҳорни соғинган, бирам ёқимтой,
Қайтган қалдирғочлар айвонга чирой,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.

Баҳор, бемор кутган малҳамдай ширин,
Баҳор, севдим деган алҳамдай ширин,
Маҳмудга қай фасл кўкламдай ширин,
Баҳорга етганлар омон бўлсинлар.



НАВРЎЗ ЁР-ЁРИ

Кўклам кўрки азалдан кўзга сиғмас, ёр-ёр,
Наврўз келса навоси сўзга сиғмас, ёр-ёр.

Сумалакнинг тошини тош деманглар, ёр-ёр,
Қув қизларнинг кўз ёшин ёш деманглар, ёр-ёр.

Сувдек сероб бўлурми жон чашмаси, ёр-ёр.
Ўлдирди-ку бу қизнинг карашмаси. ёр-ёр.

Бойчечакка бойланган кўнгил қани, ёр-ёр,
Вай. бегона ёнида кўрдим сани, ёр-ёр.

Қат-қатгина қатлама, қатин очинг, ёр-ёр,
Куйдим деган куёвнинг хатин очинг, ёр-ёр.

Гулни гулдек асраган кам бўлмагай, ёр-ёр,
Қалдирғочга кўшк берган ғам кўрмагай, ёр-ёр.

Кўклам кўрки азалдан кўзга сиғмас, ёр-ёр.
Наврўз келса, навоси сўзга сиғмас, ёр-ёр.





БУНЧА ГҮЗАЛ БУ ҲАЁТ

Хуш келибсан, хушрўйгинам, хуморим,
Кимлар етиб, ким етмаган баҳорим.
Дарди борга дармон бўлиб келгансан,
Гулга ўра юракдаги озорим.
Булбулда йўқ бўғзимдаги бу баёт,
Оҳ, бунчалар гўзал экан бу ҳаёт.

Уч ойгина кўзимизга меҳмонсан,
Қишни қувиб ўзинг ёзга мезбонсан,
Умр ғалат, келганки бор кетаркан,
О баҳорим, наҳот қузда хазонсан.
Сен армонсан, сен дармонсан, сен нажот,
Оҳ, бунчалар гўзал экан бу ҳаёт.

Соғинганим, соғинтириб келдингми,
Чиройингга сиғинтириб келдингми.
Онам қўлин қўмсаганди сочларим,
Сабо бўлиб бошгинамда елдингми,
Қўшиғимга, қувончимга бўл қанот,
Оҳ, бунчалар гўзал экан бу ҳаёт.

Қарғалар бор кўрмоқ истар заволинг,
Ёмонларни тутгай сенинг уволинг,
Менинг майсам, менинг ғунчам, чечагим,
О баҳорим, кўргим келар камолинг,
Дилинг асра, гулинг асра, одамзод.
Оҳ, бунчалар гўзал экан бу ҳаёт.



КУРТАГИДА КУЛГУ БОР

Чинорларни чимчилаб туймайди еллар.
Ҳар гулни бир ўпмаса қуймайди еллар.
Унмасалар ундириб, ўйнайди еллар.
Куртагида кулгу бор, баҳор, болажон.
Тилагида туйғу бор, баҳор, болажон.

Улғаюрсан, сенинг ҳам ўз боғинг бўлгай,
Алвон-алвон лолалар чироғинг бўлгай,
Тилин топсанг, майсалар ўртоғинг бўлгай.
Дунё тоза, сен каби наҳор, болажон.
Бешигининг бошида баҳор, болажон.

Билсанг, қушлар қанотин қарзга бермагай,
Ерда юриб, ҳеч кимса юлдуз термагай,
Ирмоғи йўқ дарёлар ханда урмагай.
Ирмоқ бўлсанг — изингда гул бор, болажон.
Гулда эса булбулдек қул бор, болажон.

Кўзларингга кулгуни куртаклар берсин.
Юзин кўрма, қайғуни курмаклар терсин,
Ўғлон берсин, элга шерюраклар берсин.
Умринг тилаб битганим ашъор, болажон.
Қутлуғ бўлсин сенга илк баҳор, болажон.



ҚАЛБИҢГДА БАҲОРИҢГ БОР

Адолат остонасин боссанг, товонинг куйгай,
Ҳақиқатнинг китобин кўйсанг, жавонинг куйгай,
Кўлинг етмас юлдузга кўйма, нарвонинг куйгай,
Сен ерда депсинмагин, бошда осмонинг куйгай.

Қариндошда қонинг бор, қаролик қила кўрма,
Жароҳатни кесгайлар, яролик қила кўрма,
Гар илон ёниласан, сиполик қила кўрма,
Жафонинг жабри ёмон, аввал ўз жонинг куйгай.

Миннатсиз бўлса луқманг, бил, шифо ошингдадир,
Дуо дилдан айтилса Ҳумо ҳам қошингдадир,
Ўзни унга топширсанг Худойим бошингдадир,
Иймонинг ўзинг бирла бўлса шайтонинг куйгай.

Саодат султонисан, илмингга амал қилсанг,
Виждонинг эркин қушдир, нафсингни қамал қилсанг,
Уйингни хоқонисан, меҳрингни тамал қилсанг,
Рўзғоринг рўшно эмас, қизу ўғлонинг куйгай.

Чирманда жарангида оловнинг овози бор,
Тоғларга ошиқ бўлса – бургутнинг парвози бор,
Қироат Қуръонга хос, Тангрининг ўз сози бор,
Қиблангдан адашсанг гар, руҳи равонинг куйгай.

Қалбингда баҳоринг бор, хазондан кўрқмагайсан,
Юрар йўлингни билсанг, тўзондан кўрқмагайсан,
Яхшисан агар, Маҳмуд, ёмондан кўрқмагайсан,
Сен тўғрисин сўзлайвер, бўзлаб ёлғонинг куйгай.



БАҲОР БЕРАР БИЗ КУТГАН БАХТНИ

Ёлгон сўзлаб бўлмас баҳорда,
Дилга жойла шижоат, шахтни.
Яратгандан сўра наҳорда,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Майсаларга инимсан, дегин,
Бинафшага ширинсан, дегин,
Лолазорлар қошига келгин,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Сен тонглардан тумор тилагин,
Хуш елларни хумор тилагин,
Турналардан такрор тилагин,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Қалдирғочлар айтими айт,
Қумриларнинг қайtimi айт,
Булбулларда асли баҳри байт,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Қизғалдоқлар афсунгар олов,
Тутамайин ёнади лов-лов,
Сен ундан ҳам сўра-да, бирров,
Баҳор берар биз кутган бахтни.

Ишонмасанг, бобонгдан сўра,
ДуоСИ дур момонгдан сўра,
Биз баҳорга етдик-ку, жўра,
Баҳор берар биз кутган бахтни.



НАВРЎНИ ЕТАКЛАБ КЕЛАДИ БАҲОР

Тоғларнинг бағрида қори бўлса ҳам,
Аёзнинг айтажак зори бўлса ҳам,
Қарғаларнинг ҳали қори бўлса ҳам,
Қишни бешигига беледи баҳор.
Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Дарахтлар шохиди кулар куртаклар,
Ғунчалар лаб очар, гулгун тилаклар,
Юлдузлар кўзидан тўкиб эртақлар,
Қуёшнинг юзини силади баҳор.
Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Севгининг муборак садоси бўлиб,
Булбулнинг айтажак навоси бўлиб,
Ошиқ юракларнинг гадоси бўлиб,
Туташган кўзларда кулади баҳор.
Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Туёқларин майса ўпган тулпорлар,
Ой юзидан орзу терар бедорлар,
Кокил ташлар мажнунтоллар, дилдорлар,
Ирмоқлар торини чалади баҳор,
Наврўзни етаклаб келади баҳор.



БАҲОР ҶЗИ АЛДАМЧИ

Гул иси гулданаи хуш,
Жонингни қилар сархуш.
Бўзлашсак бўзлашайлик,
Кел, булбул, ёнимга туш.

Тилдан дуо тўкаимиз,
Дилларга гул экаимиз,
Ифори чорлаб турса,
Ялпизга тиз чўкаимиз.

Капалакнинг қаноти —
Бу баҳорнинг баёти.
Илдизида жилмаяр
Чинорларнинг саботи.

Майсадан мурод нима,
Ям-яшил ҳаёт нима,
Шабнамни ичиб қўйган,
Офтобдан қилдим гина.

Доғга нима бор ойда,
Қуёш қўрғони қайда?
Баҳор ўзин кўрсатур
Чақмоқдаги чиройда.

Баҳор ўзи алдамчи,
Аввал томдирди томчи,
Олқиш отсам осмонга,
Ёмғирин қилди қамчи.



БЕК БЎЛАДИ БИЗНИНГ БОЛАЛАР

Бек ўтганлар боболар ҳам,
Сувдек сероб донолари ҳам,
Қўллаб турса яратган эгам,
Бек бўлади бизнинг болалар.

Аввал одам дилин билади,
Кейин тупроқ тилин билади,
Изларида қуёш кулади,
Бек бўлади бизнинг болалар.

Темур тутган туғнинг остида,
Қуръон тутиб яшар дастида,
Аждодининг ори аслида,
Бек бўлади бизнинг болалар.

Муҳаббати кўзларда чироқ,
Юзларига офтоб яқинроқ,
Эр йигитга мардлик муҳимроқ,
Бек бўлади бизнинг болалар.

Юртин асрар жонин тафтида,
Жон керакми, тутар кафтида,
Мангу бахт бор мардлар мадҳида,
Бек бўлади бизнинг болалар.



ЎЗБЕКМИЗ

Меҳмон деса ойдек тўлиб,
Кундек кулган ўзбекмиз.
Бир майизни қирққа бўлиб,
Кўнгил тўлган ўзбекмиз.

Ётни етти сийлаб айтган,
Ўз юрагин ийлаб айтган,
Андухини куйлаб айтган,
Дилни тилган ўзбекмиз.

Нақшбандлар, Яссавийлар,
Қабрида ҳам имон гуллар.
Биз Аллоҳга содиқ қуллар,
Ўлмай ўлган ўзбекмиз.

Темурдек бир султони бор,
Юлдуз йиғлар осмони бор,
Абдулатиф – нодони бор,
Ордан ўлган ўзбекмиз.

Кўнгил ўртар навосида,
Ҳатто дард бор сабосида,
Моҳларойим видосида,
Гулдек сўлган ўзбекмиз.

Юрагига дардин михлаб,
Асрлардан зиёд ухлаб,
Уйғонганинг қуяй қутлаб,
Ўзни топган ўзбекмиз.

Хаққа етди хитобимиз,
Истиқлол нур, офтобимиз,
Дунё кўриб шитобимиз,
Туғда кулган ўзбекмиз.

Кўнгил эрдан кетар тўлиб,
Куёш қутлар ҳар тонг кулиб,
Энди бир жон, бир тан бўлиб,
Сафда турган ўзбекмиз.

Тошни тилар қадамимиз,
Дўст дардининг малҳамимиз,
Ҳурлик абад ҳамдамимиз,
Худо берган ўзбекмиз!





ЭЛ

Сипоҳи ситамгардир, султонни суймайди эл,
Беному нишон кетсанг кетарсан, куймайди эл.
Оқилсан, магар дилда вафонинг жоми бордир.
Сипқорар умринг тилаб, қўлидан қўймайди эл.

Адолат ортидаги оввора одамни кўр,
Орият оромидан чўғланар кўзларда кўр.
Муҳаббат боғида гар бўлолсанг булбулга жўр,
Ошиқлик даъво этсанг, ёлғонга йўймайди эл.

Узилган япроқ оҳин кўтаргувчи ер бўлур.
Ўргимчак ўйлабмиди, каромати тўр бўлур,
Чумоли жафосича манглайингда тер бўлур.
Топганинг буюргайдир, тўйингда тўйлайди эл.

Умримнинг уммонида дур эмас, сўз ахтариб,
Топганим сайин билдим кўнглима бунча ғариб,
Тангрининг каломидир гўзал Қуръони шариф.
Шу боис тилда такрор, сўзига тўймайди эл.

Бир осмон остидамиз, бир замин устидамиз,
Ҳар кунга меҳмонмиз-у, бир-бирнинг қасдидамиз,
Эл ичра киммиз ўзи, сўрдикми аслида биз,
Хас оёқ остидадир, улуғин ўйлайди эл.

Жон ичра жоним йўқдир, ўзга маконим йўқдир,
Ватансиз жаннатда ҳам сурар давроним йўқдир,
Шоирман аё, Маҳмуд, сўзда ёлғоним йўқдир,
Саховат саркоридир, султонни сийлайди эл,
Беному нишон кетсанг, кетарсан, куймайди эл.



КЕЧАГИ КУН

Кимлар учун кетмас даврон – кечаги кун,
Кимлар учун мангу армон – кечаги кун.
Янги кундан, янги йилдан умидлар мўл,
Вале, энди қайтмас меҳмон – кечаги кун.

Янги аср остонадан одимлайди,
Кимни дунё, кимни унда бахт имлайди,
Аммо менинг юрагимни тимдалайди,
Қўлдан кетган битта имкон – кечаги кун.

Бозорларда молин эмас, дилин сотиб,
Кимлар кетди диёнатин, элин сотиб.
Шояд бизга инсоф берса тонглар отиб,
Қадринг кимлар қилди яксон кечаги кун.

Одамзодни орзулари етаклайди,
Яхши ўздан, ёмон сендан ўпкалайди.
Уйғотолса ҳар кўнгилда бахт ухлайди,
Кимдан рози, кимдан гирён кечаги кун.

Оқил сенинг ёдингга ҳам гул тутгайдир,
Тузинг тотиб жоҳил зумда унутгайдир.
Сенсиз ахир эртасини ким кутгайдир.
Биздан кулиб кетган меҳмон – кечаги кун.



БОБУР АРМОНИ

Ҳинд элида юрт соғинган кўзим йиғлар,
Андижоним, дея бунда сўзим йиғлар,
Ёронларим, қаро бўлган юзим йиғлар,
На-да ўзим, юракдаги тузим йиғлар.

Шоҳман бунда, аммо чўзсам етмас қўлим.
Наҳот, энди кўролмайман туркий элим,
Қовунлари тушларимда тилим-тилим,
Шарбатлари кўздан оқиб кузим йиғлар.

Йигитликнинг тулпорида учиб юрдим,
Ёрни эмас, аламларни кучиб юрдим,
Ўз элимда бегонадай кўчиб юрдим,
Самарқандда қолган ўчмас изим йиғлар.

Тушларимда Мир Алишер қўлин олдим,
Айрилиқда Ватан дардин шеърга солдим,
Хато қилдим, ёт элларда нечун қолдим,
«Сабр таги олтин» бўлса, тўзим йиғлар.

Бўлгунимча Ҳиндистонда Бобур Мирзо,
Юрсам эди Андижонда булиб гадо,
Охиратим обод айла ўзинг. Худо,
Наҳот энди ўғлим йиғлар, қизим йиғлар.



ЭЛДА БЎЛСИН

Кимдир хушнуд давлатининг донғи билан,
Кимлар сархуш ибодатли тонги билан,
Одам азиз бу дунёда онги билан,
Хуш ният қил: дилда бўлсин, тилда бўлсин,
Тилаганинг энг аввало элда бўлсин.

Ўз ерингни ёмон десанг, яхшинг қани.
Қадрига ет пойингдаги гул, чаманни,
Шу Ватан-ку азиз қилган сану мани.
Тупроғин ўп, дала, дашту чўлда бўлсин,
Қут-барака энг аввало элда бўлсин.

Бегоналар боғларингда боғбон бўлмас,
Нолиш билан мушкулларинг осон бўлмас,
Юз йил тилан, тер тўкмасанг, тўрванг тўлмас.
Аллоҳ берсин, сенда бўлсин, менда бўлсин,
Дуо қилгин, энг аввало элда бўлсин.

Қадринг учун қўлни қўлга боғлаб яша.
Эркинг учун ўзни жангга чоғлаб яша.
Юз йил яша, душман кўнглин доғлаб яша,
Элим деган мард яроғи қўлда бўлсин.
Тинч-омонлик энг аввало элда бўлсин.



ОНА

Меҳрингиз булоғи уммонга ўхшар,
Сўзингиз малҳами Луқмонга ўхшар,
Жон она. кўрмасам, кўзларим қақшар,
Кўзим чироғида парвонам менинг.

Сизга қиёс йўқдир, қиёслар ожиз,
Битта не, ўн бўлса қуёшлар ожиз,
Кўнглимнинг гавҳари нурланган ҳаргиз,
Бу мулки борлиқда яғонам менинг.

Оппоқ сочларингиз тоғларга рўмол,
Дилингиз муаттар райҳонга хаёл,
Тилингиздан томар бахт, иқбол, камол,
Камолимни кўриб, мастонам менинг.

Изимдан бир ширин дуо ўқилса,
Кўзимдан йўлимга қувонч тўкилса,
Зиёга йўғрилган бир шеър тўқилса,
Онам дуодадир — жон онам менинг.

Онажон, не қилдим, мен қирқдан ошиб,
Ҳамон меҳрингизни кетаман ташиб,
Дилим тўлиб борар кўзимдан тошиб,
Ахир ўлчанган-ку, умрим ҳам менинг.

Субҳи содиқ бўлиб сочингиз силай,
Умри фидо бўлиб, умрингиз тилай,
Она, кўзингизда қуёшдай қулай,
Бош урсам Маккамсиз, Мадинам менинг.




БОЛАЖОН

Кўзларимдан тўкилган нуримдирсан, болажон,
Юрагимдан тўкилган қўримдирсан, болажон,
Бир ниҳолга тунда ой, кундуз қуёш парвона,
Қалбим дарё. сен ирмоқ, жўримдирсан, болажон.

Меҳримнинг бешигида эъзоз топган қўзимсан,
Соғинчим эшигида кулиб турган кўзимсан,
Сенга қиёс не даркор. жон-жаҳоним. ўзимсан,
Ҳурлар ичра сен ўзинг. ҳуримдирсан, болажон.

Ҳеч ким мендан сўрмади, давлатингиз борми, деб,
Сўрдилар фарзандларим. тан-сиҳатлик ёрми, деб,
Меҳримни тақиб қўяй бўйнингга тумор этиб.
Бу дунёдан топганим. дуримдирсан, болажон.

Яратгандан туну кун мен бахтингни тиларман,
Оқибатдан яралган бир тахтингни тиларман,
Элим, десанг тил куйган бир аҳдингни тиларман,
Маҳмуд айтар, қаторда норимдирсан, болажон,
Йўқлик сари кетсам мен боримдирсан, болажон.



ДАВЛАТИМ ДУРИ ОНАМ

Ийманиб сўзлайдиган,
Кунглида куйлайдиган,
Ўзини унутса ҳам
Фарзандин ўйлайдиган.

Давлатим дури онам,
Дийдамнинг нури онам.
Вафонинг васлидай хуш
Меҳрнинг қури онам.

Зийнати зилолимсиз,
Ҳиммати ҳилолимсиз.
Жилмайган жоним мани.
Маъюс мажнунтолимсиз.

Шодлигим шаҳди онам.
Давроним тахти онам.
Беминнат беоромим.
Беклигим бахти онам.

Баҳорга бермас боғим,
Садоқатда сабоғим.
Юрсам йўлим ёритган
Жонимдаги чақмоғим.

Сийратли, сирли онам,
Нияти нузли онам.
Маҳмудни шоир қилган
Дуоси дурли онам!



ШИФО СЎРАДИМ

Дунёда энг тоза сўзни қидириб,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.
Юзимдан кўзимнинг ёшин сидириб,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.

Тиз чўкдим энг аввал ёлғиз Худога,
Дард берган қодирдир ўзи давога.
Ёлбордим ҳам яна Момо Ҳавога,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.

Ирмоқлар, илтижо бўлиб оқингиз,
Турналар бошида қанот қоқингиз,
Азоблар, оғриқлар мени чақингиз,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.

Оппоқ сочларида поклик жамоли,
Жони чирқиллар-у, тилида боли.
Тўрт фарзанд қошида биз қадди доли,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.

Тангрига яқинсиз ою юлдузлар,
Ҳар бемор эрта тонг қуёшни излар.
Бўғзимда қабарди нола-ю бўзлар,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.

Булбуллар, бир нафас гулни унутинг,
Дунёда бор гулни Тангрига тутинг,
Маҳмудга жўр бўлинг, додига етинг,
Онамнинг дардига шифо сўрадим.



ОТАМНИНГ СЎЗИ

Деразадан тушган нурда, ўғлим, менинг кўзим бор.
Элга қилган савобингда билки ёруғ юзим бор,
Гар ғафлатдан йироқ эрсанг, вужудингда ўзим бор.
Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,
Ким ортингдан дуо қилса, мен изингда яшайман.

Бандасидан кўрқма, болам, кўрққин фақат Худодан,
Юкунмагин сен ҳар касга, шафқат тила Аллоҳдан,
Рости, ўлмоқ — кулиб кетиш бу ёлғончи дунёдан,
Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,
Дилинг, тилинг бир бўлса гар мен сўзингда яшайман.

Фарзанд инсон ортидаги ёниб қолган чироқдир,
Чироқ ёқсанг, парвонаман, руҳим менинг уйғоқдир,
Сен унутма, охиратда ҳар дақиқанг сўроқдир,
Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,
Жондан азиз суйган ўғлинг ҳам қизингда яшайман.

Умр ўзи оқар дарё, тўғони бу ўлимдир,
Қаро ерга бўш келган менинг икки қўлимдир,
Бу дунёда шеър гадоси Маҳмуд менинг ўғлимдир,
Болам, отам ўлган дема, мен ўзингда яшайман,
Ҳалол бўлса топган нонинг, мен тузингда яшайман.



ОНАМ БИЛАН КЕТМОН ЧОПГАН АЁЛЛАР

Борга боқмай, йўқни йўқлар хаёллар,
Онамдек бокира офтобжамоллар,
Кўргим келиб тўрт тарафга термилдим,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Бир туп райҳон қошида юз тиз буккан,
Йиғи келса ялпизларга дил тўккан.
Қўлингиз гул, райҳон эккан, гул эккан,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Пешонангиз тери томган Момо Ер,
Қайда қолди фариштадек момом дер,
Қалдирғочлар қўлингиздан таом ер,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Бу дунёнинг кори сира битмаган,
Тақдир сизга не юмушлар тутмаган,
Дилингиздан айтинг нелар ўтмаган,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Сочларингиз қорлардан ҳам оқ бугун,
Кўнгил ярим, кўнгил бунча тоқ бугун,
Ўнингиздан тўққизингиз йўқ бугун,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Ёвин кўрса ҳатто йўлбарс ўкирар,
Битта кетмон бир эркакни чўктирар,
Изингизда не чаманлар гуркирар,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Бир ўғилмиз, мингта ўғил, хўш, нима,
Кўрмаганмиз бизлар ахир қўш нима,
Гоҳо ойлаб кўрмаганлар гўнгт нима,
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Сиз – Ватаннинг юзидаги ёғдуси,
Сиз – Тангрининг тўкилмаган туйғуси,
Кетмон бетин куйдирган гоҳ қайғуси.
Онам билан кетмон чопган аёллар.

Шойи сотиб, алп йигитлар шод келар.
Маҳмуд каби кўп шоирлар мот келар,
Дил тубидан, билмам, қандай дод келар,
Онам билан кетмон чопган аёллар.





ҚАДИМ СЎЗ

Қадим боболардан қолган қадим сўз,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.
Менинг ҳам бўғзимни ўртайди шу бўз,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Тишлаган бурда нон – тишга насиба,
Ерга тушган увоқ – қушга насиба,
Кун битса қултум сув бўлмас насиба,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Бойлигинг бошингга болиш бўлмайди,
Ким айтар, кўзингга тупроқ тўлмайди,
Тобутда Искандар қўли йиғлайди,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Отгучи ҳар тонгда умид юз очар,
Тириксан, бошингда қуёш нур сочар,
Ҳасадгўй, хасисдан барака қочар,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Инсонсан, ҳар жонга вафолар қилгин,
Тошни тош билмагин, садолар қилгин.
Дуо ол, ўзинг ҳам дуолар қилгин,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.

Кўз очсанг, кўзингда меҳрлар кулсин,
Сўз очсанг, сўзингда сеҳрлар кулсин,
Маҳмуд, савоб билан изларинг тўлсин,
Ҳаммадан қолади бу кўҳна дунё.



КЎРМАНГИЗ

Тоза тилакларга бешиқдир дунё,
Очолсанг, жаннатга эшиқдир дунё,
Ҳофизин ахтарган қушиқдир дунё,
Бир калом айтайин, камлик кўрмангиз,
Дўсту ёронларни гамли кўрмангиз.

Қуёшнинг қатраси ерни ёритар,
Бир чимдим меҳрингиз дардни аритар,
Қувонч ёшартирар, қайғу қаритар,
Қувонч қувиб юрсин, ҳеч гам кўрмангиз,
Қайғудан қартайган одам кўрмангиз.

Ситамнинг салмоғи оғирдир тошдан,
Қилич ҳазар қилар эгилган бошдан,
Оқибат ахтарманг совиган ошдан,
Илло, луқмангизда курмак кўрмангиз,
Дарёга дил очинг, қўлмак кўрмангиз.

Ўлгунча вафоли бўлурми жўранг,
Тегмасалар қонаб кетмайди яранг,
Чумоли бир донни топганда аранг,
Чумчуқлар жилмайса хандон урмангиз,
Дунёда ҳеч жонни нолон кўрмангиз.

Болтанинг болиши – қассоб кундаси,
Ой асли кўкнингмас, туннинг хандаси,
Ақлнинг чиройи – гапнинг лўндаси,
Кўнгил осмонида туман кўрмангиз,
Яхшилар ичинда ёмон кўрмангиз.



ҲАЁТ

Тонгдаги тиловат тотидек,
Зиндонга қўйилган шотидек,
Хушқилиқ боламнинг отидек.
Оҳ, бунчалар ширинсан, ҳаёт.

Кимдир тотли таомидан хуш,
Кимдир зарин кўриб ётар туш.
Оқил ўзин ақлидан сархуш,
Бунча ширин, гўзалсан, ҳаёт.

Боғларга сифмаган баҳордек,
Атиргул етказган озордек,
Табибга зорланган бемордек,
Мамнунсан, маҳзунсан сен, ҳаёт.

Мажнуннинг ишқ тўла кўзидек,
Нон топган гадонинг юзидек,
Бир келган Хизрнинг изидек,
Сирлисан, нурлисан, сен, ҳаёт.

Ҳеч ким ёвгон ошагиси йўқ,
Ҳеч ким ёмон яшагиси йўқ,
Вале бири очдир, бири тўқ,
Меҳринг кўпми, қаҳринг эй, ҳаёт?

Худо деган — худога яқин,
Ёруғ одам — ердаги ёлқин.
Ким бўлибди Маҳмуддек оқин,
Энг гўзал шеър ўзингсан, ҳаёт.



ЎЗИМГА НАСИХАТ

Офтоб сенга эргашиб юрсин,
Иззат изда нур ташиб юрсин,
Булбул бўлгин қафас кўрмаган,
Гуллар сенга гул ташиб юрсин.

Бу дунёси — беш кунлик, дема,
Берган ризқин беш кунда ема,
Қуш учмаса осмонга увол,
Кимга керак уммонсиз кема?!

Саломингда саодат бўлсин,
Каломингда каромат бўлсин,
Бандангман де, худо хушласин,
Хуш ниятинг ижобат бўлсин.

Одамлар бор — бахтинг тилайди,
Одамлар бор — итни талайди,
Яхши одам тамасиз яшаб,
Оғир кунда кунга ярайди.

Қуёшга боқ, кулишни ўрган,
Ойга қара, тўлишни ўрган,
Маҳмуд бўлсанг ерни кўриб юр,
Ўлмай туриб ўлишни ўрган.



УСТИНА

Кўнгил баҳорга талпинур,
Баҳор чиқмас қор устина.

Қарға-зоғлар қор қўйнида,
Тош отур баҳор устина.

Куклам келиб куртак кулса,
Тўн ёлур чинор устина.

Юлдузларнинг ёғдулари
Тўкилмиш бедор устина.

Майсалар ҳам олқиш айтур.
Мард чиқса тулпор устина.

Магар қўлда лангари йўқ,
Дорбоз чиқмас дор устина.

Сабр аҳли султон бўлур,
Рост келса инкор устина.

Худо умр берса, Маҳмуд,
Шеър сочар баҳор устина.



ЁРИШГАН ЙЎЛ СЎРАЙМАН

Қувончимнинг қатида кўкарган гул истарам,
Армонимнинг ортидан йиғлаган дил истарам.
Диллар ичра бир кимса юрмаган йўл истарам,
Кўзни юсам, кўз очган дил сўрайман. Аллоҳим,
Юрган сари ёришган йўл сўрайман, Аллоҳим.

Сен деб йўлга чиққанни йўлга ташлаб кетмайсан,
Яхшиларни янтоқдек чўлга ташлаб кетмайсан,
Саждангда сарғайганга оби зам-зам тутгайсан,
Кўнгил берсанг кўкига тоғ бергайсан. Аллоҳим,
Жисм берсанг жонини соғ бергайсан, Аллоҳим.

Бу дунёнинг бағрида қадам етмас жойлар кўп,
Умр бўйи оҳ урсам нолам етмас жойлар кўп,
Ўз доғидан ўзлари ор қилгувчи ойлар кўп,
Офтобинг алқаганга нур бергайсан, Аллоҳим,
Қалб тубига кул бўлмас кўр бергайсан. Аллоҳим!

Бу дунёни бозор деб келгувчи ҳам кўп экан,
Бу дунёни мозор деб ўлгувчи ҳам кўп экан,
Ла илаҳа иллоллоҳ, дея олса ҳўб экан,
Беҳишти муборақдан гул тиландим, Аллоҳим,
Қабримга ҳам бир чимдим нур тиландим, Аллоҳим.



ОМАДИН ОЛМА

Кўнгилнинг тубини кўзгу кўрсатмас,
Қизарган йигитни кўзгуга солма.
Худойим, омад бер ҳар бир йигитга,
Отини олсанг ҳам омадин олма.

Яйраса ярашар йигит зотига,
Қувонч қувиб юрсин. дуодан толма,
Тоғни толқон қилсин элнинг корида,
Сочлари оқармай қоматин олма.

Муҳаббат меросдир Одам Атодан,
Момо Ҳаволарим қайғуга солма.
Севилиб яшасин, севиб яшасин,
Жонини олсанг ҳам, жононин олма.

Ҳар фарзанд умрнинг узун йўлидир.
Ўзбегим бешиги, сира бўш қолма.
Йигит тиззасида ўғли ўтирсин,
Элга мардлар керак, полвонин олма.

Аллоҳим, кўзини тўқ қил йигитнинг,
Бир нафси йўлида юз кўйга солма,
Бергувчи ўзингсан. олгувчи ўзинг,
Орини олмагин, омадин олма.



МУҲАББАТ ЯШАР

Сабрнинг сарғайган сувратларида,
Ҳаёнинг хушдан хуш ифбатларида,
Ҳижроннинг куйдирган кулфатларида
Муҳаббат яшайди, муҳаббат яшар.

Севилсанг малика ва ё султонсан,
Севолсанг қуёшсан, ойсан, осмонсан,
Мажнунсан, Лайлисан, ошиқи жонсан,
Муҳаббат яшайди, муҳаббат яшар.

Қизғонгин, қизғонсин, рашкни рад этма,
Дил тўлса кўз тўлар, ашкни рад этма,
Унутсанг унутар, ишқни рад этма,
Муҳаббат яшайди, муҳаббат яшар.

Кузнинг кафтларида баҳор шарбати,
Кафтларга сифмайди ишқнинг давлати,
Ошиқлар — дунёнинг битмас зийнати,
Муҳаббат яшайди, муҳаббат яшар.

Сен борсан, мен борман, севишганлар бор,
Севган бандасидан Аллоҳ умидвор,
Ошиққа дунёмас, тилагин дийдор,
Муҳаббат яшайди, муҳаббат яшар.



МУҲАББАТ ШЕВАСИ


Хаёлимда барқ урган гуллар атридан мастман,
Бир ўт ёнар жонимда, бўлдим оташпарастман,
Осмонларга осилган гадо чўзган бир дастман,
Бармоқларим шивирлар муҳаббат шевасида.

Қалдирғочнинг кўзлари – ошиқларнинг ойнаси,
Тонгда куйга айланмиш булбулларнинг гинаси,
Тўлқинга тўш урганда ёнар оққуш сийнаси,
Жонимиз бир эмасми бу ишқнинг кемасида.

Атиргул игнасига осилиб қолган жоним,
Лолазорларни ёқиб юборгай қатра қоним,
Тиканзор ичра тойиб сўрар сўнгги имконим,
Бир қулга кор йўқмикин шу қизнинг эгасида?

Тошни тилсанг товланар минг бир рангда армони,
Тўрвасидан тўкилиб қолгандек гадо нони,
Маҳмуднинг оҳи ёқгай бу ёлғончи дунёни,
Кулолнинг армони бор пиёла чегасида.

Бармоқларим шивирлар муҳаббат шевасида...



ИШҚ УВОҒИ

Чопар ирмоқлардан сўрдим, тўхтамас,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним,
Сув тугган сулувлар сенга ўхшамас,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

Тиконлар тилидан новвотлар сўриб,
Жонзотлар юрибди қандини уриб.
Мен нима кўрибман дунёга келиб,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

Сендек ой ортидан овворадирман,
Бир дарддан жигари минг порадирман,
Фариштам, мен сенга ёлворадирман,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

Хазонлар ҳасрати кузга армонми,
Қуёш ҳам мен каби куйгувчи жонми,
Сенга рост бу дунё менга ёлғонми,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.

Жон надур, тош куйгай ишқ увоғидан,
Бир бўса талабман ёр дудоғидан,
Шу телба Маҳмуднинг кеч гуноҳидан,
Тўкилган дилимни тўлдиргин, жоним.



МАЛИКАМ

Ҳар кунимдан бир сабоқ қолар,
Қадрингга етмадим, маликам.
Олса жоним шу гуноҳ олар,
Қадрингга етмадим, маликам.

Тунлар дилинг кўз ёшга ботиб,
Тонглар турдинг хандалар отиб.
Сени шундоқ қўйдим йўқотиб,
Қадрингга етмадим, маликам.

Умринг тиламаган тил заҳар,
Сочинг силамаган қўл қақшар,
Сен учун дунёда ким яшар,
Қадрингга етмадим, маликам.

Жуфт қалдирғоч бахтдан ин қурса,
Тикан гулни эркалаб турса,
Бу дунёда бир бахтсиз юрса,
Ўшал менман. ишонгил, эркам.

Армон бошда болишим бўлиб,
Ичган ошим нолишим бўлиб,
Ҳижрон қолди хонишим бўлиб,
Қадрингга етмадим, маликам.



БУ КЕЧА

Бу кеча шундай кеча, кўнглим дарёдир маним,
Қаро тун, қаро кулбам кундан зиёдир маним,
Шул санамга, ёронлар, жоним фидодир маним,
Бу кеча шундай кеча, оҳим садодир маним.

Болишимга томган ул, ёр ашкин селобими,
Лабларимда қотган ул, ёр лабин гулобими,
Ваҳ, жонимни олган ул, жон деган хитобими,
Бу кеча шундай кеча, туним яллодир маним.

Ой юзига юз босиб, ойга бойландим ўзим.
Минг гадо қўли етмас бойга айландим ўзим,
Яратгандан тиларман жисму жонимга тўзим,
Бу кеча шундай кеча, сўзим сабодир маним.

Бу кеча шундай кеча, тонглар керакмас менга,
Висол лаззати рангин, ранглар керакмас менга,
Барча ағёрлар мағлуб, жанглар керакмас менга,
Бу кеча шундай кеча, умрим адодир маним.





ГУЛОЙИМ

Гулкосада бир коса гулоб қуинг, Гулойим,
Косангизда нимкоса меҳр бўлсин, илойим.
Гина қилманг, гинада гумоннинг гарди бордир.
Бегингизнинг белида белбоғи бор. Гулойим.

Бу дунё ширинлиги тилингизнинг болидан,
Латифлик лол, лобарим, лабингизнинг холидан,
Алифнинг қадди долдир айро тушса золидан.
Булбул қачон гулига бўлмабди зор, Гулойим.

Ҳуснингизнинг жилоси дунёдаги рангда йўқ,
Кул қилиблар кулдингиз, создаги жарангда йўқ.
Сабримизнинг садоси ерда бор, оҳангда йўқ.
Ошиқларнинг оҳидан яралган тор, Гулойим.

Гулкосада гул бўлган юзингиз адосиман,
Қошингизга кул бўлган қалдирғоч садосиман.
Маҳмудман, маконим йўқ, кўчангиз гадосиман,
Гулкосада қалқиган қалбимиз бор. Гулойим,
Қуёшимсиз, бошимга ёғмайди қор, Гулойим.



ЗОРИМИЗ ТИНГЛАМАЙСИЗ

Дарёларни тоширган сочларингиз тўлқини,
Жисму жоним ёндирган кўзларингиз ёлқини,
Ёр, менинг оҳиммикин самоларнинг чақини,
Наҳотки билмагайсиз, тилаб тоқатлар толгай,
Зоримиз тингламайсиз, зўримиз кимлар олгай.

Овора бу жонимиз, садпора бу жонимиз,
Кўз ёшда оқиб кетса бечора бу жонимиз,
Уволдан қўрқмасмикин, ваҳ, сиздек жононимиз,
Лолалар узсангиз, ёр, бандида қоним қолгай,
Зоримиз тингламайсиз, зўримиз кимлар олгай.

Ел бўлиб юзингиздан ўпгимиз келиб кетар,
Дардимиз ирмоқлари сиз – гулга қачон етар,
Бизнингдек ошиғингиз дунёдан ўксиб ўтар,
Бу дилгир юрагимиз бир ҳазин куйлар чалгай,
Зоримиз тингламайсиз, зўримиз кимлар олгай.

Қон дилини бу Маҳмуд, айтинг, кимга ёрадир,
Ўртада Қоработир бўлган юзи қорадир,
Сабримизнинг косаси тошиб-тошиб боради,
Тилаймиз, дилингизга Яратган раҳм солгай,
Зоримиз тингламайсиз, зўримиз кимлар олгай.



ЖИЛМАЙСА ЖАМОЛИНГИЗ

Чертиб айтсак, чиннингизнинг жилоси тўкилмасми,
Бир силасак, бармоғингиз хиноти тўкилмасми,
Қараб қўйсак, кўзингизнинг ибоси ўкинмасми,
Куйдирсангиз, кўнглимиз бу дунёга кул сочар.
Жилмайса жамолингиз жон олгувчи гул очар.

Дилбарим, дилимизнинг зорини этгим келди,
Дилбарим, дилингизнинг торини чертгим келди.
Жисмимда асраган гул, жонимни тутгим келди,
Ай гулим, гулдан ўзга булбул кимга дил очар.
Юзингиз ёғдулари ёндириблар нур сочар.

Соғинч сўзи сочларга эрта ёққан қормикин,
Ошиққа аталгани азалдан озормикин,
Ишқ сўзин ишратига кул бўлмаган бормикин,
Кулимсан, деб гар Аллоҳ бошинг узра қўл очар.
Мардлар карвонбошидир, бир миллатга йўл очар.

Кўрсак кўклардек кўклар, боғ-бўстонга сиғмадик,
Ер надур, энтикканда танда жонга сиғмадик,
Шеър надур, ғазал надур, юз достонга сиғмадик,
Ўйламанг, оҳ ўзгалар бошингиздан дур сочар.
Маликам, Маҳмуд сўзи марвариддек нур сочар.



ҚҰЛИНГНИ БЕР, ГУЛИМ

Атиргул атрини тиконга сочмиш,
Қўлингни бер, гулим, қўлларингни бер!
Гуллар дудоғини болари очмиш,
Қўлингни бер, гулим, қўлларингни бер!

Ойдек юзинг силаб, ой кўнгли ўсар.
Юлдуз кўзларингдан юлдузлар ўпар.
Дилим, куйган дилим зорини тўкар.
Қўлингни бер, гулим, қўлларингни бер!

Райҳонлардан сўраб бир рўмол олай,
Муҳаббат боғида бошингга солай,
Қошлари камону кўзи қуралай.
Қўлингни бер, гулим, қўлларингни бер!

Қўлингни бер, гулим, дудоғим куйсин,
Сўраб сўроғим ҳам қароғим куйсин,
Ўнгим, сўлим, яқин, йироғим куйсин,
Қўлингни бер, гулим, қўлларингни бер!

Юргин, қизғалдоқдан бода сўраймиз.
Майсадан марварид шода сўраймиз.
Жаннат эшигида бирга тургаймиз,
Қўлингни бер, гулим, қўлларингни бер!



ГУЛХАН ЁҚДИНГИЗ

Тиконлар тиғида очилган гулдай,
Сиз менинг кўнглимда гулхан ёқдингиз.
Булутнинг бошини силаган нурдай,
Сиз менинг кўнглимда гулхан ёқдингиз.

Ўксишни билмаган офтобмидингиз,
Тунга тумор бўлган моҳтобмидингиз,
Гулим, гулдан томган гулобмидингиз,
Сиз менинг кўнглимда гулхан ёқдингиз.

Бу не сўзким, боларига бол бўлур,
Бу не кўзким, қуёш кўриб лол бўлур.
Бу не чирой, оламга жамол бўлур.
Сиз менинг кўнглимда гулхан ёқдингиз.

Қувонч кўнғироғи қўлимда қолди,
Минг булбул бўзлашиб йўлимда қолди.
Бўсангиз болмиди, тилимда қолди,
Сиз менинг кўнглимда гулхан ёқдингиз.

Жон энди жонлигин унутиб қўйди,
Бу дил меҳрингиздан чўғ ютиб қўйди,
Кўзим кўзингизга гул тутиб қўйди,
Сиз менинг кўнглимда гулхан ёқдингиз.



БИР БОРА ЎТМАЙСИЗМИ?

Орзум менинг армоним, киролмаган боғимдир,
Бу дунёда хуш оним сизни кўрган чоғимдир,
Икки кўз – икки чашмим ҳам икки қароғимдир,
Чимдимгина нур сочиб юракнинг дарчасидан,
Бир бора ўтмайсизми кўнглимнинг кўчасидан?

Қувончини қўш қўллаб кўтарганларни кўрдим,
Изингиздан бир ажиб йўталганларни кўрдим,
Хаёлда сувратингиз кўриб қалқиблар турдим,
Қултумгина сув сепиб васлингиз чашмасидан,
Бир бора ўтмайсизми кўнглимнинг кўчасидан?

Булоқлар бедорлиги ошиқларнинг оҳидан,
Кўнгил узиб бўлурми ернинг сиздек моҳидан,
Билсангиз ишқ аҳлининг гул унмиш гуноҳидан,
Талпиниб икки каптар сирилган нимчасидан,
Бир бора ўтмайсизми кўнглимнинг кўчасидан?

Не тегса кўздан тегар, кўзингизни асранг сиз,
Ой аразлаб юрганмиш, юзингизни асранг сиз,
Гардининг гавҳари бор, изингизни асранг сиз,
Тангри ўзи айирмиш кундузни кечасидан,
Бир бора ўтмайсизми кўнглимнинг кўчасидан?



КУЙГИМ КЕЛАР

Узилган гул уволига эсган сабо видо айтар,
Гуркираган райхон иси, гулим, сизга сано айтар,
Йўлингизга тўкилгайдир кўнглимизда кулган байтлар,
Ўзгалардан ўзгачароқ, эй ёр, сизни суйгим келар,
Куйдирсангиз, кўйингизда кул бўлгунча куйгим келар.

Севдим деган сўз садоси чақмоқларнинг чиройими,
Изингизда унган гуллар, ваҳ, шунчалар анвойими,
Ошиқ аҳли бу дунёда биз ғарибдек савдойими,
Жамолингиз чашмасига ташнадирман, туйгим келар,
Куйдирсангиз, кўйингизда кул бўлгунча куйгим келар.

Бир булбулмиз, боғингизда очилсангиз қани гул-гул,
Юлдузларга юз очмаган ҳилолмиди чеҳрангиз ул,
Билмагайсиз, қўлларимиз осмонларга осилган қул,
Қиё боқмай кетишингиз — ёлғонларга йўйгим келар,
Куйдирсангиз, кўйингизда кул бўлгунча куйгим келар.

Кўнглимизнинг кўчасида сизни йўқлаб юрган чоғим,
Қаҳрингизга қоқилдим-ку, чил-чил синди дил чироғим,
Ёр, севгимдан сурон солур, қолса танда бир увоғим,
Бармоқларим бозиллатиб кўксингизга куйгим келар,
Куйдирсангиз Маҳмудингиз, кул бўлгунча куйгим келар.



БЎЛГАЙМИКИН

**Қуёшнинг гулханига ўт қалаб бўлгаймикин,
Бизга ҳам ул паридан бир талаб бўлгаймикин.
Туну кун юрган билан етолмай оввораман,
Зулфининг бир толасин бир тараб бўлгаймикин.**

**Биз ерга сигмаймизми, бир йўлда йўлдош бўлсак,
Меҳримиз қучар чоғда қўш қўлда қўлдош бўлсак,
Кўнглимиз офтобига сиз абад осмон бўлинг.
Ой бўлиб, қуёш бўлиб, куну тун дилдош бўлсак.**

**Мақсаду муродимиз дийдори дурингиз ёр.
Нетайки, бўлгим келса қартаймас қулингиз ёр.
Ибодат ишқидаги мўминдек мамнун бўлай.
Муҳаббат меҳробида бир суҳбат қурингиз, ёр.**

**Бу жоннинг жамолини жилоси бунчалар хуш,
Ярлақаб яратган ул худоси бунчалар хуш.
Ишқ аҳли гадолари Маҳмудга ҳавасмандлар,
Айтмишлар ул парининг гадоси бунчалар хуш.**



ТОШКЕНТНИНГ ТИЛЛОСИДАН

Қатрадек қалқиб кетдик жилвангиз жилосидан,
Бармоқларим бозиллар қулингиз хиносидан,
Марғилоннинг малаги, бунча момиқ билагини,
Ишқ аҳли сабоқ олсин оҳимиз имлосидан,
Узук тутсак олмайсиз Тошкентнинг тиллосидан.

Ёлборсак, ёнингизга ёт деб йўлатмагайсиз,
Бу ярим кўнглимизни нечун тўлатмагайсиз,
Сўрайвериб сил бўлдик, сочни силатмагайсиз,
Бир чимдим нур илиндик меҳримиз зиёсидан,
Узук тутсак олмайсиз Тошкентнинг тиллосидан.

Кумушлар суйганча бор. Зайнаблар куйганча бор.
Тошкентлик йигитларда Отабекдек беклик бор.
Бизни унутгай Аллоҳ, биз сизни унутсак, ёр.
Саломлар йўллаб эдик кўнглимиз сабосидан,
Узук тутсак олмайсиз Тошкентнинг тиллосидан.

Аҳли девона ичра девонаси биз бўлдик,
Марғилон кўчасида бегонаси биз бўлдик,
Келсангиз кўҳна Шошнинг остонаси биз бўлдик,
Маҳмуд кечгай сиз учун дунёнинг дунёсидан,
Узук тутсак олмайсиз Тошкентнинг тиллосидан.



ЭЪЗОЗ БИЛАН

Ҳар киши дилга кирур, бўлса хуш эъзоз билан,
Чирой ҳам жилмайгуси бир чимдим пардоз билан.

Бўйласанг бўйинг етсин, шунчаки сафда турма,
Бургут ҳам кўк султони ул баланд парвоз билан.

Тумори тилло балки, ҳар ёлғон йўлда қолур,
Жисмингни ўзинг кўтар, юрсанг ҳам дароз билан.

Бу дунё – бевафо, деб нолимоқ нон бермагай,
Ҳар бемор қад ростлагай аввало эъзоз билан.

Булутки бошингдадир, сен қочиб қайга бординг,
Магарки парвардигор ҳайдамас бир роз билан.

Сўзингни топиб айтсанг, эътибор элдан бўлур,
Қадринг ҳам қўлдан кетар. Маҳмуд, бил боз-боз билан.





ТАМАННОДАН ТИТРАДИМ

Гул атри гулбоғ ичра гул новдасин куйдирар,
Ошиқнинг охи ҳаргиз дил пардасин куйдирар,
Яратган танлаб-танлаб қул бандасин суйдирар,
Товонингга тўкилган таманнодан титрадим.

Чироқнинг чиройига парвона жонин тикмиш,
Бу не ҳусну латофат юрагимга гул экмиш,
Ойдан гўзал бегойим, остонангга қул чўкмиш,
Товонингга тўкилган таманнодан титрадим.

Бойчечакни бозордан терганни ким кўрибди,
Қалдирғочга бу қошни берганни ким кўрибди,
Ёлғизнинг ёстиғини кулганин ким кўрибди,
Товонингга тўкилган таманнодан титрадим.

Зулфизарин ифори ахтардим атирда йўқ,
Қошларини қиёси мен топган сатрда йўқ,
Маҳмудни кул қилгайдир кўксида гуллаган чўф,
Товонингга тўкилган таманнодан титрадим.



ХУШ ОНЛАР

Бу кўнгил кўзининг очилмоғи хуш,
Қувончнинг тўрт томон сочилмоғи хуш,
Мушкулнинг бир осон ечилмоғи хуш,
Хуш онлар муборак, дўсту ёронлар.

Қаҳр қалбимизда қишламасин ҳеч,
Меҳр бармоғини тишламасин ҳеч,
Ҳасад баримиздан ушламасин ҳеч,
Бахт тилаб очилсин қўллар, забонлар.

Ой биздан олислаб кетмасин сира,
Тонглар бокирадир, қуёш бокира,
Аллоҳга йиғласанг кўз ёш бокира,
Бизни тарк этмасин ёруғ имконлар.

Ишқ учун ишратдан тонганлар гўзал,
Соғинч дийдорига қонганлар гўзал,
Лоладек ловуллаб ёнганлар гўзал,
Тутсангиз, ярашсин гулу райҳонлар.

Биз – умр боғида бир фасл гулмиз,
Бир фасл хазонмиз, бир фасл кулмиз,
Қадрига етайлик, токи булбулмиз,
Маҳмуд, ярашмайди шеърга ёлғонлар.



НУРНИНГ КАЛОМИ

Хасда асли ҳайрат на қилсин,
Тошда, эй дуст, сийрат на қилсин,
Ношуд касда ғайрат на қилсин,
Сўзинг ичра сийратинг бўлсин,
Кўзинг ичра ҳайратинг бўлсин.

Мен зар эмас, дийдор талабман,
Булбулдирманки, гул тарафман,
Денгиз кўрмай, дема — садафман,
Заргар бўлсанг, дил заринг бўлсин,
Осмон бўлсанг, ҳулкаринг бўлсин.

Оломондан омонлик сўрма,
Юз йил яша, ёмонлик кўрма,
Қадоқ қўлсиз кўксингга урма,
Тилло топгин, ҳалолинг бўлсин,
Ҳақ хуш кўрсин, камолинг бўлсин.

Тил учида дил дарди бўлмас,
Соф кўнгилнинг бил, гарди бўлмас,
Мўмин эмас қирқ фарзни билмас,
Шайтон айтар, зўр шонинг бўлсин,
Раҳмон айтар, иймонинг бўлсин.

Маҳмуд, осмон йироқ демагин,
Ёнар қуртни чироқ демагин,
Ҳар соғинчни фироқ демагин,
Рангинг гулнинг саломи бўлсин,
Шеъринг нурнинг каломи бўлсин.




ТУГАТМАС

Болари боғларнинг болин тугатмас,
Яратган сахийнинг молин тугатмас,
Мажнунтол сув узра долин тугатмас,
Кўксидан қўйворар қумрини одам,
Кун келар, тугатар умрини одам.

Оламдан ранг олмиш чеҳраи зарди,
Дунёни қаритгай одамзод дарди,
Султонни сел қилар савобин гарди,
Яхшидир, яхшилар тилида одам,
Ҳурматдан хуш юрар элида одам.

Кўнгил кўзгусидир кўздаги ёлқин,
Чақмоқдан чиройли юздаги ёлқин,
Шоир бу – эл ичра сўздаги ёлқин,
Гар ёниб яшаса ўлмайди одам,
Маҳшарда гул бўлар, сўлмайди одам.

Дилнинг туморидир – Куръоннинг нури,
Жоннинг жамолидир – иймоннинг нури,
Тилдаги тўғри сўз – забоннинг нури,
Маҳмуд, Ҳақни таниб хур бўлар одам,
Кўнгил осмонида нур бўлар одам.



СИЗНИ ЁД ЭТАРМИЗ

Комилжон Отаниёзов хотирасига

Сиз кетсангиз бу дунёдан бош олиб,
Сизни ёд этармиз, Комилжон устоз.
Халқ ичинда қўлимизга соз олиб,
Сизни ёд этармиз, Комилжон устоз.

Хоразм бир гули кўҳна Туронни,
Бу элнинг кўп эрур булбул забони,
Булбулзабонларнинг бўлган султони,
Сизни ёд этармиз, Комилжон устоз.

Оталиқни молин боққан боласи,
Бу қушиқми ё Хоразм носаси,
Тинглаганнинг кўздан оқиб жоласи,
Сизни ёд этармиз, Комилжон устоз.

Ҳар банда сиғингай ёлғиз Худога,
Сўраймиз, қабрингиз тўлсин зиёга,
Ўзбек, туркман қўл очибон дуога,
Сизни ёд этармиз, Комилжон устоз.

Бу дунёга қайта келмоқ бўлсайди,
Сиз келмайсиз, аҳли Турон қўмсайди,
Лекин сиздек пири Комил ўлмайди,
Сизни ёд этармиз, Комилжон устоз.



ҲОФИЗ НИДОСИ

Ботир Зокиров хотирасига

Бир кўшиқ таралар, дилбар, хуш, майин,
Сеҳридан, дейманки, жаннат садоси,
Жаннатни ҳам бу кун куйдириб ётар
Ботир Зокировнинг нидоси.

Кимни ахтарасан чарх уриб гирён,
Уни соғиндингми ўлкам сабоси?
Ғафлат уйқусидан уйғотар ҳамон
Ботир Зокировнинг нидоси.

Муҳаббат висолдир, муҳаббат армон,
Отабекни ўртар Кумуш видоси,
Мажнуннинг, оҳ, ўтлуғ фарёдими у,
Ботир Зокировнинг нидоси.

Кўп дилга яқиндир, кўп элга азиз,
Дунёга таралмиш унинг навоси,
Қаро ер бағрига қандоқ сиғдийкин
Ботир Зокировнинг нидоси?!



УМРИМ

Нетай, бир дам тутолмасман, елда ўтган умрим менинг,
Бир қатрасин ичолмасман, селда ўтган умрим менинг.
Надоматнинг кемасида маломатдан эшкак тутиб,
Армон отлиғ дарёдаман, дўлда угган умрим менинг.

Ором бордир оловларда. ел совургай тушган қулни,
Бир ниҳол кўркича, оҳ, шод этмадим битта дилни,
Дуоларда кўйдирмадим гоҳ яйратиб икки қулни,
Дилда йиғлаб уз-узимга, тилда қулган умрим менинг.

Шабнам гулга умр тилаб қуёшнинг қурбони бўлар,
Бир нафас пок яшаш учун дунёнинг меҳмони бўлар.
Не қилдим, ажри учун яратган фармони бўлар,
Изларимда афсусларим, товон тилган умрим менинг.

Аллоҳ-Аллоҳ, товбам сенга. тизимдан қон томсин, майли,
Кўз ёшим юзим ёндириб. кўзимдан жон томсин, майли,
Ўзни топдим, қул қилмагай энди мени кўнглим майли.
Аллоҳ десам олам гўзал, гулдай бўлган умрим менинг.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Соғинтириб яшагим келар | 3 |
| Оққан дарё оқаверади | 4 |
| Асрай билгин | 5 |
| Мендан мени сўрама | 6 |
| Ёмғир | 7 |
| Кўз нечун даркор экан | 8 |
| Тилаб-тилаб олганим (<i>халқ оҳангида</i>) | 9 |
| Дунё гўзал | 10 |
| Чин надур | 11 |
| Садо бўлур | 12 |
| Момо ер | 13 |
| Қошмиди чимрилгани | 14 |
| Изларингдан тергайман | 15 |
| Қайнона (<i>ҳазил</i>) | 16 |
| Қайнота (<i>ҳазил</i>) | 17 |
| Овсинлар (<i>ҳазил</i>) | 18 |
| Олма отсанг | 20 |
| Халқона | 21 |
| Бармоқларинг бодаси | 22 |
| Яхши | 23 |
| Ярими бўш ёстиқлар | 25 |
| Араз (<i>халқ оҳангида</i>) | 26 |
| Кўрган борми? | 27 |
| Чин ошиқ | 29 |
| Нечун | 30 |
| Айтишув | 31 |
| Бир сену бир худо | 33 |
| На қилсин | 34 |
| Кулгичинг | 35 |
| Офтоб ерга ботмайди | 36 |

| | |
|--|----|
| Муҳаббат меҳроби | 37 |
| Ай муҳаббат | 38 |
| Армон | 39 |
| Гулим | 40 |
| Изтироб | 41 |
| Изҳор | 43 |
| Бизлар эмас | 44 |
| Муҳаббат | 45 |
| Жумбоқ | 46 |
| Нима бор бизга? | 47 |
| Хуш тилак | 48 |
| Кўзгу | 49 |
| Ҳикмат йўқдир ёлғонда | 50 |
| Бўлмади | 51 |
| Жийда гули | 52 |
| Момолар | 53 |
| Йиғлайди | 54 |
| Ота уй (<i>Абдусалом Дилкашига</i>) | 55 |
| Ёлғизлик | 56 |
| Айтсин | 57 |
| Жонга чертасизми? | 58 |
| Ажаб... | 59 |
| Эй қора кўз | 60 |
| Ўхшамас | 61 |
| Кулиб яшасин | 62 |
| Ёлғизлик ёмон | 63 |
| Гина | 64 |
| Жавоб | 65 |
| Аҳли муҳаббат, қайдасиз? | 66 |
| Мен офтобга алишмаган аёллар | 67 |
| Бедорларга беринг дунёни | 68 |
| Ай дунё | 69 |
| Бир кунда (<i>Дўстим Миркомилга</i>) | 70 |
| Дил | 71 |
| Карам | 72 |
| Олов менинг чаманим | 73 |

| | |
|-----------------------------------|-----|
| Нола..... | 74 |
| Кел, кетайлик дунёларидан | 75 |
| Ерни кур | 76 |
| Муҳтож бўлмайсан | 77 |
| Эътироз | 78 |
| Шамоллар | 79 |
| Билмасанг | 80 |
| Кўргим келса | 81 |
| Оқинлар | 82 |
| Моҳим | 83 |
| Яшаш ширин | 84 |
| Яшадингми ўзинг учун | 85 |
| Раъно | 86 |
| Кулгуларингдан | 87 |
| Айлонайин | 88 |
| Чироқ бўлинг | 89 |
| Қаролар | 90 |
| Моможон | 91 |
| Биз нечун учрашдик? | 92 |
| Қаҳрингизни қаритгум | 93 |
| Кўз тегмасин | 94 |
| Бу йўллар | 95 |
| Кўҳна қўшиқ | 96 |
| Бахтингиз болишида | 97 |
| Дўстнинг қадри қадаҳда эмас | 98 |
| Ой нечун овворадир | 99 |
| Йўлга чиққанман | 100 |
| Салом бор | 101 |
| Белбоғ | 102 |
| Нола | 103 |
| Қирқ кокил | 104 |
| Сенга ёлвораман | 105 |
| Болалик | 106 |
| Йиглар | 107 |
| Ишқ гулоби | 108 |
| Олдим | 109 |

| | |
|--|-----|
| Келмадинг | 110 |
| Сувлар | 111 |
| Мени тошлар тинглашади | 112 |
| Лола | 113 |
| Дилдош бўлай | 114 |
| Алангангда унди умидим | 115 |
| Муҳаббат | 116 |
| Жонимни қалам қилдим | 117 |
| Тилмоч керакмас | 118 |
| Ғаним | 119 |
| Бобо деҳқоним | 120 |
| Ярашмас энди | 122 |
| Сабр | 123 |
| Кўрмай қолсам | 124 |
| Элнинг ардоғи (<i>Фахриддин Умаровга</i>) | 125 |
| Боболарим (<i>Шермуҳаммадбек хотирасига бағишлайман</i>) | 126 |
| Юрагимда ёнган ўт | 128 |
| Бу дунё | 129 |
| Қумримиз бор | 130 |
| Мен кўрмаган гул | 131 |
| Кулгу тиландим | 132 |
| Малҳам | 133 |
| Қушиқ қаритмайди | 134 |
| Устозлар! | 135 |
| Яхшиликка келганман | 136 |
| Аввал Ватан | 137 |
| Омонлик тилайлик | 139 |
| Бекор | 140 |
| Ватан асли | 141 |
| Ватан | 142 |
| Ватан деб, биз буюк бир халқ бўламиз | 143 |
| Бизга ишонгин, Ватан | 145 |
| Ватан дийдори | 146 |
| Ватан учун яшайлик | 147 |
| Ватанни аслида Ватан қилганлар | 149 |
| Райҳонлар исларин булоғи Ватан | 150 |

| | |
|---------------------------------------|-----|
| Эзгуликка эҳтиром | 151 |
| Бахт | 152 |
| Вафо | 153 |
| Шукрона | 154 |
| Вафо билан | 155 |
| Шафтоли сочган кулгу | 156 |
| Тушингизга киргим келар | 157 |
| Капалак | 158 |
| Баҳорим | 159 |
| Кўкарган кўнгил | 160 |
| Соғиндим | 161 |
| Биз кутган баҳор | 162 |
| Баҳорга етганлар омон бўлсинлар | 163 |
| Наврўз ёр-ёри | 164 |
| Бунча гўзал бу ҳаёт | 165 |
| Куртагида кулгу бор | 166 |
| Қалбингда баҳоринг бор | 167 |
| Баҳор берар биз кутган бахтни | 168 |
| Наврўзни етаклаб келади баҳор | 169 |
| Баҳор узи алдамчи | 170 |
| Бек бўлади бизнинг болалар | 171 |
| Ўзбекмиз | 172 |
| Эл | 174 |
| Кечаги кун | 175 |
| Бобур армони | 176 |
| Элда булсин | 177 |
| Она | 178 |
| Болажон | 179 |
| Давлатим дури онам | 180 |
| Шифо сўрадим | 181 |
| Отамнинг сўзи | 182 |
| Онам билан кетмон чопган аёллар | 183 |
| Қадим сўз | 185 |
| Кўрмангиз | 186 |
| Ҳаёт | 187 |
| Ўзимга насиҳат | 188 |

| | |
|--|-----|
| Устина | 189 |
| Ёришган йул сўрайман | 190 |
| Омадин олма | 191 |
| Муҳаббат яшар | 192 |
| Муҳаббат шеваси | 193 |
| Ишқ увоғи | 194 |
| Маликам | 195 |
| Бу кеча | 196 |
| Гулойим | 197 |
| Зоримиз тингламайсиз | 198 |
| Жилмайса жамолингиз | 199 |
| Қулингни бер, гулим | 200 |
| Гулхан ёқдингиз | 201 |
| Бир бора ўтмайсизми? | 202 |
| Куйгим келар | 203 |
| Бўлгаймикин | 204 |
| Тошкентнинг тиллосидан | 205 |
| Эъзоз билан | 206 |
| Таманнодан титрадим | 207 |
| Хуш онлар | 208 |
| Нурнинг каломи | 209 |
| Тугатмас | 210 |
| Сизни ёд этармиз (<i>Комилжон Отаниёзов хотирасига</i>) | 211 |
| Ҳофиз нидоси (<i>Ботир Зокиров хотирасига</i>) | 212 |
| Умрим | 213 |

Адабий-бадиий нашр

Маҳмуд Тоир

АҲЛИ МУҲАББАТ, ҚАЙДАСИЗ

Шеърлар

Муҳаррирлар: *Муҳиддин Омон,*
Даврон Улуғмуродов
Бадиий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*
Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*
Мусахҳиҳ *Фотима Ортиқова*
Компьютерда саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашр. лиц. № 154. 14. 08. 09.

Босишга 2013 йил 11 декабрда рухсат этилди.

Бичими 84x108¹/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма.
11,55 шартли босма тобоқ. 7,05 нашр тобоғи. Алади 2000 нусха.
503 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

Бизнинг интернет манзил: www.gglit.uz
E-mail: info@gglit.uz